1972/4

ГУЛИСТОН

4

1972



— Улуғ Ленин иши учун курашга доим тайёрмиз!

НУРЛИ, МАЗМУНЛИ САҲИФАЛАР

Пойтахт шаҳримиз Қизил майдони яна бир кўҳлик кошона — В. И. Ленин Марказий музейи филиали биноси билан чирой очганига анча бўлди. Шундан бери бу маскан қутлуғ зиёратгоҳга айланиб қолди. Доҳий музейи филиалига ташриф буюрганлар бир миллиондан ошиб кетди. Кўз нури, дил меҳри билан яратилган музейнинг чароғон заллари ҳамиша гавжум. Бу ерда Ер куррасининг барча бурчларидан келган хорижий меҳмонларни ҳам учратиш мумкин.

1970 йилнинг 7 сентябрида В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкентдаги филиалини кўздан кечирган КПСС Марказий Комитети Бош секретари Леонид Ильич Брежнев бундай деган эди:

— Янги музей биноси ғоят гўзал, ундаги жуда кўп экспонатлар Владимир Ильич Ленинининг ҳаёти ва фаолиятини, унинг Шарқ халқлари ҳаётига ва революцион курашига доимо зўр эътибор билан қараганлигини акс эттиради. Бу музей улуғ доҳий туғилган куннинг 100 йиллиги муносабати билан тошкентликларга аталган ажойиб совғадир. Музейнинг иши Узбекистон меҳнаткашларининг Ленин меросини чуқурроқ ўрганишига ёрдам беражагига аминман.

Дарҳақиқат, В. И. Ленин Марказий музейи филиалининг илмий коллективи ана шундай муносиб баҳога лойиқ ишларнинг уддасидан чиқмоқда. Бири-бирига уланиб кетган шинам заллар жаҳон пролетариати доҳийсининг ҳаёти ва фаолиятини, қардош миллатларнинг гуллаб-яшнаши, халқлар дўстлиги ғояларининг амалга ошуви тарихини ҳикоя қилади. Доҳий идеалининг бутун моҳияти — порлоқ келажак ва адолат учун курашдан иборат эканини талқин этади. Музей экспонатларини кўриб, Владимир Ильич Ленининнинг ҳамиша оддий инсон, ғамхўр устоз, меҳрибон дўст бўлганига янада мустаҳкам ишонч ҳосил қиласиз.

Музей филиалининг муҳим фазилатларидан бири — доҳийнинг мазлум Шарқ халқлари, яъни Туркистон меҳнаткашларининг тақдири билан мунтазам қизиқиб келганини далилловчи жуда кўп ашёларнинг қўлга киритилганидир. Ноёб кўргазмалар, биринчидан, Туркистоннинг озодликка эришувида Ленининнинг мислсиз кўмаги тўғрисида ҳикоя қилса, иккинчидан, туркистонликларнинг қадрдон доҳийга бўлган чуқур меҳр-муҳаббатларини акс эттиради.

Доҳий Ленининнинг Туркистон меҳнаткашлари билан бевосита ва билвосита бўлган мулоқоти 1898 йилданоқ бошланган. Музей заллари да шуни исботловчи ҳужжатларнинг асл нусхаларидан олинган кўчирмалар бор. «Ишчилар синфини озод қилиш учун кураш союзи»нинг аъзолари Максим Леонов, Степан Иванов худди шу йилда Туркистон ҳарбий округига сургун этилади. Улар бу ерда ҳам меҳнаткашлар ўртасида марксистик ғояларни ташвиқ қилиш билан шуғулланадилар. Шундан сўнг В. И. Ленин муҳаррир бўлган «Искра» газетаси «Темир йўлчиларнинг машаққатли ҳаёти» тўғрисида қайғуриб ёзди. Залнинг бошланиш қисмида РСДРПнинг навбатдаги иккинчи съездини чақириш тўғрисида Тошкентдаги эркаклар гимназиясининг биносидан топилган варақанинг оққа кўчирилган нусхаси, 1905 йили

R 496
1972/4

ГБ УзССР
Нн

Тошкентда чоп этилган РСДРПнинг Тошкент группаси чиқарган газета ҳамда варақаларнинг асли ҳам қўйилган. У биринчи марта Музей филиали ходимлари томонидан қўлга киритилган.

Залдан залга ўтасиз. Йиллар бирин-кетин алмашинади. Жаҳон пролетариати доҳийсининг туркистонликлар билан мулоқоти тобора қизғинлашиб борганлигининг гувоҳи бўласиз. 1909 йили тошкентликларнинг РСДРП «Пролетарий» газетасидан юборилган турли шарларини сўраб ёзган илтимосномаси, 1912 йилдан чиқа бошлаган ишчиларнинг биринчи легал газетаси «Правда»ни тайёрлаб, Тошкентдан жўнатилган хат, Туркистонда сапёрлар иши юзасидан чиқарилган суд ҳукмининг Ленинга юборилган нусхаси, 1912 йил 14 сентябрда ошкора маҳаллий «Наша газета»да эълон қилинган инқилобий ҳаракатга тайёргарлик бўйича даъватнома, Тошкентда бўлаётган Туркистон ўлкаси Советлар съездига, Туркистон Халқ Комиссарлари Советига, Иброҳимовга ва Клевлеевга 1918 йил 22 апрель куни жўнатилган В. И. Ленин ва И. В. Сталиннинг телеграммаси, 1918 йили доҳий Ленин имзо чеккан «Туркистонда суғориш ишларига 50 миллион сўм ажратиш ва суғориш ишларини ташкил қилиш тўғрисида Декрет», Ленинга суиқасд қилингандан сўнг Туркистон меҳнаткашлари унинг соғлиғини сўраб йўллаган ҳамдардлик хатларидан кўчирмалар бор. Шунингдек, ўша йилнинг 23 июль куни В. И. Ленининнинг Тошкент воқеаларидан хабардор қилиб туришлари ҳақида йўллаган радиотелеграммаси, 1919 йилнинг 30 августида Тошкент Ижроия Комитети ва ҳамма темир йўл ишчиларига радиограммаси, шу йилнинг 7—10 ноябрларида Туркистон коммунистларига ёзган хати, 1921 йили 27 июлда Самарқанд коммунистларига жўнатган телеграммаси, 1920 йил 7 сентябрда доҳий имзо чеккан Халқ Комиссарлари Советининг «Туркистон ва Озарбайжон Совет Социалистик Республикаларида пахтачиликни тиклаш тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва Туркистон Давлат университетини таъсис этиш тўғрисидаги Декретнинг аслидан кўчириб олинган нусхалар ҳам диққатга сазовордир. Бу муҳим ашёлардан намуналарни тўплашда В. И. Ленин Марказий музейининг илмий ходимлари ҳақидан ёрдам бердилар.


Р. С. Ф. С. Р.

Т·С·С·Р.

Депутатская книжка

члена Ташкентского Ново-Городского Совета Рабочих, Красноармейских и Дехканских депутатов XIII созыва.

товарища Ленина В. И.

Гор. Ташкент.
Первая образцовая мусульманская типография

Тошкент шаҳар Совети томонидан В. И. Ленинга берилган депутатлик дафтарчаси.

Красная Пресня ишчилари томонидан В. И. Ленинга ва Коминтерн III Конгрессининг бошқа делегатларига берилган бронза медаль намунаси ҳам кўргазмалар қаторидан ўрин олган. Ўша бронза медалнинг намунаси ва 112-сонли мандат дафтарчаси тошкентлик К. Тожиевникидир. Ильичнинг яккаю ягона ордени — Хоразм Халқ Республикасининг Меҳнат ордени ва 1923 йили В. И. Ленин Тошсовет аъзоси қилиб сайланганда унга берилган депутатлик билетининг кўчирмаси ҳамда ўзбек ўймакор усталари Қ. Юнусов, Қ. Ҳайдаровларнинг доҳийга совға қилган стулларининг қайта ишланган намунаси кўпчиликни қизиқтирмоқда. Доҳий Ленинга шахсан таниш бўлган туркистонлик инқилобчилар ва давлат арбобларининг портретлари, истеъдодли ўзбек рассомлари Н. Қўзибоев, Қ. Башаровларнинг қилқаламига мансуб «Ленин Разливда», «Туркистон меҳнаткашлари В. И. Ленин ҳузурида» асарлари музей филиали залларини бойитиб турибди. Ҳар бир залда ўрнатилган диапроекция экранида намойиш этиладиган лавҳалар Туркистонда янги ҳаётни барпо қилиш йўлида олиб борилган кураш ҳақидаги тасаввуримизни чуқурлаштиради.

Ленин ҳужжатлари ҳаётимизнинг мунаввар саҳифаларидир. Музей филиалининг ишчан коллективи СССР ва УзССР ташкил топган кун олдидан стендларни янада бойитмоқчи. Улар доҳий Ленин ҳаётига дахлдор, ҳали кўпчиликка маълум бўлмаган ҳужжатларни топиш, «В. И. Ленин ва Ўрта Осиё халқлари» деган мавзунинг мундарижасини кенгайтириш борасида қизғин изланмоқдалар. Марказий Музей филиалининг галдаги вазифалари — Швеция, Лондон, Польша, Чехословакия, Франциядаги В. И. Ленин музейлари билан мустаҳкам алоқа боғлашдир.

Минг эшитгандан бир кўрган афзал, дейдилар. Пойтахтимизда бунёд этилган В. И. Ленин Марказий музейи филиали тўғрисида муфассал ҳикоя қилиш қийин. Яхшиси, бу табаррук кошонага ўзингиз бориб томоша қилинг.

М. ХИДИРОВ

Коминтернинг III Конгресси қатнашчиси Тожиевга берилган 112-сонли мандат дафтарчаси.


В. И. Лениннинг Туркистон республикаси Халқ Комиссарлари Совети Раиси Колесовга йўллаган телеграммаси.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ГУЛИСТОН

№ 4 (64) 1972
Апрель

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг журнали

1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг нашриёти


Тошкентлик агроном Александр Суетенко 1911 йилда чиқарилган «Кодак» фотоаппарати билан 1918 йили 7 ноябрь куни В. И. Ленинни Қизил майдонда беш марта суратга туширган.



Товарищам Курилай 104-ш. совх-и Ваздагирган Хайдар

Дорогие товарищи!
Владимир Ильич поручил мне передать вам его пламенную благодарность за привет и подарок и поручил ученикам раздать.
Не сомневаюсь, что если бы Ильич был здоров, он обязательно поговорил бы с вами об урожаях ваших и работе кружка. Я сообщаю, что ваш подарок будет отправлен в Академию, которая и должна его получить.
С сердечным приветом и вам, дорогие товарищи

23/X 23 г. Надежда Крупская

Узбек наққоши Қ. Ҳайдаров доҳий Ленинга тақдим этган совғасини иккинчи қайта ишлади. Унгдаги суратда ана шу буюмлар. Чапда Мария Ульянованйнг ўзбек усталари Қ. Юнусов, Қ. Ҳайдаровга ёзган миннатдорчилик мактуби.

С. БЕЗНОСОВ ва В. ТУРУСОВ фотолари

ДИҚҚАТ! ЛЕНИН АНДИЖОН БИЛАН ГАПЛАШМОҚДА

1920 йилнинг май ойи. Туркистон Гражданлар урушининг ўтли ҳалқасида. Фарғона музофотида босмачиларга қарши шиддатли кураш бормоқда. Фронтга Қизил Армиянинг афсонавий қаҳрамони, машҳур саркарда Михаил Васильевич Фрунзе бошчилик қиларди. Ўша йили 24 майга ўтар кечаси қўмондон Андижонга кириб келди. Эрталаб у Андижон уезд-шаҳар инқилобий қўмитасининг мажлисини ўтказди. Мажлис собиқ қўрбоши, ёлғондан Қизил Армия томонига ўтган, амалда эса Советларга қарши қўпорувчилик ишларини олиб бораётган Охунжоннинг полкини тарқатиб юбориш ва қуролсизлантиришга қарор қилди. Аламзада Охунжон ўз йигитлари билан Фрунзе ҳаётига суиқасд уюштиришга уринди. Аммо сезгир соқчилар бунга йўл қўймадилар, душман фитнаси фош этилди.

Шу пайтда Андижонга, Фрунзе номига Халқ Комиссарлари Совети Раиси В. И. Лениндан радиограмма келди. Радиограмманинг Андижонда турган М. В. Фрунзега кечиктирилмасдан, ўз вақтида етказилиши тўғрисида қайғурган Владимир Ильич унинг охирига «Радиостанциядан тилхат сўралсин», деб ёзиб ҳам қўйган эди.

Радиограммада Туркистонда нефть ишлаб чиқаришнинг аҳволи, уни марказга келтириш имкониятлари ҳамда маҳаллий темир йўлларнинг нефть ва нефть маҳсулотларига бўлган эҳтиёжлари хусусида ахборот бериш сўралган эди.

Михаил Васильевич радиограммани олиши билан доҳий топшириғини бажаришга киришди. У республика Халқ Комиссарлари, тегишли хўжалик ташкилотлари билан шошилинч равишда алоқа боғлади. Ленин сўраган масалаларга доир жавобларни тўла-тўкис тайёрлади ҳамда телеграмма орқали ўша куниёқ доҳийга хабар қилди:

«Москва. Мудофаа Советининг Раиси ўртоқ Ленинга

н/р 00018.

25 май. Андижон.

Сизнинг нефть хусусидаги сўроғингизга биноан маълум қиламан: Красноводскка ҳозиргача ҳар куни ўрта ҳисоб билан 45000 пуд нефть ва тахминан 5000 пуд нефть маҳсулотлари, машина мойлари, керосин ва ҳоказолар келтирилмоқда. Кўнгиллилар флотини қўлга киритганлигимиз туфайли нефть етказиб беришни, шубҳасиз, анча ошириб юбориш мумкин. Красноводскдан нефть ташишда, биринчидан, цистерналар, иккинчидан эса, паровозларнинг етишмаслиги асосий тўғаноқ бўлмоқда. Цистерналар Златоуст темир йўлидаги Самарадан талаб қилинди, паровозларни эса ўз кучимиз билан тузатишга тўғри келади.

Йўлларнинг фронтга бўйсундирилиши муносабати билан бу жойларда меҳнат интизоми анча яхшиланди.

Ишчиларнинг таъминоти яхши йўлга қўйилмаётгани меҳнат унумдорлигини янада оширишга халақит бермоқда. Фронт бу соҳада кучсиз ва ҳарбий қисмларни таъминлашни уддалай олмаётир. Бунга сабаб Туркистонда озиқ-овқат ҳамда озиқ-овқат маҳкамаларининг ишлари ёмон аҳволдалигидир. Ҳоз ирги вақтда Туркистонда озиқ-овқат масаласига астойдил киришишимиз туфайли бу соҳадаги ишлар яхшиланиб кетса керак, деган умиддаман.

Туркистон фронти қўмондони Фрунзе».

Узоқ Андижондан М. В. Фрунзе имзоси билан юборилган телеграмма ўша куниёқ В. И. Ленинга етказиб берилди. Ўрта Осиёдан Марказга нефть маҳсулотлари келтириш имкониятларидан телеграмма орқали хабардор бўлган В. И. Ленин ўша дақиқадаёқ Андижон билан бевосита гаплашишни лозим кўрди. Доҳий Фрунзе билан телефон орқали гаплашди.

Доҳийнинг М. В. Фрунзе билан телефон орқали сўзлашгани Туркистон ёнилғи бўлими бошлиғи Летневнинг 26 майда транспортни нефть ва бензин билан таъминлаш тўғрисида В. И. Ленин номига юборган телеграммасида ҳам эслатилади.

В. И. Ленин Андижон билан гаплашганида Марказга нефть ва бензин юборилишини сўраганлиги М. В. Фрунзенинг 25 май куни йўллаган қуйидаги телеграммасидан ҳам маълум:

«Телеграмма. Шошилинч. Махфий. Тошкентга, ёнилғи бўлими ўртоқ Летневга, йўл бошлиғи ўртоқ Рустейкога, нусхаси: Москва, Мудофаа Советининг раиси ўртоқ Ленинга.

н/р 00019.

25 май. Андижон.

Шахсан ўртоқ Ленининнинг кўрсатмасига мувофиқ дарҳол ярмига нефть, ярмига бензин ортилган иккита поезд маршрутини тайёрланг. Башарти, бензин етарли миқдорда бўлмаса, зудлик билан Бокудан бензин юборишларини талаб қилинг.

Ҳар қандай шароитда ҳам, мавжуд нефть ва бензин запасларини юбортиринг. Маршрутни тезлик билан, ҳеч қандай навбат кутмасдан, Москвага келтириш масъулияти шахсан йўл бошлиғи ўртоқ Рустейконинг зиммасига юклатилсин. Маршрутлар тегишли адресга жўнатилсин!

Туркистон фронтининг қўмондони Фрунзе».

Бутун дунё меҳнаткашларининг доҳийси ва йўлбошчиси Владимир Ильич Ленининнинг революцион анъаналарга бой бўлган қадимий ва навқирон шаҳримиз Андижон билан бир кунниг ўзида ҳам радиограмма, ҳам телеграмма, ҳам телефон орқали алоқа боғлашга фурсат топгани ғоят ибратли ва унутилмас воқеадир.

Р. ШАМСИДДИНОВ



Апрель

Муса ҒАЛИ

Поэма

Ўтган йиллар —
кесилган ўрмон...
Хаёл тўлқинида сузаман.
Ғоҳо, кезган каби ўрмон оралаб,
Мен йиллар оралаб кезаман.
Бургут парвоз этган тунги уфқдай,
Аср боши келар олдимга.
Менинг асрим!
Ранги, руҳи билан,
Бор мазмуни билан сингган қалбимга.
Биринчи қадамдан эшитганман уни,
Асрим эса мени эшитган.
Кўнглимда туғилган ҳар дард, ҳар оҳанг
Давр куйлаб турган қўшиқдан.
Ғамларим ҳам дунё ғамларидир,
Қалбимда дуёнинг хурсандликлари.
Ўзим оқ қайинни бағримга босиб,
Яна интиламан юлдузлар сари.
Ҳа, замона,
буткул менiки...
— Омонмисиз, яшил куртаклар!
Сизни уйғотибди апрель сабоси,
Салом, қумурсқалар, читтаклар...
Гарчи билмасам ҳам тилларингизни,
Ҳар он завқим ошар, кайфдаман.
Сеҳрий апрель шаббодаси билан
Ерим ўтмишига қайтаман.
Апрель қанотида бориб, хаёлимда
Мен Володя билан учрашдим.
Кейин...
Ленин байроғи остида
Ярим жаҳон билан дўстлашдим.
Кўргандайман Разлив туманларин,
Уйқудан уйғонар ўлкалар.
Тонгдай балқиб Ленин сиймоси,
Кўк гумбазин ёлқин тилкалар...
Кўзларимда бугунги баҳору
Олис апрель чиқмас ўйимдан;
Қулоқ солсам, Курра, қалбингга,
Умид саси янграр куйингдан.
Чамалайман Волга тонги билан
Броневик томининг орасин,
Хотиралар такрор олиб келар
Ленинниинг қиёфасин, Ленин қарашин.
Бутун даврни бошлаб Октябрь кирар
Кишиликнинг бағри-дилига.
Мен дунёни, тарихни кезаман
Юзим тутиб апрель елига.
Кўкда сузган сахий, илиқ қуёш
Навбаҳор юзида ёнади.
Ленинизм буюк уммон каби
Юрагимда менинг тўлқинланади!

Хотиралар оқар, хотира сўйлар,
Болалик даврига элтади ўйлар.

Кўм-кўк қирлар ёнбағрини ювиб,
Қор сувлари сирқиб борарди.
Тўрғай сайрар эди тиккада,
Кекса солдат ер ағдарарди.
Ҳилпирарди дуд сингган шинель,
Шамолда паришон сочлари.
Билқиллаган, бўлиқ марзаларга
Қариянинг томар ёшлари...
Мен, нораста, йиллар ўтиб, билдим
Бу ёшларнинг сири, қадрини.
Қувнаб-қувнаб кўмган экан деҳқон
Минг йилларнинг дарди, жабрини.
Ер шундай кенг!
Қувонганидан

Деҳқон борлиғини унутган эди.
Нондай юм-юмалоқ, сахий офтоб
Марзаларни илитган эди.
Ерга ошиқ солдат хаёлини
Мен, нораста, англадим сўнгроқ:
Ўзи кўпдан муштоқ экан унга
Ўтли қалдирғоқдан уйғонган тупроқ.
Ажиб бир зум фақат ёдимда —
Аста бордим чолнинг қошига.
У, индамай, узоқ қараб турди
Омоч тишларининг йилтиллашига.
Назаримда, лаби шивирлаб,
Гўё ўқир эди тақдир сўзини.
Омоч тишларида қуёш акс этиб,
Қамаштирар эди кўзини.
Гўё шу ойнага ер ҳақидаги
Декрет сатрлари босилган
Ва марзалар — тақдир китобининг
Варақлари каби очилган.
Гўё, мангуликка ушалсин, дея,
Ер ҳақида инсон тилаги,
Ўтдан ёнмай чиққан
солдатнинг
Шинель остидаги кекса юраги.
Уни талпинтирган момақалдироқ
Асрий кишанларда ингранган.
У Ватаннинг нотинч тонгларида
Ленин ўйларини тинглаган.
У тарихий жангга олиб кирди
Қалбида авлодлар қасосин,
Ҳар бир тўпнинг гумбурлашида
Урал тупроғининг сезиб нафасин.
... Бахт туғилган илк кунларни ўйлаб,
«Она-ер!» деди у титраб ёноғи.
Бу марзалар узоқ Неванинг
Ўтли тўлқинларин эслатди чоғи.
«Чух, жонивор!» деди қария яна,
Анқиғандай бўлди нон ҳиди.
Нондай юм-юмалоқ қуёш остида
Сурмадек марзалар ястанар эди...

Хотиралар оқар, оқар йўлларим,
О, ўт кечган олис йилларим!..

Шабнам эмас, ёш қатраси
Тонгги манзилларимда.
Ер чўғланиб ётар эди
Улуғ жанг йўлларида.
Ажал тиш қайрарди менга
Зангори туманларда.
Минг бор музлаб. минг бор ёндим
Оловли уммонларда.
Ёнғин аро қонли Днепр
Тўлғанарди сарсари.
Бу манзара кўз ўнгимда
Даҳшатли туш сингари.
Қора тутун
куртак ёрган

Эзгу, шонли хотиралар
Пайхон бўлмасин, дея,
Номардларни
ўзи ёққан
Оловида қовурдик.
Келгиндининг қора кулин
Қуюнларга совурдик.
— Ленин чорлар!—
шу хитобдан
Қалбда сўнмас аланга.
Ҳақиқатни сақлаб қолиб,
Мағрур боқдик оламга.
Ҳар ҳужумда бош узра
«Аврора»нинг нафаси.
Ғалабамиз, бу — Ленининг
Қалбимизда яшаши!

Апрель тонгин олсам созимга,
Йироқ эллар тушар ёдимга.

Юртимдан узоқман. Икки орада
Ястаниб ётади денгизлар, тоғлар.
Мовий кўкка интилган минор ҳам
Бўй-бастимни ётсираб чоғлар.
Шарқ тунлари, ўйчан Шарқ тунлари,
Хурмо барглари оқ, ой шуъласидан.
Дунё дардларининг садоси келар
Карвон қўнғироғин ашуласидан.
Яширин орзу, илтижо, нола
Мангу кўк гумбазга қанча ўрлаган!
Аммо, тангрим, деган шўрлик бандаси
Қон-ёшдан ўзгани асло кўрмаган...
Ер ўзича яшар, тангри ўзича,
Осмон ҳамон узоқ, ер ҳамон қаттиқ,
Бир кун дим кечада, япасқи томда
Мезбон йигит билан дардлашиб ётдик.
Уз ерида экан унинг ҳам ўйи.
Хурмодек, илдизи ҳамон заминда.
Юлдуз тўла кўкка қанча боқсак ҳам,
Бахт ерда экан, сенда ва менда...
«Мана мен — қисматинг», дегандек гўё
Кўз қисади кўкда юлдузлар.
Кўнглим эса, шошиб, орзиқиб,
Урал чашмасининг садосин излар.
Умид бўлиб порлаган юлдуз ҳам,
Қудрат ҳам йўқ мен учун кўкда...
Аммо ногоҳ
уфқнинг бир четида
Пайдо бўлди ёниқ бир нуқта.
. . . . . .
У сесканиб тушди:
— Тақсир, қаранг-чи,
Бу — Совет! Спутник!.. Бу — Ленин!..
Ҳаяжонда мен ҳам такрорладим:
— Бу — Совет! Спутник!.. Бу — Ленин!..
Миноралар, тунги хиёбонлар
Дашт еллари бирдан тиндилар.
Миллиард йил порлаган юлдузлар гўё
Кичрайиб, милтиллаб, бир зум сўндилар.
Қалбим зарби каби унинг садоси
Хабар бўлиб келди элимдан.
Она юртим, эттки денгиз оша
Қудратингни сездим дилимдан.
Йўлдош учар,— замон меники!— деб. —
Ақл қудратининг ўзиман.
Мен инсон қалбидан учдим самога,
Мен Юлдузман.
Ер Юлдузиман!
Қисмат нурин кўрган қадим дунё ўғли
Шошиб ниманидир яна кутарди...
Ёниқ юлдуз учар.
Буни мана шундай
Юксакликка Ленин кўтарди.
Ҳа, ҳа, қисматимнинг шуъласи бўлиб,
Бўлиб юртим сўзи, ўзимнинг сўзим,
Учдм кекса қитъалар узра,
Кўҳна дунё узра учди юлдузим.
Яна хотирладим олис тонгни шу пайт,
Кунда йилтиллаган омоч тишини.
«Уша шуъла эмасми бу!» деган
Хаёллар банд этар экан кишини...
Кўзи ёниб, менга боқар йигит.
Ўқидим қалбидаги эзгу сўзини.
Бугунча Юлдузи йўқ унинг, аммо
У Ленинга тиккан умид кўзини.
Дардли тўлғанади бугун саҳролар,
Йўқ, ғафлатда деманг хурмолар элин.
Қулоғимда янграр эди ҳамон:
— Бу — Совет! Спутник! Бу — Ленин!..
Хотиралар қўшилиб оқди,
Йўлдош бўлиб баҳор елига.
Ҳавас қилдим жангдан сўйлаган
Олисдаги там-там тилига.

Ҳаёт ҳаргиз ўз куйин куйлар,
Йиллар ўтиб, замин қарийди.
Лекин у курашчан баҳорлар туфайли
Ёшариб, дардлардан арийди.
Қуёш томчилари буюк баҳорнинг
Илк сўзини айтади Ерга.
Денгиз кечсам, саҳро кезсам ҳам,
Сиғинаман мовий Апрелга.
Қулоғимда қўмондоннинг сўзи:
«Унда бизни Ленин чорлайди!»
Ҳаёт ҳаққи, Инсон ҳаққи учун
Келажагим менинг порлайди.
Кўнглим сезар баҳор елларининг
Қанотида йиллар мавжини.
Ана тағин Эдил кўксида
Қатлам-қатлам музлар силжиди.
Бу қудратни кўрдим
инсоннинг
Занжир парчаловчи қўлида.
Лиана чирмашган дим тўқайзорлар,
Қовжираган Вьетнам чўлида.
Қудрат!..
Яна ёдимга тушар
Ер ҳайдовчи солдат... овулим.
Шу солдатнинг ўрнин босиб, биз
Кесмадикми жаҳон довулин!
Ҳаётимнинг ҳар варағида
Ленин билан кезлашганда ман,
Октябрнинг руҳи менга йўлдош,
Демак, йўлда,
демак, жангдаман!
Қанотли ел, о қутлуғ баҳор,
Раҳмат, ўйларимни ўбдон англадинг.
Волга соҳилини бирга-бирга кездик,
Бирга кездик Нева тонгларин.
Мовий апрель, майин толбаргак,
Ажиб илҳомчилар!
Куйлар офтобнинг заррин торлари,
Томар тиниқ, ўтли томчилар...

Бошқирдчадан **А. МУХТОР** таржимаси



Расмларни **В. БУДАЕВ** чизган

Ниҳолларни чирмади.
Нав-ниҳолдай ёш жонлар
Апрель тонгин кўрмади...
Она-ерга бош қўйдилар
Она-ер ҳаққи учун.
Не умрлар омонатм
Зиммамда қолди шу тун.
Бирдан,
солдат кипригига
Тонг нурини тортганда,
Тўқайзорда оппоқ туман
Кўрпасини ёпганда
Она-Ватан фармон берди
Днепрни кечгали.
Биз қирғоқда узоқ турдик
Тикилишиб ичкари.
— Унда Ленин чорлар бизни,
Олға! — деди қўмондон.
Энди бизлар қайтмас эдик
На ўтдан, на тумандан.
На тошқинлар ва на ажал
Дош берар зарбимизга.
Бир умрга ёниқ қолди
Уша тонг қалбимизда.
Бизни Ленин чорлар эди,
Пўлат эдик, тош эдик.
Қасам ичдик, ғалаба деб
Она-ерга бош эгдик...
Уша узоқ кўкламдаги
Куйлар уйғонди манда.
Кекса солдат умиди ҳам
Ахир, менинг зиммамда.
Ерда темир пошналардан
Ғуллар сўлмасин, дея,

ҚОЗОҒИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ

Ягона оилада

Д. А. ҚУНАЕВ,

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари

НУРАФШОН ЙЎЛДА

Совет Қозоғистонининг ижтимоий-иқтисодий қиёфасида, айниқса партия XXIII съездидан кейин, жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Шу йиллар мобайнида республика халқ хўжалигига 23,8 миллиард сўм — ўтган беш йилликдагига қараганда 33 процент кўп маблағ ажратилди. 445 та янги саноат корхонаси ва йирик цехлар қурилди, юзлаб завод ва фабрикалар реконструкция қилинди ва янги техника билан жиҳозланди. Саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми 55 процент ошди.

Республиканинг барча областларида, янги ўзлаштирилган ва илгари кам аҳоли яшаган районларда янги саноат корхоналари ташкил топди, ишлаб чиқаришнинг бутун бошли тармоқлари пайдо бўлди. Бизда 15 та янги шаҳар бунёдга келдики, уларнинг ҳар бири, одатда, индустрия гигантларининг туғилиши билан боғлиқдир. Қозоғистоннинг ғарбида нефть-газ олинадиган катта район юзага келди ва Манғишлоқ нефти Узень — Куйбишев нефть қувури орқали мамлакатнинг марказий районларига юборилади. Қустанай чўлларида Жанубий Урал ва Қозоғистон қора металлургиясининг хом ашё базаси жадал ривожланмоқда.

Павлодар-Экибастуз саноат райони тез суръатлар билан юксалмоқда. Бу ерда Ермак ферро-қотишмалар заводининг биринчи навбати ишга туширилди, алюминий заводининг қуввати деярли икки баробар оширилди, яқинда қад кўтарган йирик трактор заводи кучли «Қозоғистон» тракторлари ишлаб чиқара бошлади.

Қарағанда кўмир ҳавзаси билан бир қаторда Экибастуз кўмир ҳавзаси ҳам тез ривожланади, у яқин йиллар ичида мамлакатга ҳар йили 50 миллион тоннадан кўмир беради. Марказий Қозоғистоннинг индустриал қуввати ошмоқда. Темиртовда Европа ва Осиёда энг йирик кислород-конвертор комплекс цехи қурилди, пўлат прокат ишлаб чиқариш бўйича қўшимча қувват ишга туширилди.

Рангли металлургия Қозоғистон экономикасида етакчи тармоқлардан бири ҳисобланади. Ленногорск рух заводи, Усть-Каменогорск титан-магний комбинатининг иккинчи навбати ишга туширилди. Балхаш кон-металлургия комбинатининг қуввати оширилди, Жезқазғонда мис-электролит заводининг биринчи навбати фойдаланишга топширилди. Яқинда вужудга келган иккита йирик шахта қуввати ва жиҳозланиш жиҳатидан мамлакат рангли металлургия саноатида беқиёсдир.

Республикамиз катта кимё ўлкасига айланди. Қоратовда фосфоритларнинг жуда бой конлари ўзлаштирилди. Чимкент ва Жамбулда янги кимё корхоналарининг ишга туширилиши туфайли, Қозоғистон мамлакатда фосфор тузлари ва юқори сифатли суперфосфат ишлаб чиқарадиган асосий ўлка бўлиб қолди.

Энергетика ва машинасозлик жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Енгил, озиқ-овқат ва гўшт-сут саноати мунтазам ўсмоқда.

Ҳозир республикамизда саноат маҳсулотлари уруштан олдинги — 1940 йилдагига қараганда деярли 19 баробар ортиқ ишлаб чиқарилмоқда... Совет Қозоғистони жуда тараққий этган социалистик республикага айланди ва Совет Ватанимизнинг қардош халқлари ягона оиласида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада юксалтириш масалаларига республика коммунистлари ва барча қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари алоҳида аҳамият бериб келдилар ва бундан буён ҳам аҳамият бераверадилар... Қозоғистон ўтган беш йилликда мамлакатга 61,2 миллион тонна ғалла етиштириб берди. Республикада шоли етиштириш беш йил мобайнида деярли 4 баробар ошди, давлатга пилладан топшқари 193 минг тонна шоли сотилди.

Чорвачиликда ҳам муайян ютуқлар қўлга киритилди. Моллар туёғини кўпайтириш билан бирга гўшт етиштириш 20 процентга ошди. Беш йил ичида республика давлатга 5,2 миллион тонна қорамол ва парранда гўшти сотди.

Қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари янги-янги марраларни қўлга киритишлари керак. Бизнинг олдимизга ғалла ҳосилдорлигини ҳар йили ўрта ҳисобда 24 миллион тоннага етказиш вазифаси қўйилган.

Қозоғистон Коммунистик партияси қишлоқ хўжалиги соҳасида ўзига юклатилган янги улкан вазифаларни бажаришга қодирдир. Биз қўриқ ерларни ўзлаштиришда бой тажрибага эгамиз, бизда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ажойиб мутахассис ва ташкилотчи кадрларн етишиб чиқди. Коммунистлар ва барча қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари мамлакатга Қозоғистон ғалласи, гўшти, сути ва қишлоқ хўжалигининг бошқа маҳсулотларини кўпроқ етиштириш учун ҳормай-толмай меҳнат қиладилар.

Экономиканинг жадал ривожланиши туфайли Қозоғистоннинг ижтимоий қиёфасида муҳим ўзгаришлар содир бўлди. 5 йил ичида 30 миллион квадрат метрли уй-жой қурилди, аҳолининг деярли тўртдан бир қисми янги шинам уйларга кўчиб ўтди ёки ўзининг яшаш шароитини яхшилади. Миллий даромад 61 процентга ўсди. Маиший ва коммунал хизмат кўрсатишнинг кўлами кенгайди, товар оборати ҳажми ошди, аҳолининг саноат молари ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиши яхшиланди. Қозоқ халқининг фани ва маданияти янада юксалди.

Қозоғистонда Совет Иттифоқидаги юздан ортиқ миллат ва халқларнинг вакиллари яшайдилар. Улар хўжалик ва маданий қурилишнинг барча соҳаларида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Халқларнинг ленинча дўстлиги уларнинг бунёдкорлик меҳнатида янада мустаҳкамланмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг доимий ёрдами ва диққат-эътибори туфайли республикамизда партия ва совет органларининг ташкилий тузилишини такомиллаштиришга оид катта ишлар амалга оширилди. Шу давр ичида 2 область, 36 район ташкил этилди, хўжаликка ва маданий ҳаётга партия раҳбарлигини яхшилаш учун зарур шароитлар яратиб берилди. Биз КПСС-нинг XXIV съезди олдимизга қўйган вазифаларни бажариш учун бундан буён ҳам омма ўртасида ташкилий ҳамда сиёсий ишларни янада такомиллаштираверамиз ва янада кучайтираверамиз, омманинг ташаббускорлиги ва фаоллигини ошираверамиз, партия ва давлат интизомини мустаҳкамлайверамиз.

(КПСС XXIV съездида сўзланган нутқдан)

Қозоқ халқининг миллий қаҳрамони Омонгелди Имонов ҳайкали ҳаммамизда ватанга муҳаббат туйғуларини уйғотади.



Қапчиғай ГЭСига пойдевор қўйилмоқда.



Қарағанда металлургия заводи — Қозоғистон оғир саноатининг йирик ўчоғи.

Жакса коммунист, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдурасул Қурмонов Ленин асарларини мутолаа қилмоқда.

Олмаота оғир машинасозлик заводи ўн бешдан ортиқ хорижий мамлакатларга маҳсулот юборади.



Қўйчилик Қозоғистон халқ хўжалигининг муҳим тармоғи.



Бу ерлар бир вақт биёбон эди...

Истиқбол эгалари.

Б. ТИЛЕКМЕТОВ, И. БУДНЕВИЧ, Р. ЖУМАНИЁЗОВ фотолари



Тоғ кўли.

Буюк оқин Абай бизнинг даврмизда иккинчи умрини яшамоқда.

Олмаота, Коммунистик проспект

Қозоғистон ССР халқ рассоми, ҳайкалтарош Х. Наврўзбоев.



Гурьев шаҳрида тўққиз қаватли янги меҳмонхона қад кўтармоқда.

«Гулдер» ансамблининг гулғунчалари.

ДИЛДА ДАРДИНГ БЎЛМАСА...

Мен йўқлаб борган куни Мутал ака ташвишли хабар эшитган эди. Колхознинг Келес массивидаги қўйлари ем-хашаксиз қолибди. Ҳамма ёқни қалин қор босиб, чўпонлар нима қиларини билолмаётган экан. Уларга зудлик билан ёрдам бериш керак. Раҳбарлардан бирортаси борса яхши бўларди, лекин раис ҳисобот билан банд. Бош агроном уруғлик тайёрлаш билан овора. Бошқа бирор кишини юборишга Мутал аканинг кўнгли бўлмади. Аҳволни ўз кўзи билан кўриб келмагунча кўнгли тинчимаслигини сезарди. Хашак ортилган машинага ўтирдию, азонлаб йўлга тушди. Машина колхоздан чиқиб, марказий йўлга бурилганда Мутал акани хаёл олиб қочди.

... У бу йўлдан тўққиз йил муқаддам юрган. Райондаги ўн бир колхознинг фермаси бирлаштирилиб, чўлда янги қўйчилик совхози ташкил этилган эди ўшанда. Бу янги совхознинг ишларини йўлга солиш, келгусида йирик чорвачилик хўжалигига айлантириш лозим эди. Ишларни амалга ошириш учун ишбилармон, қийинчиликдан чўчимайдиган одамлар зарур. Шундай одамлар топилди ҳам. Уларнинг бири Мутал ака эди. У янги совхозга агроном қилиб юборилди. Бунинг устига, уни партком секретарлигига сайладилар.

Мутал ака асли шаҳарлик бўлса-да, қишлоқда катта бўлган. Деҳқончилик илмидан хабардор. Район раҳбарлари бу ёққа юборишаётганида унинг ташкилотчилик қобилиятини ҳам кўзда тутишган эди. Салкам ўн йил колхоз комсомолларига бош бўлган, ўн йил колхоз партия ташкилотига секретарлик қилган. У секретарь бўлганидан буён коммунистларнинг ташаббускорлиги ошди, ишлаб чиқариш юксалди, колхознинг даромади кўпайди. Одамларнинг бағрига шамол тегди. Унинг номи оғизга тушди. Бу уддабурро одам чўлда ҳам ажойиб ташаббуслар бошлаши шубҳасиз эди.

Янги хўжаликни бошқариш дастлаб мушкул бўлди. Икки минг етти юз аҳолилик қишлоқда бирор туп ниҳол кўкартирилмаган, ҳамма ёқ яйдоқ дашт, олтмиш километр наридаги Сирдарёдан сув ташиб келтириларди. Одамлар ҳали ҳам пароканда. Қишлоқдаги беш коммунист уларнинг бошини қовуштиролмасди. Мутал ака ишни коммунистларнинг ташаббусини оширишдан бошлади. Улар билан бамаслаҳат ҳар бир коммунистни маълум бир соҳага жавобгар қилиб қўйди. Совхоз раҳбарлари билан келишиб, суҳбатлар, савол-жавоб кечалари ўтказди. Қишлоқни кўкаламзорлаштиришга киришилди. Ишбилармон, жонкуяр одамларни партия сафига жалб этди. Кўп ўтмай, коммунистларнинг сафи ўсди. Энди Мутал аканинг ишлари анча енгиллашиб қолган эди. Коммунистлар ташаббуси билан, Сирдарёдан сув олиб келишга қарор қилинди. Бу таклиф совхознинг умумий мажлисида бир овоздан маъқулланди. Орадан бир йил ўтгач, совхозни оталигига олган ўн бир колхоз ёрдамида чўлга сув келди. Одамлар енг шимариб ишга тушиб кетишди. Шу йили юз гектар майдонга шоли, икки минг гектар майдонга беда, йигирма гектар ерга полиз экинлари, анчагина жойга картошка экилди. Икки гектар олмазор бунёд этилди. Совхоз маркази тўла кўкаламзорлаштирилди. Янги турар жой бинолари қурилди. Одамларнинг яшаш шароити, кайфияти ўзгарди.

... Мутал ака папирос тутатиб, олисдан қорайиб кўринаётган совхоз биноларига тикилди. Тўрт ярим йил мобайнида пешана тери синган тупроққа яқинлашгани сайин юраги ширин оғриқарди.

Чўл бамисоли асов отга ўхшайди. Уни жиловлаш учун абжир, ўтюрак одам керак. Мана шундай одамларнинг бири Мутал ака эди. Сирдарёдан сув келгач, совхоз ҳар йили салкам уч минг тонна ғалла етиштирадиган бўлди. Бу ҳосилни етиштиргунча чекилган заҳматларни у ҳозир ўйлаб ўтирмади. Ҳар қандай ишнинг ҳам машаққати бор. Роҳат-фароғатга эришмоқ учун риёзат чекиш лозим. У бош бўлган вақтда коммунистлар орасидан тадбирли зоотехник, агрономлар етишиб чиқди. Шундан сўнг у ўз ўрнини ёш коммунистлардан бирига топшириб, колхозга қайтди.

... Машина қор кечиб совхоз марказига етиб келди. Мутал ака ферма мудирини топиб, тўғри отар томонга юрди. Очликдан силласи қуриган қўйлар тинимсиз маърашар, бир-бирини туртиб-суриб, машинадаги пичанга интилашарди.

— Икки кундан бери аҳвол шу,—деди ферма мудири,—колхозларга телефон қилиб гаплашолмаяпман. Бу ёқда эса аҳвол... ўзингиз кўриб турибсиз. Қўйлар нола қилавериб қулоқ-миямни еб ташлашди. Хайрият, сиз етиб келдингиз.

— Қўйлар нобуд бўлмасмикан?—ташвишланиб сўради Мутал ака.

— Йўқ. Бир минг икки юз бош қўй ҳозирча соғ-омон,—жиддий оҳангда гапирди мудир.— Лекин агар вақтида ем-хашак юбориб турмасангизлар, гўшт қилиб жўнатишимиз аниқ.

— Ҳар куни тўрт машина ем-хашак юборамиз. Шахсан ўзингиз қабул қилиб олинг. Ҳар бир машина номерини ёзиб қўйинг. Кейин ўзим текшириб кўраман.

Мутал ака чўпонлар билан суҳбатлашиб, уларнинг аҳвол-руҳиятини кузатди. Кун оққанда, пичан олиб келган машинага ўтириб, колхозга қайтди.

* * *

Колхоз раиси асосан хўжаликнинг умумий ишлаб чиқаришига жавобгар. Партком секретари эса ишлаб чиқаришга, ижтимоий-сиёсий, тарбия ва бошқа кўп ишларга масъул. У, таъбир жойиз бўлса, хўжаликнинг сиёсий дарғаси. Партком секретари ҳар бир кишини шу куннинг муҳим воқеалари, давр, партия талабларини беками кўст адо этишга сафарбар эта билиши керак. Агар шу бурчни бажара олмаса, у элнинг эътиборидан қолади.

Мутал аканинг таржимаи ҳоли қизиқ воқеаларга бой. Йигирма саккиз ёшида пойтахт областининг Қалинин районидаги «Ленин йўли» колхоз партия ташкилотига бош бўлди. Салкам йигирма йилдан бери ўз вазифасини адо этяпти. Бу йиллар мобайнида хилма-хил хулқ-атворли, ҳар хил савиядаги одамларни кўп учратди. Бировига дўстона ёрдам берди, баъзиларини партиявий йўл билан кўпчилик бўлиб тарбиялади.

1960 йили колхоздаги коммунистлар олтмиш киши эди, эндиликда улар саксондан ортди. 1962 йили колхоз коммунистлари ҳаётида унутилмас воқеа содир бўлди. Чорвачилик фермасининг мудири Раъно Бўронова Ўзбекистон Компартиясининг XVI съездида Марказий Комитет аъзоси қилиб сайланди ҳамда партиямиз XXII съездига делегат қилиб юборилди. Шу мисолнинг ўзиёқ колхоз партия ташкилоти қандай ишлаётганидан далолат бериб турибди. Омма билан ишлашда Мутал акага партия ташкилоти қошидаги ўн бир сиёсий ахборотчи ҳамда қирқ икки кишидан иборат сиёсий ташкилотчилар яқиндан кўмаклашади. Улар одамларнинг яқин маслаҳатгўйи, ёрдамчиси бўлиб қолишган. Тўй-ҳашамларни ўтказиш, кекса пенсионерларнинг уй-жойларини ремонт қилиб бериш, сайллар, турли хил кечалар ўтказиш шу сиёсий ахборотчи ва ташкилотчилар зиммасида. Жонфидо коммунистлар бошчилигида меҳнат қилган колхоз аҳли юбилей йилида юксак мукофотга сазовор бўлди. Коллектив Тошкент область Ижроия комитетининг Кўчма Қизил байроғини қўлга киритди. Бу катта мукофот деҳқонларни янгидан-янги меҳнат зафарларига руҳлантирди.

* * *

Колхозда бой турмуш тажрибасига эга бўлган нуроний отахонлар кўп. Шундайлардан бири — Ниёзмат ота Абдураҳимов. Мирзачўлни ўзлаштиришда қатнашган бу киши пенсияга чиққанидан кейин ҳам тиниб-тинчимади. Колхознинг узумчилик звеносига бошчилик қиляпти. Бутуниттифоқ Халқ Хўжалиги Ютуқлари Кўргазмасининг бронза медали билан тақдирланган. Мутал ака ўз иш фаолиятида шундай отахонларга таянади. Кўпгина масалалар хусусида улар билан кенгашиб иш қилади.

Партиямизнинг тарихий XXIV съезди ўз ишини бошлаган долзарб кунлар эди. Кечки пайт Ниёзмат ота партком секретарининг ҳузурига кириб келди. Қўлида турли хил рақам чекилган бир даста қоғоз. Салом-аликдан сўнг, у секретарнинг рўпарасига ўтирди. Қоғозларини стол устига ёйиб, салмоқлаб гап бошлади.

— Битта бригада помидордан ўттиз тонна ҳосил етиштирсаю, иккинчиси зўрға ўн беш тонна олса. Бу қанақаси? Нега сусткаш бригадалар юқори ҳосил олаётганларга тенглашмаяпти? Агар ҳамма бригадалар бир хил шариотда; бир хил ҳосилдорликка эришса, беш йиллик топшириқни бемалол тўрт йилда бажарса бўлади-ку!

Бу фикр колхозчиларнинг умумий йиғилишида муҳокама қилиниб, қизғин қувватланди. Бу ташаббусни қай йўсинда амалга ошириш тадбирлари ишлаб чиқилди.

Мутал ака билан таништгач, «Ленин йўли» колхозига кўп йўлим тушди. Бир сафар борганимда Мутал акани хонасидан тополмадим. Хасталаниб ётган бир мўйсафидни кўргани кетибди. Орадан ярим соатлар ўтгач, шошиб кириб келди. Узоқ суҳбатлашиб ўтирдик. Суҳбат орасида беш йилликнинг иккинчи йилидаги ишлар ҳақида гапириб беришни илтимос қилдим.

— Бу йил ҳам одатдагидай тўлиқ гектар, тўлиқ кўчат учун курашамиз. Такрорий экишни кўпайтирамиз.

— Қайси экинлар такрор экилади?

— Эртаги карам ўрнига август пиёзи сепамиз. Эртаги картошка ўрнига — кечки карам. Қарабсизки, бир майдондан йилига икки ҳосил! Кимёвий ўғитлардан иложи борича камроқ фойдаланиб, табиий ўғитларга зўр берамиз. Шунда ернинг таркиби бузилмайди. Етиштирилган ҳосил безарар, ширин бўлади.

— Кадрлар билан ишлаш масаласи қандай?

— Ёмон эмас, чамамда. Ҳар бир коммунистнинг шахсий хислатлари, меҳнат қобилиятини, қизиқишларини яхши биламиз. Ҳар бирига шунга қараб муомила қиламиз. Биров яхши гапга мойил, бировга буйруқ тез таъсир қилади, баъзиларига бафуржа тушунтириб иш битказиш керак. Шундагина сўзинг ерда қолмайди,— Мутал ака бир нафас жим қолди. Сўнг салмоқлаб гапирди.— Партком секретари одамларнинг қалбига қулоқ солишни билиши керак экан. Одамнинг дилида яширин дарди ҳам бўлади. Бу — хайрли ишга интилиш, яшаш дарди. Шу дардни илғаб олиб, одамларга иккиланмай катта ишларни ишониб топшириш керак. Ишонч инсонни олдинга етаклайди.

Мутал ака ҳақ гапни айтди. Бунга унинг шахсий иш фаолияти мисол бўла олади. Колхоздаги бир неча бригадага ёш коммунистлар раҳбар қилиб тайинланган. Партия ташкилотининг ташаббуси билан колхознинг «Ҳурмат китоби» ташкил этилган. Бу китобга меҳнатда ўрнак кўрсатган, фидокор одамларнинг номи ёзилади. Колхозда «Коммунистик меҳнат бригадаси» деган шарафли ном учун курашаётган бригадаларнинг сафи кенгаймоқда. Коммунистик меҳнат зарбдори деган унвонга эга бўлиш учун интилаётган коммунистлар ҳам талайгина. Ҳар кварталда бирор цех партия ташкилотининг ҳисоботи тингланади. Уларнинг меҳнатда эришган ютуқлари оммалаштирилади, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш чораси кўрилади.

«Ленин йўли» колхози Болгария Халқ Республикасининг Хасково округидаги В. И. Ленин номли кооператив меҳнат ер хўжалиги билан беллашган. Ҳозирча ўзбек деҳқонлари болгариялик қардошларига бўш келишмаяпти. Бу мусобақа ҳар иккала томонга фойдали бўляпти.

— Ҳар йили колхозимиздаги нуроний отахонларимизнинг юбилей тўйларини ўтказамиз. Бу йил раисимиз Сиддиқ аканинг эллик йиллигини нишонлаймиз. Катта тўй бўлади. Бир келинг.

Мутал аканинг қорамтир, қувноқ чеҳрасида шижоат балқийди. Эндигина қирқ олти баҳорни кўрган бу одамнинг сочларига оқ тушган, улуғсифат кўринади. Бироқ, бу оқлар эзгу, олижаноб ишлар ташвишида пайдо бўлган. У мудом элнинг оғирини енгил қилиш ҳақида ўйлайди. Яхшиликка интилади. Унинг юрагида эзгулик дарди бор.

Эмин УСМОНОВ

Юксак марралар

Пахтакорларимиз ўзларининг галдаги қурултойида янги, юксак марраларни белгилаб олишди. Пастдаги суратда қурултой қатнашчилари: пахта усталаридан Жарқўрғон районидаги Норали Боймуродов номли колхознинг бригада бошлиғи, Узбекистон ССР Олий Совети депутати Маъсис Хуррамова, Нарпай районидаги «Иттифоқ» колхозининг механик-ҳайдовчиси Уроқ Эргашев, Пастдарғом районидаги Карл Маркс номли колхоздан, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Бойтўра Қумоқов, Боёвут районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсунбой Латиповлар танаффус пайтида фикр алмашмоқдалар. Юқоридаги суратда: қурултойнинг мажлислар зали.

С. БЕЗНОСОВ фотолари

ТАНҚИДЧИЛИКНИНГ БУРЧИ — ҲОЗИРГИ ЗАМОН БАДИИЙ ЖАРАЁНИДАГИ ҲОДИСАЛАРНИ, ТЕНДЕНЦИЯЛАРНИ ВА ҚОНУНИЯТЛАРНИ ЧУҚУР ТАҲЛИЛ ЭТИБ БЕРИШДАН, ЛЕНИНЧА ПАРТИЯВИЙЛИК ВА ХАЛҚЧИЛЛИК ПРИНЦИПЛАРИНИНГ МУСТАҲКАМЛАНИШИГА ҲАР ТАРАФЛАМА КЎМАКЛАШИШДАН, СОВЕТ САНЪАТИНИНГ ЮКСАК ҒОЯВИЙ-ЭСТЕТИК САВИЯСИ УЧУН КУРАШИШДАН, БУРЖУА МАФКУРАСИГА ҚАРШИ ИЗЧИЛЛИК БИЛАН КУРАШ ОЛИБ БОРИШДАН ИБОРАТДИР.

КПСС Марказий Комитетининг «Адабий-бадиий танқидчилик ҳақида» деб чиқарган қароридан.

БУЮК ҒАМХЎРЛИК

Лазиз ҚАЮМОВ,
профессор

Айтмоқчи бўлган гапларимнинг ҳаммаси муташаккур мунаққиднинг қалб сўзларидир. Ташаккурим — жонажон партиямизга, унинг доно Марказий Комитетига. Ҳаяжоним сабаби — КПСС Марказий Комитетининг шу йил январь ойида матбуотда эълон қилинган «Адабий-бадиий танқидчилик ҳақида» деб номланган тарихий ҳужжатидир. Мазкур тарихий қарорда адабий танқиднинг ижодий жараёндаги муҳим мавқеи жуда ҳаққоний қайд этилган. Бу қарор бадиий ижодга, хусусан, танқидчиликка ленинча ғамхўрликнинг энг ёрқин мисолларидан биридир.

Адабий-бадиий танқидчиликнинг бундай юксак баҳоси маданият тарихининг тажрибаларини тўғри умумлаштиришдан, ижод соҳасига илмий равишда раҳбарлик қилишдан келиб чиқади.

Танқидчи санъаткор билан муҳит орасида бир кўприк, бадиий асарни холис ва ҳалол баҳоловчи ҳакам, санъат асарининг ўқувчи ва томошабинлар оммаси орасидаги тарғиботчиси, санъат қонунларини умумлаштирувчи олим, ижоднинг ғоявий-бадиий юксаклиги учун тинмай курашга даъват этилган адибдир.

Бадиий асар ҳақида мулоҳаза юритганда, яратилган образларнинг типиклиги хусусида баҳсга киришганда биз уни илк манбага — ҳаётга солиштирамиз. Бинобарин, ҳаётни билиш ва бу билимни ҳамиша бойитиб, тўлдириб бориш фақат санъаткорнинггина эмас, балки танқидчининг ҳам муҳим вазифасидир. Танқидчи ҳам социологик, ҳам психологик таҳлилда бирдек моҳир бўлмоғи зарур. Бу ҳол танқидчилар зиммасига катта масъулият юклайди.

Танқидчи адабиёт ва санъатимизнинг фаол жонкуяри бўлмоғи лозим. Хом-хатала асар, халтура, ижоддаги хатолик танқидчи найзасидан қочиб қутулмаслиги зарур.

Танқидчи айни замонда ижодкорлар доирасида китобхон ва томошабинлар манфаатини ҳимоя қилувчи ҳамдир. Унинг ваколати катта ва бу ҳуқуқдан тўғри фойдаланиш танқидчининг виждон бурчидир.

Танқидчи камчиликларга нисбатан қай даражада шафқатсиз бўлса, худди шундай шиддат ва дадиллик билан ижоддаги янгиликнинг ҳимоячиси, тарғиботчиси бўлиши шарт. А. П. Чехов маданият тарихида танқиднинг аҳамияти ҳақида гапириб: «Қанчадан-қанча ажойиб санъат асарлари ўз вақтида яхши танқидчилар бўлмагани учун беному нишон қолиб кетди», деганида жуда ҳақ эди. Устоз адибнинг ўтмиш тўғрисидаги бу адолатли фикри бугунги танқидчиларнинг давр олдидаги юксак бурчларини яна бир бор эсга солади. Узоқ асрли жаҳон маданияти тарихида танқид ижод жараёнига фаол таъсир ўтказиб келганини, унинг йўналишини белгилаб, раҳнамолик қилганини кўрсатувчи минглаб мисоллар бор.

Ҳар бир асарни одил баҳолаш, ундаги диққатга сазовор янгилик ва ижодий кашфиётларни қўллаб-қувватлаш, мавжуд камчиликларни рўйи рост очиб ташлаш ва бартараф этиш йўлларини кўрсатиб бериш, шу йўсинда адабиётнинг янада равнақи учун курашга ҳисса қўшиш адабий танқидчиликнинг асосий фаолиятидир.

В. И. Ленин ўзининг эстетик таълимотида ўтмиш маданий меросга ҳамиша ҳурмат билан қарашга даъват этди. Доҳий фикрларига асосланган Коммунистик партиямизнинг доно сиёсати туфайли СССР халқларининг ўтмишдаги илғор мерослари зўр эътибор билан ўрганилмоқда, кенг тарғиб қилинмоқда. Бунинг ёрқин мисолини кўп асрлик ўзбек ёзма адабиёти тарихи тимсолида ҳам кўриш мумкин. Совет ҳокимияти йилларида адабиётшуносларимизнинг меҳнати билан ўтмишдаги адибларимизнинг доно фикрлари халқ мулкига айланди.

В. И. Ленининг назарий мероси адабий танқид ва адабиётшунослик учун ғоят қимматли ва бой бир хазинадир. Доҳийнинг 1905 йилда ёзган «Партия ташкилоти ва партиявий адабиёт» деб аталган классик асарида ХХ аср бошларидаги адабий танқид соҳасидаги мунозараларга марксистик партиянинг муносабатини белгилаб берган. Мазкур асарда ижоддаги партиявийликнинг назарий асоси ишлаб чиқилган.

В. И. Ленин ўзининг қатор назарий мақолалари ва Лев Толстой каби адиблар ижодини таҳлил этувчи асарлари билан марксистик адабиётшунослик ва адабий танқиднинг классик намуналарини кўрсатди. Доҳийнинг буюк назарий мероси биз учун ғоят муҳим методологик аҳамиятга эгадир. Шу кунги адабиётшунослик ва танқиднинг турли масалаларини ҳал этишда В. И. Ленининг адабиёт ва ижод ҳақидаги эстетик таълимотини чуқур ўрганиш, эгаллаш, ижодга татбиқ этиш энг асосий йўлдир.

Чунончи, В. И. Ленин адабиёт партиявий иш эканини исбот қилган ва социалистик жамият адабиёти меҳнаткаш халқ оммаси манфаатларини ҳимоя этажагини таъкидлаган эди. Бу фикрлар адабий танқиднинг ҳам бош эстетик программасидир.

Совет адабиёти ва санъати, шунингдек, бадиий

Тақриз

АСР МУАММОЛАРИ

Сарвар Азимов — серқирра ижод соҳиби. Унинг ижодий кўлами кенг, ўзи эса сермаҳсул санъаткордир. У адабиётшуносликда ҳам, кинодраматургияда ҳам, прозада ҳам, драматургияда ҳам қалам тебратади. Ўтган йили ёзувчининг қарийб ўн йиллик ижодий меҳнатининг маҳсули бўлмиш «Драмалар»[1] китоби нашр этилди. Бу китобдан Сарвар Азимовнинг «Замон драмаси», «Қонли сароб», «Юлдузлар жамоли» драматик асарлари ва Л. Н. Толстойнинг «Тирик мурда» пъесасининг таржимаси ўрин олган. Ёзувчининг бу драмалари мавзуининг актуаллиги ва ҳозиржавоблиги, ғоявий теранлиги ва бадиий бўёқлари билан ажралиб туради.

С. Азимовнинг «Қонли сароб» драмаси 60-йиллар ўзбек драматургиясининг мавзу доирасини кенгайтирди. Бу саҳна асарида новаторлик фақат тематик мундарижадагина эмас, балки санъаткор дунёқарашида ҳам, конфликт қурилишида ҳам, образлар руҳий олами ва тақдирини саҳна санъатида ифодалаш приёмларида ҳам яққол кўринадики, бу фазилатларнинг жамулжами уни ҳозирги драматургиямизнинг етук асарлари қаторига киритади.

Асарда ватанимиз, халқимиз тарихининг мураккаб даври, ҳар бир ватандошимиз баррикаданинг у ёки бу тарафига ўтишга мажбур бўлган бўронли даври дадил қаламга олинган. Баррикаданинг нариги тарафига ўтиб кетган шахсларнинг аянчли тақдири, адашганлар фожиаси ва ошкора душманликка ўтган кишилар ҳаёти биринчи марта «Қонли сароб»да кенг, мураккаб планда тасвирланди. Бу кишиларнинг умидлари сароб бўлиб чиқди. Бу мағлубиятнинг илдизлари чуқур бўлиб, драматург шу илдизларни очиб кўрсатишга интилади. Муҳожирлар мақсадининг пуч ва сароб эканини кўрсатувчи турмуш картинаси асарда бадиий ҳақиқат даражасида бериладики, бу — драматургнинг ҳар бир образ тарихини яхши билганини, чет элларда бўлган вақтларида муҳожирлар ҳаёти билан чуқур танишганини, янги — ҳозирги шароитда улар онгида пайдо бўла бошлаган жиддий ўзгаришларни, улар ўртасидаги янги ихтилофларни социалистик реализм санъаткорига хос тушунча билан англаб етганлигини кўрсатади.

Сарвар Азимов драматургиясида социалистик тузумимиз тараққиёти йўлидаги ташқи тўсиқларгина эмас, балки, ички зиддиятлар ҳам қаламга олинган. «Юлдузлар жамоли» драмасида давримизнинг муҳим

[1] С. Азимов. Драмалар. Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 1971 йил.

танқидчилиги ўтмишдаги устозларнинг илғор ижодий анъаналарини муносиб равишда давом эттирмоқда, ривожлантирмоқда. Совет адабиёти ва санъати воқеликни коммунистик идеаллар нуқтаи назаридан акс эттириб, социалистик реализм ижодий методига амал қилиб, жаҳон прогрессив маданиятининг байроқдорига айланган. Сўнгги беш йил адабиёти ва санъати ҳам улкан муваффақиятларга бой бўлиб, бадиий ижодимиз ривожланиб бораётганини кўрсатади. Бу ижоднинг ҳаққоний баҳоси КПСС XXIV съездининг тарихий ҳужжатларида берилган.

«Ўтган беш йилликда,—деб таъкидланади КПСС Марказий Комитетининг партия XXIV съездига ҳисобот докладида,— адабиётимиз, театримиз, киномиз, телевидениемиз, тасвирий санъатимиз, музикамиз совет кишиларига кўпгина янги, мазмунли, талантли асарлар армуғон қилди. Халқимизнинг ўтмиши ва ҳозирги ҳаётини мавжуд камчиликларни хаспўшламасдан, бежамасдан, партиявий позицияларда туриб реалистик ёритадиган, коммунистик тарбия ва қурилишнинг ҳақиқатан ҳам муҳим проблемаларига бутун эътиборни жалб қиладиган янги асарлар ва постановкалар майдонга келди. Бу асарлар санъаткорнинг совет халқи кўпқиррали ҳаёти билан алоқаси нақадар мустаҳкам бўлса, ижодий муваффақиятлар ва ютуқларга эришиш йўли шу қадар аниқ бўлишини яна бир карра исботлайди».

Мазкур юксак баҳо кўпмиллатли умумсовет адабиёти ва санъатига, жумладан, Ўзбекистон адабиёти ва санъатига ҳам тааллуқлидир.

Ўзбекистон халқ шоири Ғафур Ғулом сўнгги даврда яратган поэтик асарларнинг Ленин мукофоти билан тақдирланиши ўзбек совет маданиятининг улкан ютуқларига берилган ҳаққоний баҳо бўлди. Ўзбекистон ижодий зиёлиларининг бу даврдаги улкан ютуқлари бир қанча йирик адибларга «Ўзбекистон халқ шоири», «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» ва бошқа фахрий унвонлар берилганлигида, бир қанча ижодкорлар меҳнати Беруний, Ҳамза, Бердақ, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотлари билан тақдирланганлиги ва ижодкорларимизнинг катта бир гуруҳига ҳукумат орден-медаллари топширилганлигида ўз ифодасини топди.

Бу даврда бадиий ижодимизнинг мавзу доираси кенгайди, халқ ҳаёти билан алоқаси мустаҳкамланди, ижобий қаҳрамонлар галереяси янада бойиди, асарларимизнинг бадиий савияси анча ўсди. Хуллас, бадиий ижодимиз коммунистик тарбия ишига жиддий улуш қўшди. Бу муваффақиятларни қўлга киритишда адабий танқиднинг ҳам маълум ҳиссаси бор. Айниқса яхши асарларимизнинг оламаро шуҳрат топишида уларнинг тарғиботчилари — танқидчилар таҳсинга лойиқ хизмат қилдилар.

Умуман, совет адабий танқидчилигининг тарихини, жумладан, ўзбек совет адабий танқидчилигининг тараққиёт йўлини диққат билан кузатсак, у ҳамиша ижодга таъсир ўтказиб, Коммунистик партиянинг адабиёт ҳақидаги сиёсатини амалга оширишда унга чаққон ёрдамчи бўлганлигини аниқ сезамиз.

Бу яхши анъана ҳозирги адабий ҳаётимизда ҳам фаол давом этмоқда. Адабиётимиз йил сайин турли жанрларда яратилган янги асарлар билан бойиб бормоқда. Адабий танқидчилик эса бу асарларни таҳлил ва тарғиб этиб, камчиликларни танқид қилиб ижод жараёнидаги раҳнамолик вазифасини бажармоқда. Кўпсонли газета ва журналларимиз саҳифаларидаги тақризлар, проблематик ва обзор мақолалар, айрим адибларимиз ижодига бағишланган адабий-танқидий очерклар, адабиёт тарихининг тараққиёт йўлларини таҳлил этувчи йирик илмий асарлар фикримизнинг далилларидир.

Адабиётшунослик ва танқидий тафаккурнинг тараққиёти яна шунда кўринадики, кейинги учтўрт йил давомида ўзбек адабиёти ҳақида юздан ортиқ, турли мавзуда китоблар босилиб чиқди. Бу китобларда марксча-ленинча эстетика талаблари ўзбек адабиётига татбиқ этилгандир.

Айни вақтда, КПСС Марказий Комитетининг партия XXIV съездидаги ҳисобот докладида ленинча ҳаққонийлик билан таъкидлаганидек, «Адабий-бадиий танқид партия йўлини бундан ҳам фаолроқ ўтказганида, зўр принципиаллик билан майдонга чиқиб, бадиий асарлар ижодкорларига ҳурмат ва эҳтиёткорлик билан талабчанлик кўрсатганида совет адабиёти ва санъатининг муваффақиятлари анча кўпроқ бўлиши, камчиликлар эса тезроқ бартараф этилиши мумкинлиги шубҳасиздир».

Партия, халқ ва замоннинг бадиий танқидчилик олдига қўйган юксак талаблари, унга билдирган катта ишонч нуқтаи назаридан республикамизда адабий танқидчиликнинг қай ҳолатда эканлигини таҳлил қилсак, унинг муваффақиятлари-ю мавжуд камчиликлари рўй-рост очилади.

Бадиий танқидда мезон масаласи муҳим. Бизда баъзан айрим заиф асарларга юқори баҳо бериб юборилган ҳоллар ҳам учрайди. Бундай ҳоллар кўпроқ юбилей маҳалларида содир бўлмоқда. Кейинги йилларда адабий жамоатчилик кўлгина ижодкорларнинг юбилейларини кенг нишонлади. Бу жуда қувончли ҳол. Чунки ҳар бир юбилей муносабати билан совет адабиёти ва санъати тарғиб қилинади. Аммо баъзи танқидчилар юбилейнинг тантанали кайфиятига мафтун бўлиб, мезонни ёддан чиқариб қўядилар. Юбилярни оғизларига келган муболағалар билан мадҳ этаверадилар. Афсуски, шу хил мақтовлар гоҳида матбуот саҳифаларида ҳам чиқиб кетади ва натижада бадиий танқиднинг бош принципи — ҳаққонийлик бузилади. Истаймизки, ҳар бир юбилей муносабати билан фанимизни бойитувчи янги-янги адабий-танқидий асарлар яратилсин ва улар юбилейдан хотира бўлиб, китобхон маънавий дунёсини бойитсин.

Бу масала шунинг учун ҳам муҳимки, мезоннинг бузилиши фақат танқидий мақолалардагина эмас, балки йирик илмий ишларда ҳам баъзан кўриниб қолмоқда. Ўзбек совет адабиётининг тарихи ва турли назарий масалаларига бағишланган ўзбек ҳамда рус тилларидаги йирик илмий ишлар сўнгги йилларда кўплаб нашр этилаётганлиги ғоят қувонарли ҳолдир. Аммо шу асарлар ҳам юқорида айтилган камчиликлардан холи эмас.

Адабий танқиднинг энг муҳим шаклларидан бири ижодий мунозарадир. Ҳақиқат мунозара давомида тўлароқ очилади. Шунинг учун ҳам сўнгги йилларда газета-журналларимиз саҳифаларида бу усул кўпроқ учраётганлиги яхши ҳодиса. Аммо баъзан мунозара баҳонаси билан маъноси ҳақиқатдан узоқ бўлган, субъектив кайфиятда ёзилган мақолалар ҳам босиб чиқарилмоқда. Бу хил мақолаларнинг фойдасидан кўра зарари кўпроқ. Ундан ташқари, мунозара ўтказувчи редакциянинг фикри, муҳокама қилинаётган масалаларга муносабати ғоят муҳим. Бизда эса баъзан редакция позициясида изчиллик сезилмай қолади, ўзи босган, ўқувчига яхши деб тақдим қилган асарни ўзи қоралай бошлайди. Натижада ўқувчи редакциянинг қайси позицияси, аввалгисими, сўнггисими ҳақлигини аниқлай олмай қаранг бўлади.

Танқидчиликнинг ғоят муҳим вазифаларидан яна бири марказий матбуотда фаол қатнашмоқдир. Маълумки, бизда Иттифоқ миқёсига чиққан, умумсовет адабиётига маълум ҳисса бўлиб қўшилган яхши асарлар кўп. Умуман, бизда катта адабиёт бор. Лекин уларни Бутуниттифоқ миқёсида таҳлил ва тарғиб қилувчи адабий-танқидий мақолаларимиз сони талабни тўла қониқтирмайди. Кейинги йилларда марказий нашриётларда бир қанча роман ва повестлар, ҳикоя ва шеърий тўпламлар нашр этилгани ҳолда, адабий-танқидий асарларнинг бу рўйхатда деярли йўқлиги бизни ташвишга солиши ва фаолиятимизни активлаштиришга чақириқ бўлиши керак.

Айни вақтда, поэзия ва проза асарлари ҳақида танқидий мақолалар анчагина бўлиб, сони ва салмоғи жиҳатидан маълум даражада қониқарли бўлса-да, лекин драматургия ва болалар адабиёти, театр, кино ва тасвирий санъат ҳақидаги танқидий мақолалар анча оз, кўплари саёз эканлигини ҳам таъкидлаб ўтишга мажбурмиз. Маълумки, бу соҳалар ижоднинг синкретик жанрларини ташкил қилади. Чунончи, кино танқидчиси ҳам сценарий автори ва режиссёр фаолиятини, ҳам композитор ва рассомнинг хизматини, ҳам актёр ва операторнинг ишини таҳлил қилиши, баҳолаши лозим. Бинобарин, бу баҳо етук бўлиши учун танқидчининг ўзи санъатнинг деярли барча соҳаларида мукаммал билимдон бўлмоғи керак. Бизнинг танқидчиларда эса кўп ҳолларда ана шу билим етишмайди.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтмоқ керакки, бадиий асарга баҳо бериш масаласи фақат танқидчиларнингина вазифаси бўлиб қолмагани маълум. Унда ўқувчилар оммаси ҳам, санъаткорларнинг ўзи ҳам фаол қатнашсалар айни муддао бўлур эди. Ҳозир эса, афсуски, матбуот саҳифаларида «Ижодкор ижодкор ҳақида» рубрикаси кўринмай қолмоқда.

Мавжуд камчиликларни тезда тугатиш учун тинмай курашиш, адабий танқидчиликнинг ижод жараёнидаги мавқеини янада ошириш энг муҳим вазифаларимиздандир. Зотан, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг ЎзКП XVIII съездида қилинган ҳисобот докладида тўғри таъкидланганидек: «Адабиётда ва санъатни ривожлантиришда бадиий танқид ва санъатшунослик фани катта роль ўйнаши лозим. Улар маҳоратини оширишда, профессионал етукликка эришишда ижодий ходимларга доимо ёрдам бериши керак. Мужмал ва жўн асарлар яратилишига қарши курашмоқ лозим».

Ҳеч шубҳа йўққи, республикамиз ижодий зиёлилари бундан буён ҳам фаол бўладилар, бадиий танқид ва эстетик тафаккурнинг янада ривожини таъминлайдилар, ўзларининг бутун қобилиятларини жонажон партиямиз белгилаган улкан режаларни амалга ошириш учун сафарбар қиладилар.

проблемаси кўтариб чиқилган. Драматург коммунизм бунёдкори — совет халқининг яратувчилик меҳнатини, бой ва гўзал маънавий дунёсини бадиий инъикос эттириш мақсадида коммунистик ҳаётимизда янги туғилиб келаётган проблемаларни зийраклик билан илғаб, саҳна асарига асос қилиб олган.

Драмада Полвон Султонов образи алоҳида эътибор билан яратилган. Султонов каби қаҳрамонларни шу кунги қайноқ ҳаётимизнинг ўзи туғдирган. Султонов ишлаб чиқаришда тарбияланиб, камолга етган, халқнинг истакларини яхши ҳис қилган коммунист. Султонов билан Турсунов ўртасидаги конфликт ҳам ўз маъноси ва кўлами билан давлат миқёсидаги партиявий принципиал масаладир.

«Замон драмаси»нинг воқеаси асримизнинг ташвишли олтмишинчи йилларида Африканинг яқинда озодликка эришган ва миллий мустақилликни қўлга киритган ёш давлатларидан бирида кечади. Пьесада олтмишинчи йиллар учун типик бўлган «учинчи дунё» проблема ва конфликтлари, ғарб империалистларининг эндигина мустақилликка эришган ёш давлатларни янги мустамлакачилик сиртмоғи билан жиловлаб қўйиш йўлидаги ҳийла ва найрангларига қарши кураш тасвирланади.

Драмадаги Азиз Камол, Ойиша, Ота Дархон, Жамилабону, Носир Жавдат сингари ижобий образлар, ҳаётийлиги, метин иродалилиги, халқ бахт-саодати йўлида фидойилиги билан китобхонни ўзига мафтун этади. Айниқса, драматург Ойиша тимсолида коммунистларга хос камтарликни, чуқур одамийликни, халқ ва партия ишига содиқликни, ҳар қандай оғир шароитда ҳам марксизм-ленинизм таълимотидан чекинмайдиган коммунист образини яратиб бера олган.

«Замон драмаси»даги қора кучлар — Жобир Ансор, Фозил бинни Аёз, Низом Вали, Иброҳим Ахмад, Нуржаҳон каби миллатчилар, сотқинлар оқибат ҳалокатга учрайди. Драматург салбий типлардаги ҳийлагарлик, тилёғламалик, қасоскорлик, сотқинлик, ўз мақсадларига етишишда ҳеч нарсадан тап тортмаслик каби разилликларни кенг планда тасвирлаб беради.

Демак, асарда илғор кучлар қора кучлар устидан узил-кесил ғалаба қозонадилар. Бу асарда сиёсатда иккиланишлар ёмон оқибатларга олиб келиши, ёш мамлакатларнинг энг тўғри ва бирдан-бир тараққиёт йўли — социализм эканлиги жуда ҳаққоний тасвирлаб берилган. Драматург бу асари билан ўзбек драматургиясига муҳим халқаро темани олиб кирди.

Сарвар Азимов ўзининг «Қонли сароб», «Юлдузлар жамоли», «Замон драмаси» асарлари билан ўзбек драматургиясининг тараққиётига муҳим ҳисса қўшди ва уларда давримизнинг актуал проблемаларини кўтариб чиқиб, етук драматург сифатида танилди.

Барот БОЙҚОБИЛОВ

Сурат

Жангчи хотираларидан

Ротамизда кексароқ бир жангчи бор эди. Кўпчилик унинг отини билмас, негадир артист деб чақирарди. Рота командиримиз Громов ҳам уни яхши кўрарди, бекор бўлса, ёнига чақириб гаплашиб ўтирарди. Тошкентлик қуролдошим Ҳамидулла Иноятов билан ўша «артист амаки»нинг кетига тушдик. Бошидан кўп воқеалар кечирган эмиш, деб эшитгандик. Нима қилиб бўлса-да, шу воқеаларни билгимиз келарди.

Ниҳоят, у рози бўлди.

— Мен ўзим Жуковка қишлоғиданман,—деди у шинелига ўрнашиброқ ўтираркан, — артист Бендар Гур десанглар қишлоқда ҳамма танийди. Касбим ўқитувчилик. Ўзим немис тилидан дарс берардим. Бўш вақтимда дуч келган ишни қилаверардим. Кўп умрим клубда ўтган. Ҳаваскорлар билан ҳар хил саҳна асарлари қўярдик. Асарни ўзим саҳналаштирардим, бош ролларни кўпинча ўзим ўйнардим. Қишлоқдагилар отимни «артист» қўйишди... Шунақа, ука, тинчгина яшаб юриб эдик, бошимизда бундай кўргиликлар бор экан...

Хуллас, қишлоқлар ҳувиллаб қолди. Мен партия топшириғи билан яширин ишга ўтдим.

— Партия аъзосимисиз?

— У пайтда аъзо эмас эдим. Коммунистлигимни билишганда-ку, немислар теримни шилардя-я... Энг аввало доҳийларнинг портретларини, ҳайкалларини яшира бошладим. Ҳеч ким тополмасин, деб Ленин портретини ертўлага бекитдим. Лекин бу ишим ўзимга ёқмади. Портретни қайта олиб, болохонага яширдим. Бирпас қараб туриб, ўзимга ўзим, Ленин портрети чердакда ётадими, йўқ, Бендар Гур, бу ишинг бўлмайди, дедим-да, шартта пастга олиб тушдим. Саройга олиб кириб, ёғоч девор орасига жойладим ва кўнгилни тўқлаб уйга қайтдим. Хаёл суриб ётдим.

«Ленин саройда ётса яхшими? Яхши эмас. Мабодо, немислар саройни ёндириб юборишса нима қиламан?» Хуллас, портретни ўрмонга олиб кетдим. Бироқ ўрмон ҳам кўзимга ишончсиздек туюлаверди, уйга олиб қайтдим. Ахир у ўрмонда захлаб кетиши мумкин. Уйда яхши туради. Портретни яна бир марта очиб, доҳиймизнинг чеҳрасига тикилиб ўтирдим. Ўртоқ Ленин худди тирикка ўхшарди. Кўзлари, киприклари қимирлаётгандай. Гўё нафас олиб, қўлини баланд кўтариб ваъз айтиб турибди. «Бендар Гур, — дедим ўзимга ўзим, — бу суратни эҳтиёт қил. Бу нодир, бебаҳо одамнинг сурати ҳам, сийрати ҳам дахлсиз бўлиши керак». Бошим қотиб қолди: «Қаерга бекитсам экан?» Бирдан Репиннинг «Тонг» деган полотноси эсимга тушди. Клубга чопдим. Полотнони уйга олиб келдим. Орқасига Ленин портретини ёпиштириб, каравотимнинг тепасига илиб қўйдим. Кўнглим таскин топди. Худди шуни кутиб тургандек, немис комендатураси ҳаммани бир-бир ғалвирдан ўтказа бошлади. Бировларни осди, бировларни отди, кўпларни аллақаёққа ҳайдаб кетди. Хуллас, тирик одамнинг қулоғи тагида ажал йўталадиган бўлиб қолди. Мен ҳам навбатимни кутиб ётавердим. Ҳар куни тўполон, қий-чув. Ахири менга ҳам навбат келди. Эшик тарақлаб, учта немис кирди. Менга парво қилмай уйни кўздан кечира бошлашди. Немис офицерининг кўзи Репин полотносига тушди. Узоқ томоша қилди.

— Якши, рус, якши, — деди тиржайиб.

Мени комендатурага олиб кетишди. Нимагадир, уриб-сўкишмади. Комендатурага киришим билан, ростини айтсам, зил кетдим. Тўрда немис офицери ўтирарди. Ёнида ёрдамчилари: офицерлар, солдатлар, оддий кийимдаги кишилар. Хона шипшийдам, офицер ўтирган стол устидаги идишда икки дона гул. Комендант тепасида Гитлернинг расми. Столда йўғон гаврон таёқ ётибди. Офицер ижирғаниб бошимдан оёғимгача назар ташлади, сўнг мени таниб-билиб қўйгандек:

— Келинг, ўртоқ «артист»!— деса бўладими? Баданим увушиб кетди. Артистлигимни қаердан билдийкин? Ишқилиб ўқитувчилигимдан бехабар бўлсин-да...

Зўраки илжайиб, индамай туравердим. Офицер юмшоқроқ овозда сўради:

— Русларда нима иш қилар эдинг?

— Артистлик.

Комендант бирданига жиддийлашди.

— Артистларнинг ҳаммаси ҳам сенга ўхшаган жинни бўладими? — деди. Мен индамай туравердим. У яна сўради:

— Нимани яхши кўрасан?

— Расмни, — деб юборибман шошганимдан. Дейишга дедиму қўрқиб кетдим. Назаримда комендант ҳамма сиримни билиб тургандай эди. У столидан туриб секин олдимга келди, елкамга қўлини ташлади:

— О, мен ҳам сендек расм шайдосиман! Расмларингни менга кўрсатасанми?

Жон ҳолатда:

— Ҳеч қандай расмим йўқ, жаноб комендант, — дедим. У киноя билан кулди:

— Қанақа ишқибозсанки, ҳеч қандай расминг бўлмаса?! Менинг кам деганда элликта йирик полотном бор. Майда-чуйдаларини ҳисобламай қўяқолай.

Ҳали бизникига борган офицер гапга аралашди:

— Жаноби комендант, бу артистникида ажойиб картина кўрдик. Рухсат беринг, ўшани мен ўзимга олай...

Комендант офицерни жеркиб берди:

— Боринг, олиб келинг!..

Офицер билан икки солдат чиқиб кетишди. Менинг аҳволимни кўрсангиз эди! Оёқларим қалтирайди, чаккаларим лўқиллайди. «Тамом,— дедим ичимда, — кунинг битди, Бендар Гур, энди отиласан. Отилсам майли, бироқ Лениннинг сурати нима бўлади? Бу қузғунлар уни ҳаром қилишади-ку».

Менинг мулзам бўлиб турганимни кўриб комендант луқма ташлади:

— Ҳа, артист, даминг чиқмай қолди? Бизга қизиқроқ бир нарса ўқиб бермайсанми?

Мен бир оз жим турдим-да, «Гамлет»дан монолог ўқий бошладим:

«Ё ўлиш, ё қолиш! Қайбири афзал?

... Ваҳоланки, ханжарнинг битта зарбаси — бу мужмал тугунларни ечар кўп осон!»

Шу ерга етганимда нималарнидир ўйлаб янглишиб кетдим. Комендант, монолог тамом бўлди, деб ўйлади шекилли, тилга кирди:

— Сенинг артист эканингга ишондим. Биз немислар артистларни, умуман, санъатни қадрлаймиз. Санъат ҳам, санъаткор ҳам дахлсиз. Қайси саҳна бўш бўлса, кимникилигидан қатъи назар, ўша саҳнада артист бўлиши керак. Сен ҳам тирик қоласан.

Комендантнинг гапларидан рангимга қон югургандай бўлди, сал тетикландим.

— Қани, артист жаноблари, — деди у, — сен менга немис тилида бирон нарса ўқиб бер-чи.

Узоқ ўйладим ва охири топдим. Немис тили дарслигидаги «Қоғоз, сиёҳ, перо» деган шеърни болаларга хос шўхчан оҳангда ўқидим. Комендант хохолаб кулди. Шу пайт тасир-тусир қилишиб Репиннинг полотносини олиб келишди. Уни деворга суяб, комендант баҳузур кўроладиган қилиб қўйишди. Комендант бирпас томоша қилди, кейин ўрнидан туриб расмга яқинлашди-да, рамкасидан ушлаб олдига тортди. Полотнонинг орқасини чертиб кўрди. Мен шунда тамом бўлдим. Комендант менга бир қараб қўйди-да, чўнтагидан пичоқ чиқариб, расмнинг матосини шарр этказиб тилиб юборди. Ҳамма чурқ этмай турибди. Ҳалқумимга муштдай нарса тиқилгандай бўлди. Юрагим гупиллайди. Даҳшатдан калламга ҳар хил хаёллар келади. Бир кўнглим «комендантни тепу қоч» деса, бир кўнглим «шошма-чи, нима бўлса бўлди энди», дейди.

Комендант эҳтиётлик билан Ленин протретини ажратди. Қўлига олиб қаради. Кўзлари ола-кула бўлиб кетди.

— Хўш, артист жаноблари, бу кимнинг расми? — деб портретни мен томонга бурди. Мен суратга тикилдим. Менга Ленин гўё «қўрқма, азамат» дегандек бўлди. Бошимни баланд кўтариб:

— Бутун дунё меҳнаткашларининг доҳийси Владимир Ильич Ленин!.. — дедим.

Комендант чинқириб юборди:

— Нега яширдинг, аблаҳ?..

Ҳеч қанақа ҳийла-найранглар иш бермаслигини билардим. Ўлишим аниқ эди. Шунинг учун комендантнинг башарасига ғазаб билан тикилиб жавоб бердим:

— Мен уни бегона одамларнинг ифлос назаридан яширдим. Мен уни одам қиёфасидаги махлуқлар кўзидан узоқроқ тутмоқчи бўлдим. Мен уни...

Гапимни тугатолмадим. Комендант бор овози билан бақирди:

— Бас қил! Бас!!

Кейин қўлини силтаб мени кўрсатди-да, ёнидагиларга буюрди:

— Осинг бу чўчқани!

Мен комендантга немисчалаб жавоб бердим:

— Сиз бугун мени оссангиз, эртага сизни осадилар.

Комендант ялт этиб менга ўгирилди.

— Ҳо, ҳали немисчани ҳам биласизми? Унда аввало тилингни кесиб, кейин осишсин. Йўқ, олдин терингни шилдираман, сўнг оёғингдан осаман!

У яна нималарнидир «ваъда қилмоқчи» эди, мен гапини бўлдим:

— Сиз эркакнинг ишини қилмаяпсиз. Сўз бергандан кейин устидан чиқинг-да.

Комендант ҳайрон бўлди.

— Қандай сўз бердим?

— Артист дахлсиз демадингизми?

Комендант ўйланиб қолди.

— Тўғри,— деди кейин,— артист дахлсиз. Асл артист саҳнада ўлиши керак. Сен довюрак экансан. Сенинг тилагингни бажо этишга ҳаракат қилиб кўраман. Сени саҳнада ўлдираман.

Комендант бир офицерни чақириб, унга Минскка боришни, у ердан Ленин ролини ўйнаш учун зарур бўладиган барча буюмларни келтиришни тайинлади. Комендант яна бир қанча ёрдамчиларига нималарнидир буюрар, ҳаммасига тез келинг, тез ясанг, тез бажаринг, деб бақирар эди. Мен хаёл билан бўлиб унинг буйруқларини яхши илғаб ололмадим.

Мени олиб чиқиб қамаб қўйишди. Эртаси куни камера эшиги очилиб, менга икки тилда ёзилган қоғоз беришди ва тезда ёдлашим кераклигини уқтиришди. Бу — комендант ижод этган монолог эди. Мени бир солдатга топшириб қўйишди. Солдат мени Ленин ролини бажаришга тайёрлай бошлади. Минскдан кийим-кечак ва бошқа буюртмалар етиб келди. Шу орада бир ҳафта ўтди.

Эрталаб мен Ленин қиёфасида камерамдан чиқдим. Қарасам, катта майдонда саҳна ясаб, атрофини парда билан ўраб қўйишибди. Тумонат одам йиғилган, немислар яқин орадаги етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган халқни тонг отмай ҳайдаб келишибди.

Мен тирқишдан халқни томоша қила бошладим. Комендант саҳнага чиқиб, менга нималарнидир уқтира бошлади. Лекин хаёлим бошқа ерда. Унинг гапларини мутлақо эшитмайман. Гоҳо-гоҳо ёлғондан бошимни чайқаб қўяман. «Мен халққа юрагимдаги гапимни гапириб ўлишим керак», дейман ичимда. Нима дейишим кераклигини ўзимча зўр бериб такрорлаб турибман.

Бир вақт комендант саҳна четига стул қўйиб ўтирди-да:

— Пардани очинглар, — деб буюрди.

Парда очилди. Мени Ленин қиёфасида кўрган халқ чапак чалиб юборди. Гулдурос қарсаклар остида мен ўнг қўлимни баланд кўтариб, чап тирсагимни сал букдим-да, энди гап бошламоқчи бўлиб турган эдим, немис соқчилари қарсакларни тинчитиш учун халққа ёпиша кетди. Қий-чув, дод-фарёд бошланди. Мен овозим борича бақирдим:

— Ўртоқлар! Зарурлиги тўғрисида большевиклар ҳамма вақт гапириб келган ишчи ва деҳқонлар революцияси амалга ошди!..

Шундай дейишим биланоқ, саҳна четида ўтирган комендант думалаб кетди. Уни кимдир узоқдан мўлжалга олган эди. Ола-тасир отишма бўлиб кетди. Ким кимни отаётганини ҳеч ким билиб бўлмайди. Бўйнига автомат осган беш киши сакраб саҳнага чиқди-да, мени ва Ленин портретини олиб пастга тушиб кетишди. Кейин билсам, оломон ичидаги кўпчилик қуролланган, энгагига қалбаки соқол ёпиштирган, кампирлардек кийинган партизанлар экан. Улар билан биргаликда Ленин суратини омон-эсон ўрмонга олиб кетдик. Шундай қилиб партизанларга қўшилиб кетдим. У ердан фронтга жўнадим.

Шу пайт кимдир қошиқ билан котелокни уриб, овқатга чақирди. Ҳаммамиз қўзғалдик. Энг олдинда, нималарнидир ўйлаб, ерга қараганча «артист» амаки — Бендар Гур боради.

Ҳамдам КЎЧҚОРОВ,
Тошкент алоқа ва электротехника институтининг ўқитувчиси.

Ленин йўлланмаси билан

ЖОН РИД ВА УНИНГ РАФИҚАСИ ЎРТА ОСИЁДА

Таниқли америка журналисти Жон Рид 1917 йилда ҳарбий мухбир сифатида Россияга келди, большевикларга қўшилиб, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалаба қозонишида фаол иштирок этди.

Революциянинг ғалаба йўллари Жон Риднинг «Дунёни титратган ўн кун» китобида ўзининг ҳар томонлама чуқур, ҳаққоний ифодасини топди. В. И. Ленин бу китобга юксак баҳо бериб, шундай деган эди: «У бизга ҳодисаларнинг шу қадар ҳаққоний, шу қадар жонли баёнини берадики, пролетар революцияси моҳиятини тушунишда бу китоб жуда муҳим аҳамиятга эгадир».

Жон Рид халқаро коммунистик ҳаракатнинг таниқли арбоби, Америка Қўшма Штатлари Коммунистик партиясининг асосчиларидан бири эди. Жон Рид III Коммунистик Интернационал Ижроия Комитети аъзолигига сайланганди. У В. И. Ленин билан бир неча марта учрашган, Советлар мамлакатининг содиқ дўсти эди.

Жон Рид 1920 йилда Ўрта Осиёнинг бир қанча шаҳар ва қишлоқларига борди. Шу сафар вақтида безгакка чалиниб, 1920 йили Москвада вафот этди ва Кремль деворига дафн этилди.

Жон Риднинг рафиқаси — журналист Луиза Брайант Ўрта Осиё халқларининг ҳаёти билан ҳамиша қизиқиб келган.

1921 йили халқаро империализм ва ички аксилинқилобий кучларнинг ҳуружи туфайли Ўрта Осиё ҳарбий ҳолатда эди. Шунга кўра, Луиза Брайантнинг РСФСР Ташқи ишлар Халқ Комиссарлигига Ўрта Осиёга бориш учун рухсат сўраб қилган мурожаати рад этилди. Луиза Брайант В. И. Ленинга мурожаат қилишга мажбур бўлди. Доҳий адибани қабул қилиб, илтимосини бажо келтирди. «Россияда номаълум нарсаларни тадқиқ этиш учун сафарга чиқишга журъат эта олган одамнинг борлигини эшитиш жуда мароқлидир,— деган эди В. И. Ленин.— У ерда сизни ўлдиришлари мумкин, лекин ҳар ҳолда бу сафар сиз учун бир умрга энг азиз, ёрқин хотира бўлиб қолажак. Бу тавакқал қилса арзийдиган сафар».

В. И. Ленин 1921 йил 12 январда Луиза Брайантга гувоҳнома ёзиб берди. Ҳужжатда шундай дейилган эди:

«Ушбуни кўрсатувчи ўртоқ Луиза Брайант (Louise Bryant), америкалик коммунист, Коминтерн Ижроия Комитетининг аъзоси ўртоқ Жон Риднинг бевоси эканлигини тасдиқлайман.

Партия ва совет идораларидан ўртоқ Луиза Брайантга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишларини ўтниб сўрайман.

ХКСнинг Раиси В. Ульянов [Ленин]».

Ленинниинг рухсатномаси барча поездларда юришга, барча маъмурий меҳмонхоналарда яшашга ҳуқуқ берарди. Ленининнинг кўрсатмаси билан Л. Брайант ҳаётини муҳофаза қилиш учун унга икки нафар қуролланган қизил аскар ҳамроҳ бўлди.

Луиза Брайант Ўрта Осиёнинг кўпгина шаҳарларида бўлди, меҳнаткашлар билан учрашди. Адиба Совет мамлакатига, шу жумладан, Ўрта Осиёга қилган сафари ҳақида китоб ёзди. «Москва кўзгуси» деб номланган бу китоб 1923 йили АҚШда инглиз тилида босилиб чиқди.

Қ. ҲАСАНОВ

«ҚИЗИЛ ШАРҚ» ПОЕЗДИ

1918 йил... Гражданлар уруши, мамлакатда вайроналик. Ўша йиллари илк тарғиботчи-маърифатчи поездлар пайдо бўлди. Шундай поездлардан бири «Қизил Шарқ» эди. У 1920 йилнинг 23 январида Москвадан Тошкентга қараб йўлга чиқди.

Поезд идорасида бир неча бўлим бўлиб, 158 киши ишларди: қизил аскарлар, сиёсий ходимлар, молия, маориф, соғлиқни сақлаш хизматчилари, хотин-қизлар орасида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борувчи кишилар...

Поезднинг ўз босмахонаси бўлган. Бу ерда босиладиган «Қизил Шарқ» газетаси, варақалар халқ эътиборини тортган, уларни гафлат дунёсидан ёруғ жаҳон сари, социализм сари етаклаган.

Аҳоли «Қизил Шарқ»ни севиб ўқир эди. Газетани нашр этишда муҳаррир И. Аҳмадиев, таржимонлардан В. Нуриддинов, Ғ. Аюповларнинг хизмати катта бўлди.

Поезд ходимлари Тошкент, Самарқанд, Андижон, Фарғона, Наманган, Қўқон, Бухорода бўлишди. Улар билан бирга бу шаҳарларга марксча-ленинча таълимот кенг ёйила борди.

Поезд қаерга бормасин, қаерда тўхтамасин, маҳаллий органлар йўл қўйган камчиликларни ходимлар йўл-йўлакай кўрсатиб борар, талон-торож, мансабпарастлик каби нуқсонларни фош этар, уларни тугатиш чораларини кўрарди.

Ўша вақтларда Туркистон аҳолисининг кўпчилиги саводсиз эди. Шунинг учун ҳам Поезд ходимларига оғзаки тарғибот кўпроқ қўл келарди. «Қизил Шарқ» олиб борган ишларнинг аҳамияти, айниқса, митинглар ўтказиш, революцион мазмундаги кинофильмларни кўрсатишда яққол намоён бўлди. Нутқларда меҳнаткашларни қизиқтирган барча масалалар ёритилар эди. Совет қурилиши, Қизил Армиянинг аҳамияти ҳақида, Коминтерн тўғрисида, хотин-қизлар озодлиги мавзуида мунозаралар ўтказилар эди.

«Қизил Шарқ» поезди Туркистонда доҳий Ильич ғояларини таратган қизил шафақ бўлди.

А. АКОПОВА

«НИЛУФАР»

Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг III Байрут конференцияси қарорига биноан, 1968 йили Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари уюшмасининг матбуот органи —«Нилуфар» журнали таъсис этилди. У кўп тилли Осиё ва Африка халқлари адабиётини ташвиқ қилишга, ёш давлатлар маданиятининг бундан кейинги ривожига ҳамкорлик кўрсатишга даъват этилган. Янги журналнинг вазифалари — миллий мустақиллик, ижтимоий адолат ва тараққиёт учун, империалистик мафкурага, реакция ва ирқчиликка қарши курашдан иборат.

Осиё ва Африка мамлакатларидан 13 атоқли адабиётшунос журналнинг халқаро таҳрир ҳайъатига киритилган. Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари уюшмасининг Бош секретари, таниқли Миср адиби ва жамоат арбоби Юсуф ас-Сибоий «Нилуфар»нинг бош муҳарририди. Таниқли совет ёзувчиси Анатолий Софронов таҳрир ҳайъатининг аъзоси. Журнал редакцияси Қоҳирада жойлашган.

Таниқли тараққийпарвар ёзувчи ва шоирлар, файласуф ва танқидчилар, археолог, санъатшунос ва жамоат арбоблари журналга фаол қатнашмоқдалар. Журнал саҳифаларида шу кунгача 250 дан зиёд бадиий асар, тадқиқотлар, публицистик мақолалар, обзорлар босилди.

Совет Иттифоқи журнал ишига фаол иштирок этмоқда. Журнал саҳифаларида кўпмиллатли адабиётимизнинг асарлари, публицистик мақолалар, адабиётшунослик ва санъат бўйича материаллар, шунингдек, республикалар маданий ҳаётининг муҳим соҳалари тўғрисида хабарлар ёритилмоқда.

Йирик совет адиблари — Н. Тихонов, Р. Ҳамзатов, Ч. Айтматов, Д. Гранин, М. Карим, Зулфия, Анор, Б. Кербобоев, Г. Абашидзе, К. Яшин, Ю. Нагибин ва бошқалар журналда ҳамкорлик қилмоқдалар.

Осиё ва Африка мамлакатларида ва бутун жаҳонда содир бўлаётган снёсий ва маданий воқеаларга «Нилуфар» фаол муносабат билдирмоқда. Редакция В. И. Ленинга бағишланган журнал сонини чиқариш ҳамда озодлик ва мустақиллик учун курашаётган икки қитъа халқларига аталган доимий бўлим очиш ҳақида таҳрир ҳайъатига таклиф киритди.

Юбилей сони саҳифаларида публицистик мақолалар ва тадқиқотлар қаторида машҳур ёзувчиларнинг Ленин мавзуига доир асарлари ўрин олган. Юсуф ас-Сабоийнинг «Ленин ва адабиёт», Комил Яшиннинг «Қудратли манба», Ғали Шукурнинг «В. И. Ленин, адабиёт ва санъат» ва совет арабшуноси Г. Шарбатовнинг «Ленининг номи араб Шарқининг илғор адиблари байроғида» асарлари, шунингдек, тараққийпарвар араб шоирларининг В. И. Ленин ҳақидаги қатор шеърлари ўрин олган. Шеърларда бутун дунё меҳнаткашлари ва халқларининг улуғ дўстига бўлган самимий муҳаббат туйғулари ифодаланган.

Қаҳрамон Вьетнам, кўпмиллатли Африка, Ҳиндистон, Непал, Цейлон, Мадагаскар, Япония ва бошқа мамлакатларнинг адиблари журналга мунтазам иштирок этмоқдалар.

«Нилуфар» журнали Осиё ва Африка мамлакатлари маданий ҳаётидаги муҳим ўзгаришларни ёритибгина қолмай, Осиё ва Африка маданиятининг ривожига амалий хизмат қилмоқда.

"ГУЛИСТОН" ГАЛЕРЕЯСИ

Узбекистон халқ рассоми В. Е. КАЙДАЛОВ устахонасида.

Г. ГРАФКИН фотоси

ДОҲИЙ ОБРАЗИНИ ЯРАТИШ ЙЎЛИДА

В. Кайдалов республикамиз рассомлари орасида ўзига хос ўрин тутадиган санъаткор. У тасвирий санъатнинг кўп жанрларида мўйқалам тебратади: мойли бўёқ билан картиналар ишлайди, плакатлар яратади, китоб безайди...

У 30-йилларда Урта Осиё бўйлаб кўп саёҳатларга чиқди. Бу гўзал диёрнинг табиати, кишилари билан яқиндан танишди, асарларида уларнинг образларини яратишга интилди.

Рассомнинг кўз ўнгида Ўзбекистон ўзгариб борарди. Янги-янги завод-фабрикалар қад кўтарар, янги шаҳарчалар чирой очар, истироҳат жойлари бунёд бўларди. Айниқса, рассомни улкан саноат корхоналари ўзига ром этди. Рассом ана шу ўзгаришларни, социалистик жамият қураётган халқимизнинг мардонавор юришини мадҳ этишни орзу қиларди. «Социалистик Тошкент» автолитографиялар туркуми шундай юзага келди. Бу туркумга кирган асарлар орасида «Ўрда», «Тўқимачилар маданият саройи», «Тошкент атрофлари» сингари картиналар диққатга сазовор.

1940 йили Ўзбекистон ССР Олий Совети тасвирий санъатда Алишер Навоийнинг энг яхши образини яратиш учун конкурс эълон қилди. Унда В. Кайдалов ҳам қатнашди ва иккинчи ўринни олди.

В. Кайдаловнинг «Сахалин йўлларида» асари совет жангчиларининг қаҳрамонона ва жўшқин кунларига бағишланган. Бу асар ўзбек тасвирий санъатида совет жангчиларининг озодлик юришлари, инсонпарварлигини яққол ва баркамол кўрсатган дастлабки картиналардан биридир.

Республикамиз китобхонлари В. Кайдаловни моҳир график сифатида ҳам яхши биладилар. Унинг «Равшан», «Қирқ қиз» каби халқ достонларига, Навоийнинг «Хамса»сига ишлаган расмлари лирик кечинмаларга бойлиги, майинлиги билан ўқувчини мафтун этади.

Шунингдек, рассом А. Фадеевнинг «Ёш гвардия», Э. Казакевичнинг «Одерда баҳор», П. Павленконинг «Бахт», М. Шевердиннинг «Санжар ботир», «Бўри изидан», Ш. Рашидовнинг «Ғолиблар», «Бўрондан кучли» китобларини дид билан безаган.

Бадиий ижодиётда шундай мавзулар борки, улар ҳам абадий, ҳам шарафлидир. В. И. Ленин ҳаёти ва революцион фаолиятини бадиий асарларда акс эттириш ҳар бир санъаткорни тўлқинлантирадиган, унинг зиммасига улкан масъулият юклайдиган ана шундай муқаддас мавзулардан биридир.

Мўйқалам усталари ярим асрдан бери улуғ доҳий образини яратиш устида тинмай ижод қилмоқдалар. И. Бродский, Н. Андреев, И. Шчадр, Н. Жуков, М. Манизер, Е. Кибрик сингари санъаткорларнинг В. И. Ленинга бағишланган асарларини халқимиз яхши билади.

Ўзбек тасвирий санъатининг мўйқалам соҳибларидан А. Волков, В. Уфимцев, А. Иванов, С. Абдуллаев, Н. Қўзибоев, Р. Аҳмедов, В. Фадеев, Т. Оганесов, Қ. Башаров, К. Эминов сингари рассомлар қатори В. Кайдалов ҳам бу шарафли мавзуга муносиб улуш қўшди.

Рассом узоқ йиллар улуғ инсон хаёли билан яшади, унинг асарларини мутолаа қилди, тарихда янги саҳифа очган буюк зот образини яратиш учун кўп тайёргарлик кўрди. Ниҳоят, «В. И. Ленин Петроградда», «В. И. Ленин ва Н. К. Крупская», «В. И. Ленин», «В. И. Ленин кабинетида», «В. И. Ленин ва В. А. Луначарский», «Разлив кўлида» каби полотнолар вужудга келди.

Бу асарларда муаллиф В. И. Ленин шахсининг турли қирраларини акс эттиришни ният қилиб қўйган эди. У маълум даражада бунинг уддасидан чиққан.

Агар рассом бир полотносида В. И. Ленинни қизил аскарлар орасида кўрсатиб, доҳий билан халқнинг якдиллигини ифодалашга интилган бўлса, бошқа асарида В. И. Лениннинг тафаккур кишиси эканлигини тасвирлаган.

В. И. Лениннинг Разлив кўли қирғоқларида кечган ҳаёти кўп санъаткорлар томонидан ифодаланган. Маълумки, В. И. Ленин образи кўпинча уй шароитида ёки минбарда тасвир этилгани учун, доҳийни очиқ ҳавода, табиат қўйнида кўриш ва шунга монанд образ яратиш—рассом учун жуда қийин, айни вақтда илҳомбахшдир. В. Кайдалов В. И. Ленинни Разлив бўйида тасвирлар экан, табиат кўринишларида, доҳий қиёфасида яқинлашиб келаётган улуғ революция кунларининг ҳаяжонини, кайфиятини ифодалашга ҳаракат қилган.

Тилаб МАҲМУДОВ



Узбекистон халқ рассоми **В. КАЙДАЛОВ.** В. И. ЛЕНИН ПОРТРЕТИ.

В. И. ЛЕНИН ТЕЛЕФОНДА.

В. И. ЛЕНИН ОВДА.

В. И. ЛЕНИН ВА Н. К. КРУПСКАЯ ШУШЕНСКОЕ ҚИШЛОҒИДА.

В. И. ЛЕНИН РАЗЛИВДА.

РАЗЛИВ СОҲИЛ

ШУШЕНСКОЕДА В. И. ЛЕНИН ЯШАҒАН УЙ.

В. И. ЛЕНИН ВА А. В. ЛУНАЧАРСКИЙ.



В. И. ЛЕНИН КАБИНЕТИДА.

В. И. ЛЕНИН ПЕТРОГРАДДА.

Узбекистон халқ рассоми **Н. ҚУЗИБОЕВ.** В. И. ЛЕНИН РАЗЛИВДА.

Узбекистон халқ рассоми **Л. АБДУЛЛАЕВ.** В. И. ЛЕНИН СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИ ЭЪЛОН ҚИЛМОҚДА.

Осиё ва Африка мамлакатлари
ТОШКЕНТ-72
кинофестивали

Собир МУҲАМЕДОВ,
Ўзбекистон Кинематография союзи
правлениесининг раиси

ДЎСТЛАР ЯНА ДИЙДОР КЎРИШАДИ

Раж Капур: «Салом, қадрдон Самарқанд!» С. БЕЗНОСОВ фотоси

Май — ўлкамизда баҳор ойи, табиатнинг уйғониш даври, яшиллик фасли. Йилнинг ана шу ажойиб фаслида Ўзбекистон пойтахтида қадрдон дўстлар — Осиё ва Африка кинематографчилари яна учрашадилар. Бу ерда улар ўзларининг Иккинчи Халқаро фестивалларини ўтказиш учун йиғиладилар.

Икки буюк қитъа кино санъаткорлари Биринчи фестивалга йиғилган пайтдан буён орадан тўрт йилча фурсат ўтди. Фестиваль — тинчлик, ижтимоий тараққиёт ва халқлар озодлиги учун курашаётган тараққийпарвар кинематографчилар форумига айланиб кетди.

Биринчи анжуман муваффақиятли ўтди. У — фестиваль шиори остида икки қитъа кинематографчилари бирдамлигини намойиш этди, Осиё ва Африка кинематографчилари яратган энг яхши фильмлар намойиш қилинган давра, кино арбоблари дўстлигининг майдони бўлди.

Томошабинлар Япония, Ҳиндистон, Миср Араб Республикаси каби фильм ишлаб чиқариш кўпдан буён давом этиб келаётган ва тараққий этган мамлакатлар билан бирга Сенегал, Мали, Нигерия, Иордания, Чад каби кино санъати эндигина тараққиёт йўлига кирган мамлакатларнинг ҳам фильмларини кўришга муяссар бўлдилар.

Совет кинематографчилари, жамоатчилиги ва томошабинлари уларга қизиқиш ҳамда ҳурмат билан муносабат билдирдилар. Ушанда Японнянинг «Қуллар заводи», Иорданиянинг «Оқибат-67», Ҳиндистоннинг «Кашмирдаги севги», Сенегалнинг «Мандат», Гвинеянинг «Африка рақсга тушади» ва Миср Араб Республикасининг «Почмейстер» фильмлари бизнинг жамоат ҳамда ижодий ташкилотларимизнинг мукофотлари, дипломлари билан тақдирланди. Айниқса, фестиваль кунларида қитъаларимиз кинематографияси тараққиётининг муҳим масалалари юзасидан юмалоқ стол даврасида ўтказилган суҳбат самарали бўлган эди. Суҳбатда фаол иштирок этган ҳинд режиссёри Рамананд Сагар, Араблараро кино ва телевидение марказининг директори Люсьен Ҳури хоним [Ливан], япон кино танқидчиси Казуо Ямада, Гвинея информация министри Диало Альфа Амадулар Осиё ва Африка мамлакатлари Тошкент фестивали шиорини ҳозирги Ғарб киносининг эротизм ҳамда гангстеризм эскалацияси қаршисида муҳимлигини таъкидладилар.

Биз Биринчи Тошкент фестивали ўз қатнашчиларининг янги тажрибалар билан бойишига омил бўлганлигини, Осиё ва Африка мамлакатлари кинематографчилари изланишларининг тўғрилигини текшириб олишга имконият яратганлигини қувонч билан тилга оламиз. Бунга фестивалда ҳукм сурган эркин фикр алмашув руҳи—қатнашчиларнинг бир-бирларини ўзаро тушунувлари ва ҳамкорликларига йўл очиб берди. Биринчи фестивалда эришилган дўстлик ва бирдамлик навбатдаги Иккинчи фестивалда яна ҳам мустаҳкамланади, деган умиддамиз.

Эҳтимол, Тошкент фестивалини сабрсизлик билан кутаётган Осиё ва Африка мамлакатларида қанчадан-қанча ажойиб ҳужжатли ҳамда бадиий фильмлар яратилгандир. Шубҳасизки, Осиё ва Африканинг ёш кинематографчилари ўз маҳоратларини ошира бориб, янги ижодий ютуқларга эришган. Шунингдек, ўтган давр ичида фестиваль мезбонлари томонидан ҳам кўпгина ишлар амалга оширилди. Кейинги тўрт йил ичида «Ўзбекфильм» киностудияси ҳамда ҳужжатли ва илмий-оммабоп фильмлар Тошкент студияси қатор ажойиб фильмлар яратди. Ўтган йили улкан ижодий муваффақиятлари учун «Ўзбекфильм» студияси Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди. Айни пайтда биз билан бир қаторда Тошкент фестивали мезбонлари ҳисобланган қардош Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон, Грузия, Озарбайжон ва Арманистон кинематографчиларининг ҳам ютуқлари оз эмас. Хуллас, бизда — совет кинематографчиларида ҳам Иккинчи фестивалда намойиш этса арзигулик асарлар анчагина.

Биз яна шунга аминмизки, қитъаларимизнинг тараққийпарвар кино санъаткорлари бу давр ичида ўз дунёқарашларини, замонамизнинг, шу кунларимизнинг муҳим масалаларига бўлган муносабатларини янада кескинлаштирганлар.

Ҳозирги кунда, маълумки, империализм тобора шафқатсизлашиб бормоқда, у мустамлакачиликнинг ҳалокати билан ҳисоблашишни истамай, гоҳ яширин қувлик, гоҳ очиқ агрессия йўлидан фойдаланмоқда.

Дунёда рўй бераётган бундай ташвишли ҳодисалар қаршисида қитъаларимиз кинематографчилари ҳеч қачон бетараф қололмайдилар, зотан, санъат — жанг майдони, чунки санъаткор, барибир, қай тарзда бўлмасин замон илгари сурган масалаларга ўз қарашларини билдирмоғи керак.

Бизнинг агрессорларни фош этишга қаратилган, дунёда тинчликни, ижтимоий тараққиётни, халқлар озодлигини барқарор этишга йўналтирган фильмларимиз бу борада империализм, мустамлакачилик ва унинг янги кўринишларига берган жавобимиз бўлмоғи керак. Тараққийпарвар санъаткорлар бирдамлиги ва уларнинг ўз халқлари манфаатлари йўлида кўрсатган жасоратлари реакцион кучларга зарбамиз бўлиши лозим.

Иккинчи Тошкент фестивали янада намойишкорона бўлишига, унда қитъаларимиздан янада кўпроқ мамлакатлар иштирок этишига ишонамиз, фақат қадрдон дўстлар билан учрашибгина қолмай, балки илк бор келган меҳмонларимиз билан ҳам дўстлашамиз, деган умиддамиз. Унда қатор муҳим ва қизиқарли фильмларни томоша қилиш билан бирга, ўзаро тажрибалар алмашувимизга, кино санъатининг ҳозирги замон босқичидаги тараққиётининг муҳим масалалари юзасидан эркин фикрлашувимизга аминмиз. Бизнингча, биз — кинематографчилар, қонли, зўравонлик урушларига чек қўйиш, дунёда мустаҳкам тинчлик ўрнатиш йўлида, халқлар ва давлатлар бойликларини агрессия ҳамда қуролланишга эмас, балки халқларнинг соцнал тараққиётини, ҳаёт даражасини кескин яхшилашга сарфланиши учун бутун ижодий кучимизни сафарбар этяпмизми, қўлимиздан келган барча ишни бажаряпмизми— шуни аниқлаш ҳозир жуда муҳимдир.

Ҳа, фестивалимиз айни баҳорда ўтар экан, икки қитъа кинематографчилари дўстлиги ва ҳамкорлигининг ҳам баҳори бўлиб қолсин; халқлар бахти, миллий маданиятларнинг гўллаб-яшнаши, инсониятнинг келажаги йўлидаги, қитъаларимиз халқларининг тинчлик учун олиб бораётган муқаддас курашидаги якдиллигининг намойишига айлансин.

Дўстлар яна дийдор кўришади.

Биз бу учрашувни ҳаяжон ва сабрсизлик билан кутмоқдамиз.

ҚАРИЛИККА ҚЎЛ БЕРМАНГ...



1929 йил. Самарқанд. Намунавий театрнинг кичкинагина ҳужрасида бўлажак уч буюк санъаткор ўтирибди: Маннон Уйғур, Аброр Ҳидоятов, Етим Бобожонов. Улар уч йил бурун Москвадаги Ўзбек театр студиясини битириб келишган, Ўзбекистоннинг шаҳар-қишлоқларида томоша кўрсатишган, эл назарига тушган. Ҳозир эса янги ташкил этилаётган ўзбек профессионал драма театри учун ёшларни танлашмоқда.

— Қани, бошқасини чақиринглар, — деди Маннон Уйғур.

Хонага ўн саккиз-ўн тўққиз ёшлардаги озғинроқ, эпчил йигитча кирди-да, қўл қовуштириб турди. Оға — Маннон Уйғурни ёш артистлар шунақа дерди — унга бир разм солиб олиб, сўради:

— Нима ҳунарингиз бор? Ашула айтасизми?

— Айтамиз,— деди йигитча жилмайиб.

— Марҳамат! Қулоғимиз сизда.

Йигитча шипга қараб нималарнидир пичирлади, йўталиб олди. Бироқ ашуланинг сўзлари эсига келавермади. Ҳозиргина тилининг учида турувди-я. «Гул сочар ел боғ аро...» деб бошланарди шекилли...

У гуноҳкорона жилмайди:

— Домла, эшикка чиқиб эслаб кирсам майлими?

— Майли, — ўтирганлар кулишди.

Йигитча шипиллаб даҳлизга чиқди. «Ишқилиб ўтсин-да», деб жон ҳовучлаб турган ўртоғи Муҳсин Ҳамидовдан ашулани сўраб олди. Шаҳдам қадам билан қайтиб кирди. Аммо тўрдаги комиссия ҳайъатига кўзи тушдию, тағин ўзини йўқотиб қўйди...

— Майли, билган нарсангизни ўқиб бера қолинг, — деди Аброр ака.

Йигитча ўзи Қўқонда кўп ўйнаган «Абулфайзхон» драмасидан монолог ўқий бошлади... Оға билан Етим Бобожонов унинг ўзини тутишини, мимикасини кузатишди, Аброр ака овозининг товланишига эътибор берди.

Монолог тугади.

— Бўпти, чиқаверинг, — дейишди унга. Йигитча қувонишини ҳам, хафа бўлишини ҳам билмай, эшикка чиқди. Бироқ икки соатдан кейин артист Шариф Қаюмов билан Муҳсин Ҳамидов унинг қўлини қисиб қутлашди:

— Табриклаймиз, Набижон, театрнинг асосий группасига қабул қилинибсиз!

Йигитча ёйилиб кулди. У — қўқонлик театр ҳаваскори Наби Раҳимов эди. Шундан бери қирқ уч йил ўтди. Энди Наби Раҳимов Иттифоққа танилган санъаткор, Ҳамза номидаги Академик театримизнинг сардорларидан бири, билимдон ва талабчан устоз, Ленин орденининг кавалери...

* * *

Наби ака олдимга бир қути сурат билан дастаа-даста хат уйиб қўйди. Табриклар, тилаклар, олқишлар... Кўпчилик хатда бир хил фикр бор: Наби аканинг мухлислари унинг 60 ёшга кирганига сира кўниколмаяптилар. Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими О. Зоҳидов самимий қутловлардан сўнг: «Ҳали ёшсиз, Наби ака, эндигина уч марта йигирмага киpибсиз», дебди. Яна бир санъат ошиғи, «Атиги икки бор ўттиз ёшга тўлибсиз, ҳали Сиз билан саҳна ва экранда кўп учрашамиз», деб умид билдиради. Бухоролик бир студент, меҳри жўшиб кетиб, мактубини шеър билан тугатибди...

Фарғоналик Санобар деган ўқувчи қизнинг қутловини ўқий бошладим. У санъаткор бўлмоқчи экан, Наби акадан маслаҳат сўрабди.

Наби ака жилмайди.

— Келадиган хатларнинг 99 фоизи шунақа бўлади. Кўп ёшлар артистликка қизиқади. Ёрдам беринг, актёрлик сирларини ўргатинг, дейди. Қани энди, тайёр рецепт бўлса, жон-жон деб ҳаммасига улашиб чиқардим. Йўқ-да... Театр институтида 15 йилча машғулот олиб бордим, биламан. 18—20 талабадан 2—3 та яхши актёр чиқади, қолганлари ўртамиёна бўлиб қолаверади. Ўртамиёналик эса — ёмон нарса. Айниқса санъатда.

Ҳақиқий санъаткор бўламан, деган одамга хоҳишдан ташқари яна кўп нарса керак. Аввало, истеъдод, албатта. Кейин меҳнат, жасорат...

Бир хатни ўқиб кулдим.

— Ҳм, нима депти?— Наби ака чўзилиб қаради.

— Бир йигит «Отелло»га кирган экан. Спектаклдан кейин эшикда Ягони пойлаб турдим. Чиқса, бир бопламоқчийдим, лекин чиқмади, депти.

— Қўрққан-да, — кулди Наби ака, папиросини чертиб кулини тушираркан, — Ягони ўйнайман, деб кўп гап эшитганман.

— Кимдан, режиссёрданми?

— Йўғ-е!.. Томошабиндан. Саҳнага чиққанимдан одамлар ғўнғир-ғўнғир қилиб қойиб ўтиришарди.

Наби аканинг гаплари менга инглиз офицерини эслатди. Англияда «Отелло»ни ўйнаётганларида Ягонинг қилмишларига чидаёлмай ўтирган бир офицер шартта ўрнидан турибди-да, учи отиб ташлабди. Кейин артистни ўлдириб қўйганини эслаб ўзини отибди. Офицер билан «Яго»ни бир қабрга қўйибдилар. Уларнинг шаънига ўрнатилган мармар тахтачада «Идеал актёр билан идеал томошабинга» деган сўзлар бор экан...

Наби ака, биламан, ўқиганман, дегандай кулимсиради. Кейин бирдан Яго ҳақида гапира кетди.

— «Отелло»ни бутун дунёда ўйнайдилар. Ягони ҳар ким ҳар хил талқин қиляпти. Кўп актёрларнинг ижросида у жоҳил, кўрс, қовоқ-тумшуғи осилган, хуллас, совуқ бир қотил бўлиб чиқади. Менингча, бу нотўғри. Биласизми, «Отелло»нинг дастлабки номи —«Яго» бўлган. Драма битгач, Шекспир уни ўзгартирган. Яго — жуда мураккаб шахс. У истеъдодли, бироқ маккор, одамохун, лекин ичидан пишган, шўх, аммо ўз манфаати йўлида қотилликдан ҳам қайтмайдиган бир кимса. Менинг Ягом ана шунақа! Шекспирнинг ватандоши Эдмонт Кент ҳам Ягони ана шундай ўйнаган.

Сурат тўла қутидан ўн етти ёшлардаги тийрак кўз, юмалоқ юзли ўспиринниинг каттагина протрети чиқди. Йигитчанинг нимасидир Наби акани эслатарди.

— Сизга ўхшар экан, — дедим суратни кўрсатиб.

— Чунки ўзимман-да, — кулди Наби ака, — ўн саккизга кирсамми-кирмасамми, деб юрган пайтларим. Самарқандга тушганман.

— Унгача нима иш қилардингиз?

— Унгача...

... 1924 йилда Ҳамза Ҳакимзода Қўқонда кичкина бир труппа тузади. Унда Муҳиддин Қориёқубов, Тамарахоним, Бобораҳим Мирзаев каби устоз санъаткорлар бор эди. Ўн уч яшар Набижон ҳам труппада қатнашар, кичик-кичик роллар ижро этарди. Унинг хотираси ўткир эди. Қориёқубов билан Тамарахоним айтган қўшиқларни бир тинглашда ёдлаб оларди. Уйга келиб, маҳалладаги болаларни йиғарди. Дарвозага эски палосни парда қилиб тутарди-да, бир ўзи болаларга «томоша» кўрсатарди: лип этиб чиқадию «Мажнун» бўлиб қўшиқ айтади:

Оҳким, ҳайронмен ул сарви хиромондин жудо.
Кўзларим гирёндир ул гулбарги хандондин
жудо...

Шипиллаб «парда» орқасига ўтади. Бошига рўмол ўраб чиқиб «Лайли» бўла бошлайди...

1926 йили труппа тарқаб кетди. Набижон шаҳар партия клуби қошида ташкил этилган тўгаракда қатнаша бошлади. Уша вақтлар Қўқонда катта сайиллар бўларди. Айниқса бозор, ҳайит кунлари ўз-ўзидан шаҳарда байрам бошланиб кетарди. Марғилондан Юсуф қизиқ Шакаржонов келарди, Эркақори, Расулқори сингари таниқли қофизу аскиячилар байрамга файз киритарди. Набижон декламация ўқир, муқаллидлик, қизиқчилик қилар, интермедияларда ўйнар, ҳажвий қўшиқлар айтиб, ҳаммани кулдирарди.

Шундай қилиб, икки йил ўтди. Бир куни ўзбек миллий театри учун ёшларни ахтариб Фарғона вилоятида юрган атоқли комик артист Миршоҳид Мироқилов Қўқонга келдию Набижоннинг ўйинларини кўриб ром бўлди. Уни тўғри Самарқандга, устозлар ҳузурига олиб кетди...

— Ундан олдин устахонада, катта акамнинг ёнида ўтириб човгум, идиш-товоқ тузатардим, — деди Наби ака ва жиндай туриб ҳазил қўшди, — ундан олдин Қўқоннинг мисгарлик маҳалласида туғилганман...

Яна хат титкилайман. Мактублар, телеграммалар, открыткалар... Шероободан, Сайрамдан, Чустдан, Душанбадан, Аравондан, Ғиждувондан, Шаҳрисабздан, Яйпандан, Гулистондан, Урганч ва Ленинободдан... Наби Раҳимовни ҳамма ерда билишади, бирдай яхши кўришади. Кўплар юбиляр-

Наби ака Хлестаковнинг ўзи бўлиб кетади, албатта, ҳаётда эмас, саҳнада.

ни «Олмос қиррали талант соҳиби» дебди. Олмос қирра... Ҳа, Наби Раҳимовнинг бўй-бастини олис-олисларга яққол кўрсатган, унинг номини тилларга туширган нарса — актёр муҳофазасининг қудратлилигида, иқтидорининг сержило, серқирра эканлигида. У бир-бирига ўхшамаган, ҳатто бир-бирига зид ролларни ҳам маромига етказиб ўйнай олади. Шунинг учун ҳам томошабинлар Наби Раҳимов ижросида қувноқ ва мунофиқ Яго, доно ва девонасифат Бобо Кайфий, инсонпарвар ва инқилобчи Нил, муттаҳам ва сўзамол Хлестаков, шўх ва дилкаш Қўзиев, ёвуз ва жоҳил Қўршерматни кўриб ажабланмайди, аксинча, актёрга таҳсин ўқийди.

Наби акада атоқли санъаткорга хос бир фазилат бор: у ҳар гал қаҳрамонининг янги бир хислатини «кашф» этади, йўл-йўлакай образнинг моҳиятини чуқурроқ очадиган қўшимча бир ҳаракат, қўшимча бир сўз топаверади. Яъни бир ролни ҳар сафар «сал бошқача» ўйнайди. Натижада образнинг оҳори тўкилмайди, «миси» чиқмайди, ҳамиша тароватини сақлаб қолади.

Аммо, барибир, Наби Раҳимов истеъдодининг энг ўткир қирраси — унинг комик роллар устаси эканлигида. Маяковский «Коммунизмда олий кулги мактаблари бўлажак» деган экан. Наби ака ана шу мактаб талабаларининг қалбига завқ-шавқ бағишлаётган кулги дарғаларидан бири. Наби Раҳимов номи тилга олиндими — дарров одамларнинг чеҳрасига табассум қалқади, лаблар кулгига шайланади. Ялт этиб кўз олдингизга актёрнинг енгил истеҳзоли ўзига хос овози, гоҳ қувлик билан, гоҳ тантанавор-масхараомуз, гоҳ соддадилғарибона, гоҳ кесатиқ аралаш, гоҳо дилкаш, саммий кулимсираган кўзлари, шўх, шиддатли ҳаракатлари келади. Хаёлингиздан липиллаб, сизни жилмайтирган, хо-холатган, чапак чалдирган, гоҳо нафратлантирган образлар ўта бошлайди: Марасул, Карандашев, Етов, Хол, Алиев, Кочкаров, Алексей, Ғани...

Уларнинг орасида, албатта, ёрқин чарақлаб Хлестаков образи туради. Наби акани Хлестаковсиз тасаввўр этиш қийин. Студент эдик. Чамаси, у пайтда «Ревизор» қўйилмасди. Лекин Наби ака гоҳ эстрадада, байрамларда, кулги кечаларида ўзининг севимли ролини ўйнаб, турарди. Дарагини эшитсак, етиб борардик. «Ревизор»ни эшиттиринглар, деб қайта-қайта радиокомитетга хат ёзардик. Хлестаков—Наби Раҳимовнинг орачора «Ҳм!» деб қўйиб, саҳна четидаги стулга шитоб билан ўтириб-турганлари, залдагиларнинг ичагини узиб гапирган гаплари худди кечагидай эсимда:

— Пушкин билан орамиздан қил ўтмайди. Баъзан, хўш, оғайни Пушкин, аҳволинг қалай, десам, кулиб, ёмон эмас, дейди! Ҳм!..

— Шўрва биқирлаб турган ҳолда тўппа-тўғри Париждан келтирилган бўлади. Столда 700 сўмлик тарвуз! Ҳм!..

Хлестаковни эслаб ўтирувдим, Наби ака кириб келди. Қўлида бир даста конверт.

— Хатлар! Хатла-ар!! — бошини чайқаб кулди у, — «Табассум»чилардан экан.

Менга баҳона топилди. Савол бердим:

— Наби ака, кулгининг роли ҳақида фикрларингизни билмоқчийдим?

У оҳиста ўтирди. Гўё илгаридан шу саволни кутиб тургандай, ишонч билан, тез-тез гапира кетди:

— Кулгидан муддао қуруқ кулдириш эмас. Комик актёр — масхарабоз эмас. У фақат бошқалар жиддий туриб айтадиган гапни кулиб айтади. Ўша «Ревизор»ни эсланг. «Оғриқ тишлар»ни, «Уйланиш»ни... Комедиянинг тагида катта ижтимоий масалалар ётиши керак. Афсуски, баъзи драматурглар буни ҳисобга олмайди, баъзи артистлар эса, роль топилганига хурсанд бўлиб ўйнайверади...

Кино ҳақида гап очилди. Наби ака экран билан саҳнани солиштирди.

— Кинонинг ўз фазилатлари бор, буни ҳамма билади. Аммо театрга етмайди. Театрда томошабин билан бевосита алоқада бўлиб турасиз. Халқ сизни ёмон ўйнагани қўймайди.

Хатлар тугай деб қолди. Катак қоғозга каттакатта ҳарфлар билан чиройли қилиб ёзилган саломномани овоз чиқариб ўқидим:

— Ассалому алайкум, қимматли Набижон ака! Сизни, санъатимизнинг ёрқин юлдузини 60 йиллик навқирон ёшингиз билан чин кўнглимиздан табриклаймиз! Набижон ака! Биз мактабимизда «Машҳур артистлар бурчаги» ташкил қилмоқчийдик. Шунга биттагина суратингизни тақдим этсангиз ва шогирдларингиз ҳақида ёзиб юборсангиз...

— Шогирдлар кўп,—деди дарҳол Наби ака,— ҳали айтдим-ку, театр институтида 15 йилча дарс бердим. Йилига йигирматадан битирганда уч юз бўлади. Улардан кўплари шогирдимиз... Бирга ишлаётганлардан, мана, Обид Юнусов, яхши артист... Қобилиятли ёшлар етишиб чиқяпти...— у папирос тутатди, ёниб тугаётган гугурт чўпининг эгилишини томоша қилди, кейин давом этди, — ҳа бир нарсани айтиш эсимдан чиқай дебди. Мана, қирқ йилдан ошди, саҳнага чиқаман, ўн беш йилча бўлди — кинода қатнашаман. Мундоқ ҳисоблаб қарасам, бор-йўғи етмиштача роль ўйнабман. Демоқчиманки, актёр ролларнинг рўйхати учун курашмаслиги керак. Озу соз бўлаверсин. Ҳалигача ҳеч ким оз роль ўйнаб гап эшитган эмас. Гап ижронинг қанақалигида.

— Ёшларга яна қандай маслаҳатларингиз бор?

— Аввало, ёшларимизнинг фидойи ва камтар бўлишларини истардим. Маннон Уйғур билан Аброр ака шунақа эди. Улар ўзларининг улуғликларини сездиришмасди...

Театр санъати — бу ҳаракатчан санъат. Шундоқ экан, ҳамма оғирликни режиссёрга ташлаб қўйма, кун сайин билимингни, савиянгни ошириб бор...

Наби ака «маслаҳатим шу» дегандай, қўлларини ёйди. Мен сўнгги мактубни қўлимга олдим. Фарғоналик Маъфират Омонова деган қиздан экан. У Наби акага бағишлаб муваашшаҳ битибди ва хатини «Қариликка қўл берманг, севикли санъаткоримиз!» деб тугатибди. Тилакни эшитиб, Наби ака мамнун жилмайди:

Ҳамза номидаги театрнинг бош режиссёри А. Гинзбург Наби аканинг қалин дўсти ва маслаҳатдоши.

С. БЕЗНОСОВ фотолари

— Бўпти, қариликка қўл бермаймиз, — ваъда шу! — Кейин жиддийлашди, — театрда кетма-кет бир нечта спектакль тайёрлаяпмиз. Шекспирнинг «Ричард — III», Дюманинг «Нель минораси»... Киностудияда тўрт серияли «Воислар» фильми суратга олинади. Унда Кўрсултон ролини ўйнашим керак. Кўриб турибсиз, ростдан ҳам қариликка қўл беришга вақт йўқ.

Саъдулла СИЁЕВ

ОЙПАРЧА

«ЛУНА-20» АВТОМАТИК СТАНЦИЯСИ ПАРВОЗИНИНГ САМАРАЛАРИ

Ойпарча. Ойнинг парчаси. Яқин вақтларгача бу сўз халқимизнинг ижодий тасаввури меваси, фольклор тушунчаси эди. Бугунги кунда ойпарча бор нарсани, реалликни ифодаловчи сўзга айланди. «Луна-20» совет автоматик станциясининг қайтувчи аппарати Ойнинг «қуруқлик» қисмидан олинган катта ойпарча билан қайтиб келиб, Жезқозған яқинида Ерга муваффақиятли қўнди.

Фазогирларимизнинг америкалик ҳамкасабалари Ойнинг Денгизлар районидан парча олиб келмасидан аввалроқ «Луна-16» совет автоматик станцияси шу райондан ойпарча олиб тушганди. Бу ойпарчаларни жаҳон олимларининг 80 коллективи, жумладан, АҚШ, Франция, Венгрия, Чехословакия каби хорижий мамлакатлардаги 30 коллектив ўрганишга, тадқиқ этишга киришганди. Яқинда ана шу тадқиқотлар натижаси катта том ҳолида нашрдан чиқади.

Ўшандаёқ ойпарча — реголит 3,5 миллиард ёшда, яъни Ер жисмларидан кўҳнароқ эканлиги аниқланган. Ернинг қадимий табиий тарихини ўрганиш учун етарли имконият йўқ, энг қадимги жисмлар сақланиб қолмаган. Ойда эса бундай қадимий жисмлар яхши сақланган. Шунинг учун Ойнинг турли районларидан парча олиб келиб текшириш Ернинг ҳам тарихини ўрганишга ёрдам беради. Академик А. Виноградовнинг фикрича, аввал келтирилган ойпарча Ер ва Ой тарихига доир асосий гипотезаларнинг тўғри-нотўғрилигини аниқлашга имкон берди. Бир гипотезага кўра, Ой неча минг йиллар илгари Ердан ажралиб чиққан. Бошқа тахминга кўра, фазода Ер яқинидан ўтиб кетаётган космик жисм сайёрамизнинг тортиш кучига тутилиб қолиб, шундан бери унинг атрофида айланади.

Ойпарчани ўрганиш шуни кўрсатдики, Ойнинг зичлиги Ерга ўхшамай, балки метеорит ва астероид жисмлар зичлигига ўхшайди. Ой, демак, Ердан ажралиб чиқмаган экан. Иккинчи тахмин ҳам нотўғри чиқди. Чунки, агар Ой чиндан ҳам ўтиб кетаётиб, Ерга тутилиб қолган бўлса, у ҳозиргидай доира бўйича эмас, балки эллипс бўйича айланиши керак эди. Ҳозир олимлар янги бир тахминни илгари суришмоқда. Шу гипотезага кўра, Ер ҳам, Ой ҳам бир вақтда бунёдга келган.

«Луна-20» автоматик станцияси Ойнинг Фаровонлик денгизи билан Иқмироз денгизи оралиғидаги тоғли қуруқликка юмшоқ қўнди. Ер «элчиси»нинг Ойдаги мураккаб рельефли — нотекис районга қўндирилиши шу соҳадаги биринчи муваффақиятдир. Ердан берилган буйруқлар билан Ойдан парча олиш мумкин бўлган жой танланди ва тупроқ олувчи механизм Ойни бурғилаб, парчалар ола бошлади. Бу ойпарчалар қайтувчи аппаратнинг контейнерига жойлаштирилиб, Ерга олиб келтирилди. Қидирув группаси шиддатли қор-бўронга қарамай, аппаратни топди ва ойпарчалар эсон-омон ташиб олинди.

Ой тупроғи намуналари СССР Фанлар академиясига илмий тадқиқотлар ўтказиш учун топширилди. Бир қанча чет мамлакатлар аввал тузилган шартномаларга кўра, биздан ойпарчаларни олиб, уларни тадқиқ қилишда қатнашадилар. Сайёраларнинг пайдо бўлиш сирларини очиш кўп жиҳатдан мана шу тадқиқотларга боғлиқ.

«Луна-20» совет станциясининг парвози Ойни ва сайёраларни автоматик станциялар ёрдамида тадқиқ этиш имкониятлари нақадар кенглигини яна бир карра намойиш қилди ва жаҳон космонавтикаси тарихига ёрқин саҳифа бўлиб кирди.



Революция ветерани Рўзимат ота Матназаров.

ЖАНГЧИ ПАРТБИЛЕТ

Рўзимат «Партия сафларида тозалаш ўтказувчи комиссия» деган ёзувли эшикка келиб тўхтади. Дабдурустдан ичкарига киришга юраги дов бермади. Шу кўйи анчагача ҳардамхаёл бўлиб тургач, астагина эшикни очди:

— Мумкинми?

— Марҳамат.

Рўзимат остона ҳатлади. Рўпарада ўтирган йигит унга кўз тикди.

— Партбилетингиз?..

Рўзимат қўйин чўнтагидан азиз жанговар ҳамроҳи — партбилетини олди.

— Ўртоқ Матназаров, ҳужжатингизга гард юқтириб қўйибсиз-ку?

Рўзимат бир нафас нима дейишини билмай қолди. Узр сўрасаммикин? Йўғ-э...

— Гард эмас, қон бу.

— Қон? Қанақа қон?

У гапни нимадан бошлашни билмай, ўйланиб қолди. Хаёлидан суронли йиллар хотиралари тизилиб ўта бошлади. Қизил Армия ва милиция сафида хизмат қилган чоғларини эслади.

Ёвдан жабрланганлар қасосини оламан, деб қасамёд қилган эди у ўшанда. Ўтюрак йигитлар сафида Жунаидхон галаларини Қорақум ичкарисигача қувиб борди. Сувсиз чўлда юриш мушкул эди. Жазирама, ташналик жангчиларнинг тинка-мадорини қуритарди. Ниҳоят, «Ошиқ ойдин» деган жойда қудуққа дуч келишди. Қудуқ ичига икки жангчи туширилди. Сув тўла челак юзага чиқанда қудуқ деворига урилиб кетди. Айқаш-уйқаш саксовул тиргаклар жойидан кўчиб, қудуқ ўпирилиб тушди. Иккала жангчи тириклай кўмилиб кетишига сал қолди...

Рўзимат булар ҳақида оғиз очмади. Фақат ўтирганларга ўқ тешган партбилети воқеаси ва сафдошлари ҳақида гапириб берди.

— 1930 йилнинг 18 октябри,—дея оҳиста гап бошлади у.— Дам олиш куни эди. Бозорда майда-чуйда харид қилиб юрган эдим. Тўсатдан бошлиқ чақиртираётганини айтишди. Дарҳол етиб бордим.

— Саёд қишлоқ советининг раиси Бахтиев бизга совуқ хабар юборибди. «Болтаҳовуз»даги Отаназарнинг уйида босмачилар тўпланишибди. Ҳозироқ отряд билан ўша ерга етиб боринг. Ҳаммасини тирик ушлашга ҳаракат қилинг,— деди бошлиқ.

Қишлоқда бизни Бахтиев қарши олди.

— Озчиликмиз, уддалай олармиканмиз?— сўрадим ундан.

— Бошқа иложимиз йўқ.

Отаназаровнинг уйига яқинлашиб келганимизда, ичкаридан ўқ узилди. Бахтиев гурсиллаб йиқилди. Мен кўкрагимдан яраландим. Милтиғим ҳам ишдан чиқди. Шунга қарамай, бор кучимни тўплаб олдинга эмакладим. Чорбоғдан ошиб, ҳовлига тушдим. Нарвондан бир амаллаб томга чиқиб, ғарам қилиб қўйилган бедага ўт қўйдим. Девор ортига яширинишим билан даҳшатли портлаш эшитилди. Ғарам остига яшириб қўйилган ўқ-дори портлаб кетган экан. Лекин отишма борган сари зўраяверди. Қуршовдаги босмачилар танг аҳволда қолишди. Аланга уй тўсинларига туташди. Шифт босиб тушди. Босмачилар бирин-кетин кўлларини кўтариб ҳовлига чиқа бошлашди.

Бир маҳал мен томон икки киши яқинлашиб кела бошлади. Тўппончани қўлга олдим. «Яқинлашма, отаман!» деб бақирдим-у, ҳушдан кетдим. Бир пайт кўзимни очсам, икки деҳқон жароҳатимни боғлаётир. Кейин мени аравага солиб касалхонага жўнатишди. Соғайиб чиққач, Хива милиция бўлимида ишлай бошладим. Ушанда партбилетим кўкрак чўнтагимда эди. У ҳам жангда жароҳатланди...

Шундан бери қанча сувлар оқиб ўтди. Рўзимат Матназаров етмиш бир ёшга қадам қўйди. Революция ва милиция ветерани, шахсий пенсионер. Рўзимат ота Матназаровнинг хизматлари юксак тақдирланди. У Ленин ордени ва икки марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди. Октябрининг эллик йиллигу муносабати билан отанинг кўксини яна бир нишон — Қизил Юлдуз ордени безади.

Бу дилкаш ва беором одам қадимий шаҳар кўчаларидан шахдам одим ташлайди: у шаҳарнинг тозалик ишларига бош-қош. Ҳамма уни бирдек эҳтиром билан саломлайди. Порлоқ ҳаёт учун курашган, қон тўккан отахон ҳар қанча ҳурмат-эътиборга лойиқ.

Арслон ОТАЖОНОВ

15 апрель — коммунистик шанбалик куни

УМУМХАЛҚ ҲАШАРИ

Шу кунларда Тошкент шаҳрининг ишчи-хизматчилари кўтаринки бир кайфият билан меҳнат қилмоқдалар. Ҳар бир ишчи, ҳар бир хизматчи ўз корхонасининг шону шуҳратини ошириш, СССР ташкил топган куннинг 50 йиллигини мисли кўрилмаган меҳнат зафарлари билан кутиб олиш учун астойдил енг шимарган. Завод ва фирмаларда ойлик, квартал планлари муддатидан илгари адо этилмоқда, янги ихтиролар қилинмоқда, янги корхоналар, қўшимча қувватлар ишга туширилмоқда.

Москваликлар В. И. Ленин туғилган куннинг 102 йиллиги ва СССР ташкил топган куннинг 50 йиллигини кенг нишонлаш мақсадида 15 апрелни коммунистик шанбалик куни деб эълон қилишди. Яхши ташаббуснинг қаноти бор дейишади, бу ташаббус бутун мамлакат бўйлаб кенг қанот ёйди. Тошкентликлар ҳам бу шонли, умумхалқ ҳаранатига қўшилиб, 15 апрелни катта ҳашар деб эълон қилишди. Шу куни коммунистик меҳнат вахтасида туриб ишлашга, тушган маблағни беш йиллик фондига топширишга аҳд қилишди.

Шаҳримизнинг кўпгина завод ва корхоналарининг аҳил коллективлари 15 апрелгача тежамкорликни яхши йўлга қўйиш ва шу куни фақат тежалган хом ашё эвазига ишлаш ташаббусини бошлади.

— Шанбалик куни ишчилар ўз дастгоҳлари ёнида фидокорона меҳнат қиладилар,— дейди В. И. Ленин номидаги Ленин орденли Тошкент электрон техникаси заводининг мастери, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Соипов,— завод бошқармасининг хизматчилари эса корхона ҳовлисини тартибга келтиришади. Омборлар, цехлар, ёрдамчи бинолар саранжом-саришта қилинади. Шу куни кўплаб металл парчаси йиғилади. Булардан ташқари, корхонамиз ҳовлисига гул ва манзарали дарахт кўчатлари ҳам экамиз.

Ҳа, 15 апрель — умумхалқ ҳашари куни. Бу кун бутун шаҳримиз корхоналарида ҳақиқий меҳнат шодиёнасига айланади...

ҒАФУР ҒУЛОМ ШЕЪРЛАРИ БОЛГАР ТИЛИДА



Бугунги кун ўзбек шеъриятида қадимий Шарқ назми анъаналари ҳам, XX аср поэзиясининг лиризми ҳам уйғунлашиб кетган. Ана шу улкан шеъриятнинг йирик вакилларидан бири Ғафур Ғуломдир. Бу камёб истеъдод эгасининг номи болгарларга ҳали унинг асарлари таржима қилинмасданоқ маълум эди.

Димитров мукофотининг лауреати, шоира Лиляна Стефанова Ўзбекистонга қилган саёҳати таассуротларини «Ўзбекистон, сени унутмайман» деган китобида баён этди. Китобда, у фақат мафтункор ўзбек диёрининг латофатини тараннум этибгина қолмай, ўзбек адабиёти намояндалари билан учрашувларини ҳам ҳаяжонли ҳикоя қилади. Болгар китобхонлари Ғафур Ғуломни илк бор шу китобдан танидилар. Бошқа ўзбек адибларини эса автор Ғафур Ғулом орқали таништиради.

— Йилнинг қайси ойида келсангиз ҳам, бирдэнига ҳамма ёзувчиларимизни шаҳардан топишингиз амри маҳол. Айниқса куз палласида. Чунки чаноқларда момиқ пахта юз очиши билан далага чиқиб кетамиз. Бундай кезларда Бухородан Ҳамзаободгача биргина «пахта» сўзи янграйди. Ҳа, пахта бизда умумхалқ иши. Бу сўзни шоирларимизнинг шеърларида ҳам кўплаб учратишингиз мумкин...

Ўзбек ёзувчиларига берилган бу тавсиф, албатта, Ғафур Ғуломнинг ўзига ҳам тааллуқли. Унинг бироита асари йўқки, она ерга, ўз халқига, меҳнат ва шодликка чексиз муҳаббати сезилмаган бўлса! Ғафур Ғулом шеъриятининг худди шу хусусияти болгар ўқувчилари қалбини ром этган.

Лиляна Стефанова ҳикоясини яна Ғафур Ғулом сўзлари билан тугаллайди:

— Юксак бадиий асарлари билан халқларимизнинг тинчлик ва коммунизм қурилиши йўлидаги орзу-интилишларини акс эттираётган болгар ва ўзбек адабиётлари алоқаларини янада кенгайтириш, мустаҳкамлаш зарур. Чунки биз ягона йўлдан кетаётирмиз.

Адибнинг бу орзуси рўёбга чиқди. 1966 йил ўзбек ва болгар халқлари тарихида маданий алоқаларнинг бошланиш йили бўлди. Шу йили илк дафъа чинакамига икки халқ санъатини ўзаро ўрганиш, беқиёс хазиналаридан баҳраманд бўлиш, уни бойитиш имконияти туғилди. Июнь ойида Болгарияда ўзбек маданияти ўн кунлиги бўлиб ўтди, сентябрда эса болгар маданияти вакиллари Ўзбекистонга ташриф буюрдилар.

Ана шу тантанали кунларда Болгарияда ўзбек адабиёти кенг оммалашди. Жумладан, кўпгина болгар газета ва журналларида Ғафур Ғуломнинг «Она», «Ленин чашмаси», «Юлдуз» каби шеърлари шоир Йордан Милев таржимасида босилди. Бундан ташқари, ўша кунларда Ғафур Ғуломнинг Милев таржимасидаги ўттиз икки шеъри мужассамланган тўплами ҳам болгар китобхонлари қўлига тегди. Тўпламдан Ғ. Ғуломнинг «Туркси йўлларида», «Гилам», «Қор», «Сен етим эмассан», «Мен — яҳудий», «Вақт», «Тошкент», «Диплом», «Сиёҳдон», «Поль Робсон куйлайди» каби машҳур шеърлари жой олган. Ундаги шеърлар ғоявий-бадиий путхалиги билан, буюк интернационаллик ва ватанпарварлик руҳи билан, давр ҳақиқатининг, халқ тақдирининг юксак поэтик ифодаси билан болгар китобхони қалбини забт этди. Шунинг учун ҳам тўплам кўп вақт ўтмай, 1970 йилда тўлдирилиб, қайта нашр этилди. Китобдаги биографик маълумотда адибга Ленин мукофоти берилгани ҳақида хушхабар билан хабар қилинади. Дарҳақиқат, миллий чегараларни аллақачон босиб ўтган Ғафур Ғулом шеърияти бу юксак мукофотга лойиқ эди.

Ғафур Ғулом 1966 йилда, Болгарияда биринчи тўпламини чиқаётганида, маданиятимизнинг бешиги — Калофера ва Сопотада бўлишни орзу қилган эди. Аммо шоирнинг бу орзуси рўёбга чиқмади. У тўсатдан вафот этди. Лекин Ғафур Ғулом ўзининг ўлмас шеърияти билан қалбимизда доимо яшайди.

Иван ПЕЙЧЕВ,
болгар олими

Абдулла ШЕР

ЯНГИ ШЕЪРЛАР

Баҳор

I

Майсада осмоннинг кўк ранги,
Йўқ, осмон рангимас, йўқ, асло!
Инмишдир баҳорнинг кўк чанги,
На нафис нафосат фасли, о!

Арикда жимжима шўх сувлар
Толларни эгил деб аврайди.
Чўмилтиб қуёшни хўп улар,
Кўп мамнун, осмонга қарайди.

II

Гулдамас, ҳаттоки тошларда
Баҳорнинг ҳиди бор — илғаб ол.
Усмага чўмилган қошларда
Севгига салом бор — тинглаб қол.

Жамалак сочларда толпопук —
Наврўзий ялланинг байти бор.
Қуёштаъм дудоқлар кўп тотлик,
Уларда саратон пайти бор.

III

Умиди осмондек зангори
Дилдорим, кел бугун ёнимга.
Йўқолсин ғийбатлар бозори,
Жонингни қўй бугун жонимга.

Атрофда шўх қушлар ва шўх ун:
Баҳорнинг созига қулоқ сол.
Товушлар ичидан сен бугун
Юрагим розини англаб ол.

IV

Эҳ, баҳор уялмай ўпаркан —
Анҳорлар лабидан бу кунлар
Қарагин, у лаблар кўкарган...
Юракда ёшилди тугунлар...

Юракда ечилди тугунлар,
Хаёлда эзгулик кўраман
Ва баҳор қалбимга интилар,
Мен баҳор қалбига кираман.

V

Оппоқ нур, оппоқ нур, ҳур саҳар...
Қуёшда юрагим қони бор.
Қуёш-чи, шабнамни симирар,
Гулларнинг баргига лаби зор.

Оппоқ нур, оппоқ нур, ҳур саҳар...
Юрагим қонида қуёш бор...
Кўзларим нурларни сипқорар,
Қўшиқлар тўқийман шуълавор.

VI

Кўнглимни етаклар гулбаҳор,
Далалар, қирларга юраман.
Заҳматкаш халқимга миннатдор —
Таъзим-ла бош эгиб тураман.

Тураман ва буюк халқимда
Бир буюк мадорни англайман,
Уфқлар ёнади ақлимда,
Мен асл баҳорни англайман!

VII

Баҳордек кўзлари зангори
Орзулар чўлғайди хаёлни.
Йўқол, эй, орзулар озори!..
Қарғайман бахтларга заволни...

Ва қалбда эртаннг ҳумори,
Ҳайқириб дўстларни истайман.
Баҳордек кўзлари зангори
Ҳаётга мос қўшиқ излайман!

* * *

Кўчган тоғдек залварли булут
Босиб келади.
Шамол елади,
Чайқалади чамбаракда сут.

Чақин... Бир зарб!.. Каллакланган тут
Ёниб қулайди.
Шамол увлайди,
Чайқалади чамбаракда сут...

* * *

Қуёш ловуллаб ёнди
Уфқнинг қучоғида.
Алвон ҳислар уйғонди
Оқ булут ёноғида.

Яшнаб ўткинчи ҳисда,
Номозшомгул шўх кулди.
Юлдузлардан оҳиста
Совуқ томчи тўкилди.

Лола

Еллар тоғ бағирлаб ўтади илк бор.
Арчалар сўрайди:
— Чўққида не бор!
— Унда чиқаётган қуёш парчаси.
— Унда бир пиёла май тутган наҳор.

Еллар тоғ бағирлаб ўтади такрор.
Арчалар сўрайди:
— Чўққида не бор!
— Унда ботаётган қуёш ҳайкали.
— Унда сархушликдан чайқалган баҳор.

Лавҳа

Бошга олиб бир боғлам барг,
Даладан қайтар қизлар.
Гузардаги йигитларга
Зимдан боқади кўзлар.

Йигитлар ҳам ўзларича
Баҳо берар кулишиб:
— Раҳима зап зўр бўпти-да,
Кўкраклари тўлишиб.

— Кўзларини айтмайсанми,
Нақ бир жоннинг баҳоси!..
— Қўй, ўртанган юрагимга
Туз сепмагин, акоси...

— Эгаси бор. Ҳайитдан сўнг
Хино нега керакдир...
...Прицепни шалдиратиб,
Чанг кўтарар трактор...

Бир зум ёнган булутларни
Кул босади батамом.
Янги соққан сут ҳидидек
Қишлоққа қуйилар шом.

Авжга чиқар чойхонанинг
Таърифи «тезотар»ни.
«Тановор»ни сўзлатади
Уста Ҳафиз дутори.

Ёш келинлар пашшахона —
Богичини тангийди.
Сув сепилган ҳовлилардан
Тупроқ ҳиди анқийди...

Шабнам

Қуёшда бир лов этди: ёнса — ўт-мас, оқса — сув;
На ҳаётга қарз берди, на қарзини узди у.

Аҳил коллектив

Ҳажвий ҳикоя

Адам олиш куни эди. Соат кеч олтиларга бориб хасип тайёр бўлди. Қўчқор Эрматович ўзи солган қўлбола мусалласдан бир пиёла ичиб, овқатни иштаҳа билан туширди. Кейин кўк чой дамлади. Телевизорнинг қулоғини бураб, диванга чўзилган ҳам эдики, телефон жиринглаб қолди. Ғижиниб ўрнидан туриб трубкани олди. Мирвалиевнинг ширакайф овози эшитилди. Қўчқор Эрматович трубкани қўли билан беркитиб, хотинига шивирлади:

— Э, эсдан чиқибди, бугун Мирвалиев уйига айтган эди. Кичкинагина зиёфати бор экан. Алло!.. Лаббай? Ҳа, мен!

— Алло, Қўчқор ака, ўзингизми?— Мирвалиевнинг ёлборгансимон овози эшитилди.—Ассалому алайкум. Саломат бормилар? Тинчликми, кўзимиз тўрт бўлиб ўтирибмиз. Лаббай? Меҳмонлар келиб қолди?! Ана холос! Ўзи аксига оладида. Аммо келмаганингиз жуда чакки бўлди-да, Қўчқор Эрматович... Бизникигами... Ҳаммаси келди, мен даҳлизидан қўнғироқ қиляпман. Ичкари тумонат одам. Ҳа, чигирткадек босишди. Саидовни умуман айтмаган эдим, ҳай майли, ўзи келишга келибди, аллақаёқдаги қариндошини бошлаб келганига бало борми! Ҳа, ҳа, қариндошини ҳам бошлаб келибди. Содиқовлар учта болаларини ҳам етаклаб келишибди, уйда қолдириб келишга одам топилмаганмиш! Баҳонани кўринг. Шунақа. Келмаганингиз жуда чакки бўлди-да, Қўчқор ака. Ҳа, одамга алам қиларкан, Қўчқор ака. Анави суллоҳ бор-ку, Аҳмадкабиров. Ҳа, ўша нима дейди денг, «Шу закускага колбасанинг ўрнига қази тузук эди-да», дейди-да. Овқат танлаганига ўлайми, олдингга қўйганини ея-вермайсанми! Колбаса бўлса тешиб чиқармиди?! Шунақа... Келмаганингиз жуда чакки бўлди-да. Хаҳ, нима ҳам демоқчийдим, Қўчқор ака. Э, одамга туриб-туриб алам қиларкан. Меҳмонга келганингдан кейин меҳмонга ўхшаб одоб сақлаб ўтиргин-да. Меҳмон деган ўлгур сўраб ейдими? Анави бетга чопар Шомансуров бор-ку, кайфи ошиб қолибдими, уйни бошига кўтариб: «Қачон иссиқ овқат бўлади?» дейди. Бир пас сабр қил, иссиқ овқат ҳам келиб қолар, куйдиргингга ерсан... Шунақа, келмаганингиз жуда чакки бўлди-да. Хаҳ, нима демоқчи эдим-а, Қўчқор ака. Ҳа, анави писмиқ Муслим акани айтмайсизми! Қип-қизил пияниста бўлиб кетибди. Ароқни сувдек ичади-я! Ахир, меҳмондасан, сал у ёқ-бу ёғингга қараб ич, касофат! Тағин биз ўртага тушиб, кафилликка олиб ўтирибмиз у хумпарни! Ҳа, ашаддий пияниста бўлиб олибди... Шунақа, келмаганингиз жуда чакки бўлди-да. Хаҳ, нима демоқчи эдим-а, Қўчқор ака? Майли, эсимга тушса кейинроқ телефон қиларман. Мен энди анавиларнинг олдига кирай, ҳали ҳам мезбон қаёқда қолди, деб сасиб ўтиришгандир. Ҳали кетишганидан кейин уй йиғиштиришнинг машмашасини айтинг! Хўп, хайр, Қўчқор ака, аммо келмаганингиз жуда чакки бўлди!

— Хўп майли, меҳмонларингизга қаранг,— энсаси қотиб трубкани қўйди Қўчқор Эрматович.

«Алам қилса меҳмон чақириб нима қиларкан!» деди у ўзича.

VI

Эртасига эрталабдан Қўчқор Эрматович ўз хонасида Саидов билан ўтириб, алланималарнинг маслаҳатини қилди.

— Хўш, бизга нечта путёвка ажратишибди?— деб сўради Қўчқор Эрматович пешанасини тириштириб.

— Учта,— мулойимгина жавоб берди Саидов.

— Ўзимиз неча кишимиз?

— Саккизтамиз.

— Ҳм-м...— Қўчқор Эрматовичнинг боши қотди.

Ахир учта путёвкани қандай қилиб саккизта одамга тақсим қилади? Бирига берса, иккинчиси ранжиб қолади. Ҳар ҳолда илгари бормаганларга бериш керак. Хўш, бултур ким борган эди? Бултур атиги иккита путёвка теккан эди. Бошлиқ сифатида битта путёвкани ўзи олди, кейин: «Тушунган одам хотинсиз ёлғиз борсам уят бўлади», деб иккинчисини ҳам олди. Хайр, майли, ундан олдинги йили-чи? Ундан олдинги йили ҳам шунақа бўлган эди, шекилли. Кел, ўтган ишга салавот. Бу йилгисини ҳал қилиш керак. Бир ойча бўлдики, уйда жанжал, Санобархон «Курортга олиб борасиз», деб оёғини тираб олган.

Қўчқор Эрматович чуқур уф тортди:

— Нечта ажратилган дейсиз?

— Учта путёвка.

— Ўзимиз нечтамиз?

— Саккизтамиз.

Охири. Боши журналнинг 3-сонида.

— Ҳм-м...— Қўчқор Эрматович яна ўйга толди.

«Нима қилиш керак? Ҳар йили битта одам бораверса бўлмайди. Ходимларнинг иззат-нафсига тегиб, «текшир-текшир» бошланиб кетиши мумкин. Унда иш пачава бўлади. Бу йил ходимларга бериш керак, Санобархон бир йил Қора денгизда чўмилмаса осмон узилиб ерга тушмас. Эҳ, қани энди Санобархон бунга тушунса! Қўчқор Эрматович яна чуқур уф тортди. Ходимлар ҳам жуда ўзбилармон, маҳмадона бўлиб кетишган-да. Битта путёвкани ҳам қия қилиб бўлмайди. Бошлиқ деганни ҳурмат қилишни ҳам билишмайди. Ҳаммаси бетга чопар, одам билан баробар талашади, «закон» сўқишади. Оч қорни, тинч қулоғи. Суриштириб қолишса ходимлар ҳақ бўлиб чиқишади. Ундай деса уйга қандай кириб боради? Ахир Санобархон жанжал борасида бунақа ходимларнинг юстасини бир чўқишда қочиради-ку?»

Бошлиқнинг таъби жуда тирриқ бўлиб кетди, у йиғламсираб сўради:

— Нечта путёвка ажратилган дейсиз?

— Учта путёвка ажратилган... Ўзимиз саккизтамиз.

— Нега мунча ҳижжалайвердингиз шу «ўзимиз саккизтамизни»? Ё менинг жиғимга тегиш учун такрорлаяпсизми?— хуноби ошиб турган Қўчқор Эрматович аламини Саидовдан олди.— Шунақасиз, ишингиз менга ўчакишиб асабимни бузиш! Ҳамма ишни ўзим қилишим керак. Сиз бўлсангиз каллангизни ишлатиш ўрнига, бўлганим шу, деб кўзингизни лўқ қилиб тураверасиз!..

Бош эгиб ўтирган Саидов миқ этмади. Бошлиқ сал ҳовуридан тушди. Нафасини ростлаб олгач мулойим оҳангда давом этди:

— Одам деган унақа бўлмайди! Калласини ишлатиб, бир иложини топади.

— Ўйлаб қўйганман,— деди Саидов кўзларини пирпиратиб.

— Нимани ўйлаб қўйгансиз?— мазах қилиб сўради Қўчқор Эрматович.

— Нимани бўларди, путёвкаларни хизматчиларга қандай тақсим қилишни-да?

— Тақсим қилганингиз нимаси?! Путёвка ўлжамидики тақсим қилиб берасиз. Насиб қилган одамга топширилади-да.

— Топшириш маъносида айтаяпман,— енгил кўл ҳаракати билан сочини силаб мулойим жавоб берди Саидов.

— Маъносида?! Юракни сиқмасдан, гапнинг пўст калласини айта қолмайсизми?

— Менингча, бу ишни ошкора қилиш керак.

— У нима деганингиз?— ҳайрон бўлди Қўчқор Эрматович.

— Кичкинагина мажлис чақириб, ўша ерда ҳал қиламиз,— деди Саидов.

— Мажлис?!— Қўчқор Эрматовичнинг юрагига шубҳа тушди: «Нима қилмоқчи бу юмшоқ сўпурги? Феъли айниганга ўхшайди, мажлисда шарманда қилса-я?» У яна мулойимроқ гапирди:— Кейинги пайтларда мажлисбозлик, нутқбозлик кўпайиб кетмаяптими?

— Хотиржам бўлинг, ўзим гапираман,— деди Саидов.

Унинг ширали овозини эшитиб, Қўчқор Эрматовичнинг кўнгли сал жойига тушди.

— Унқовини келиштирасизми ишқилиб?

— Бўлмасам-чи!..— хониш қилди Саидов.

— Бўпти! Гап битта!

— Ишончлари учун раҳмат! Қойил қиламиз.

Саидов бир зумда коллективнинг барча аъзоларини бошлиқнинг кабинетига йиғиб, фавқулодда мажлис чақирди.

Мажлисни ўзи очиб, қошларини ташвишли чимирганча кўзлари тўла ғам-ғусса, ҳазин овозда сўз бошлади:

— Ўртоқлар, мен вақтларингизни кўп олмайман, кун тартибида атиги битта масала — путёвка тақсимоти. Ҳаммаларингизга маълумки, ўртоқлар, биз яхши дам олиш ва мириқиб ҳордиқ чиқариш учун барча имкониятларга эгамиз. Яъни, масалан, бизнинг кичкинагина муассасамиз ҳам ёз ойларига учта путёвка билан таъминланди. Энди, ўртоқлар, шу путёвкаларни чуқур масъулият ҳис қилган ҳолда тўғри тақсимлай билишимиз зарур. Хўш, ўртоқлар, энди, ишга ўтсак, яъни бевосита, путёвкалар тақсимотини бошласак. Юқорида қайд қилиб ўтганимиздек, ҳар биримиз дам олиш ҳуқуқига эгамиз. Муассасамиз хизматчиларидан беш киши ҳордиқ чиқариш истагини билдириб ариза берганлар. Аммо, афсуски, бизга теккан путёвка учтагина, талабгор эса бешта, демак, бу йилчалик иккита ўртоғимиз маҳаллий оромгоҳлар билан чекланишларига тўғри келади.

Қўчқор Эрматович олдидаги газета билан оғзини беркитиб эснади. Кейин ғаши келиб, йўталиб қўйди. Лекин унинг раъйини пайқамаган Саидов чаккасига осилиб тушган сочини бир силкиб юқорига ирғитди-да, сўзида давом этди:

— Хўш, ариза берган талабгорларни бир-бир синчиклаб, кўздан ўтказиб чиқайлик-чи, ким ҳаммадан кўра кўпроқ марказий курортларга бориб дам олишга муҳтож экан? Чинакам муҳтожларни жўнатилса оқилона иш бўлади.

«Гапни қаёққа буряпти бу маҳмадона?»— бошлиқ ўтирган жойида типирчилаб қўйди.

— Аввал, ариза берган ўртоқларнинг фамилияларини ўқиб эшиттирай. Мана улар: Аҳмадкабиров, Мирвалиев, Бўтаев, Шоисломов ва Эрма-тов.— Саидов Эрматовнинг фамилиясини жўрттага ҳижжалаб ўқиди.

Кимларнинг нафаси ичига тушиб кетди. Саидов чаккасига тушиб турган сочини қўли билан тараб, сўзида давом этди:

— Ўртоқлар, путёвкага ариза берган шахслар билан танишдингизлар. Энди чинакам муҳтожлардан чинакам муҳтож эмасларни аниқлаш масаласига ўтайлик. Хўш, биринчи талабгор — Аҳмадкабиров, тоғни урса талқон қиладиган йигитлардан. У, мисол учун курортга бориб қолгудек бўлса, қўпол қилмай айтганда, соғлиғидан ажралиб, мазаси қочиб келади. Бас, шундай экан, биз дўстлари унинг соғлиғи ҳақида қайғуриб, Аҳмадкабировнинг шу ерда қолишини ва тезроқ уйланиб олишини тавсия қилардик. Нима дедингиз, шоввоз?

Аҳмадкабиров куракдек тишларини кўрсатиб ишшайди:

— Тўғри, айтасиз!— деб дўриллаб қўйди.

— Баракалла!— Саидов худди бировни сузгандек жўрттага бош силтаб қўйди, сўнг сочини қўли билан омонатгина тўғрилаб давом этди:— Энди Мирвалиев масаласига келсак — бу кишининг курортга бориб дам олиб келишга тўла ҳақ-ҳуқуқи бор. Кекса ходимлардан, соғлиқлари ҳам мақтарли даражада эмас. Аммо битта лекини бор. Яқинда қулоғимга бир хушхабар етди. Мирвалиев қизларини узатармишлар. Муборакбод қиламиз. Қайси ота-онада бунақа орзу-умид йўқ дейсиз? Тўй устига тўй бўлсин. Шу муносабат билан Мирвалиевга битта тилагимиз бор эди, хоҳласалар қабул қиладилар, хоҳламасалар қабул қилмайдилар, хоҳламасалар ўзимизга сийлов. У ҳам бўлса шуки, Мирвалиев путёвканинг пулини қизларига битта қулинг ўргилсин сервант совға қилсалар, фарзандларининг умрбод эсидан чиқмайдиган иш қилган бўлардилар. Ё менинг гапим нотўғримми?

— Тўппа-тўғри. Яшанг,— деди Мирвалиев бидиллаб.

— Отангизга раҳмат, гапга тушунадиган одамнинг садағаси кетсанг арзийди,— деди Саидов.

У қошларини чимириб, пешанасини баттар тириштирди, куйиниб давом этди:—Навбат, ўртоқлар Бўтаевга, ҳа, ўзимизнинг Муслим акага келди.

Мажлисдагилар ғимиллаб қолишди. Ҳар ким Муслим акага бир қараб қўйишни ўз бурчидек санарди. Махсус мажлисда масаласи муҳокама қилингандан бери Муслим ака ҳамманинг диққат марказида, коллективда бамисоли бир қаҳрамондек қад кўтариб қолган эди.

— Гарчи у киши қотмароқ кўринсалар ҳам, аммо жуда соғлом, бақувват, чайир, зувалалари пишиқ,— деди Саидов.— Мен неча йиллардан бери Муслим ака билан бирга ишлаб у кишининг бирор марта тумов бўлганларини билмайман. Ошхўрликларини айтмайсизми, битта ўзлари мендек тўртта чимхўрнинг ошини ейдилар.— Саидов сўнгги зарбани берди:— Сочи тарафларда ош қаёқда дейсиз? Магазинларда нуқул одамнинг ичини шилиб кетадиган кофар совуқ лимон-апельсиндан бошқа ҳеч бало йўқ. Узимизнинг соя-салқин анҳор бўйларидаги ошхўрликка нима етсин!

Муслим ака керилиб ўрнидан турди, япасқи кўкрагини олдинга чиқариб, томоғини қириб гапирди:

— Албатта, бизга тўйимли овқат бўлмаса, бачкана таомлар чап ичагимизга юқ бўлмайди.

— Отангизга раҳмат. Демак, сиз билан ҳам келишиб олдик. Саидов борган сари авжига минарди:— Энди, ўртоқлар, Шоисломовга ўтайлик. Ким бу жонкуяр, ишчан ходимни ҳурмат қилмайди, ким бу заҳматкаш одамнинг марказий курортларга бориб дам олиб келишини истамайди! Менингча, ҳаммамиз буни чин юракдан хоҳлаймиз. Борса соғлиғини ҳам тузатиб келармиди? Ўртоғимизнинг ўқтин-ўқтин касалга чалиниб туришини ҳаммамиз биламиз. Бироқ масаланинг битта нозик томони бор. Гап шундаки, Шоисломов касалманд одам бўлса ҳам, етти жуфт қора кўзнинг падари бузруквори бўлади. Шундай экан, қандай қилиб у киши етти жуфт қора кўзни мўлтиллатиб ташлаб кетади? Болалар ичикиб касал бўлиб қолишлари мумкин. Бас, масала равшан. Яна ўзлари биладилар, бағрларини тош қилиб, жўжаларини кўзлари қийиб ташлаб кетишга журъат этолсалар, биз қаршимасмиз. Мен бўлсам курортга кетадиган пулга қишлик сабзи-пиёзимни ғамлаб қўйиб, бола-чақам билан паловхўрлик қилиб ётардим.

Болажонли Шоисломовнинг кўнгли бузилиб кетди. У кўзларида ғилт-ғилт ёш, ўтирган жойида гапирди:

— Рост айтасиз, Саидов, еттита норасидам бу ерда мўлтиллаб ўтирса-да, у ёқларда кайф қилиб юришни менга ким қўйибди? Ундан кўра еганларим тешибгина чиққани яхши эмасми? Қайтиб олдим-э аризамни!

— Гап мана бундай бўлибди! Демак, сиз билан ҳам ишни пишитдик,— руҳланиб кетган Саидов жон ҳолатда яна шох ташлади, бир тутам сочи яна пешанасига тушди.

Оёқ учида юриб Назирахон кирди. Қўчқор Эрматовичнинг қулоғига нималардир деб пичирлади.

Қўчқор Эрматович юзини буриштирди.

— Э, тавба, нуқул мажлис пайтида кирасиз-а!

— Нима қилай, ўзи нуқул мажлис пайтида келса?!

— Э, айтинг ўша мўйсафидингизга, эртага келсин,— деди чўғ устида ўтиргандек безовта Қўчқор Эрматович.

— Хўп, доим шундай деб жўнатаман!— Назирахон чиқиб кетди.

Мажлис иштирокчиларининг диққати бўлинди. Саидов стаканга графиндан сув қуйиб хўпларди. Стаканни қайтиб қўяётганида жўрттага графинга жиринглатиб уриб олди. Ҳамма унга ялт этиб қаради.

— Ниҳоят,— деди у гапини давом эттириб,— ниҳоят, бешинчи ариза берган одам Қўчқор Эрма-тович бўладилар. Бу киши иккита путёвка сўраганлар. Хўш, ўртоқлар, Эр-ма-тов ҳақиқатан ҳам курортга бориб дам олиб келишга муҳтожларми? Муҳтож эмаслар деб ҳисоблайдиганлар топилса, туриб айтсин. Гарчи у киши кўзимизга тўла кўринсалар ҳам, бу сохта тўлалик, яъни масалан, хомсемизлик. Ишнинг оғири шу кишининг зиммаларида, зеро ҳамма калтак бошлиқнинг бошида синади, бирортамиздан бир ғуноҳ ўтса, шу киши жавоб берадилар. Ҳа, идоранинг ташвиши, сизлар билмайсиз, Қўчқор Эрматовичнинг ич-ичларидан кемириб ётибди...

Саидов олифта бир ҳаракат билан чаккасидаги сочини орқага улоқтириб, узоқ сўзлаб кетди. Саидовнинг сўзлари, келтирган далиллари бошлиқни ўйлантириб қўйган эди. Дарҳақиқат, хотини билан бир йил марказий курортга бормаса, ҳар жиҳатдан ютиш мумкин экан. Ялтаю Гаграю Сочию — ҳаммасини кўрган. Ўшанга кетадиган пулга анча-мунча буюм олса бўларкан. Ортиқча чиқимдор бўлмай, болалари билан Фарғона водийсида дам олиб келиши мумкин, бу ёқда тўнғичининг тўйи ҳам яқинлашиб қолди.

— Сиз билан бизнинг йўлимиз бошқа, юкимиз енгил,— ҳамон ваъзхонлик қиларди Саидов,— аммо бутун бошли идоранинг масъулиятини, ташвишини гарданга олиб ишлаш — умрнинг эгови...

— Бундай қилсак,— Саидовнинг сўзини бўлди Қўчқор Эрматович,— путёвка тақсимоти муҳокамасини ҳозирча тўхтатсак. Маълум бўлишича, ариза берган ўртоқларда ўша ёқларга боришга етарли даражада иштиёқ ва зарурият йўқ экан. Бу масалани ҳозирча очиқ қолдириб, кейинги бир мажлисда ҳал қилсак.

Саидовнинг таажжубдан тили танглайига ёпишгандек, гапи оғзида қолди.

Мажлис тарқалгандан кейингина Саидовнинг тили калимага келди:

— Ахир... бу нима қилганингиз, ака айланай? Энди масалани пишитиб қўйганимда, ҳамма ҳаракатимни пучга чиқардингиз-ку?!

— Хомчўт қилиб кўриб, курортга бормасликка қарор қилдим. Қарасам бормаганим маъқулроқ экан, Асилхўжаевич,— деди Қўчқор Эрматович.

— Ана холос!— Саидов анграйганича бошлиғининг башарасига тикилиб қолди. Кейин ўзига келиб сўради:— Унда путёвкаларни нима қиламиз? Ҳамма воз кечди, куйиб қолмасин. Куйиб қолса янаги йилга ўйлашиб путёвка беришади бизга.

— Бу гапингиз ҳам тўғри,— Қўчқор Эрматович яна ўйланиб қолди. Бошини қашиб сўради:

— Хўш, бизга нечта путёвка ажратилган?

— Учта.

— Ўзимиз нечтамиз?

— Саккиztамиз!

— Ҳм-м...— Қўчқор Эрматовичнинг яна боши қотди, кейин чўрт кесди.— Бир амаллаб ходимлардан учтасини путёвка олишга кўндирасиз. Сизга топшириқ шу.

— Ахир, ҳозиргина...

— Гапни қисқа қилинг. Ўзингиз боятдан бери «саккиztамиз», «саккиztамиз» деб қулоқ-мияни едингиз. Наҳотки саккиzта одамдан учтасини путёвка олишга кўндиролмасангиз? Нима қилсангиз ҳам кўндирасиз! Вассалом!

Саидов турган жойида шилқ этиб стулга ўтириб қолди, бир тутам сочи яна чаккасига сочилиб тушди.

VII

Эру хотин бамайлихотир нонушта қилдилар. Қўчқор Эрматович папкасини олиб, эшикка йўналди.

— Қўчқор ака, тушдан кейин машинангизни юборинг, овсинимни кўриб келай,— деди Санобархон,— жуда уят бўлиб кетди, касалхонада ётганига икки ҳафта бўлди, бирров бориб кўриб келолмадим.

— Гап сотиб ўтирма. Тез қайт,— деб тайинлади Қўчқор Эрматович.— Шофёрга малол келмасин.

— Малол келмай ўлсин. Ҳар шофёрлар борки, хўжайиннинг имосига маҳтал. Бу кишим жуда тўра бўлиб кетганлар. Ўзингиз бўш-баёвлик қилиб, бошингизга чиқариб олгансиз.

Қўчқор Эрматов қўл силтади:

— Давлатнинг машинаси. Кўп айланиб юрма.

— Нега кўп айланарканман, фақат йўлдан бозорга кираману ул-бул олиб чиқаман.

Қўчқор Эрматович индамасдан кўчага чиқиб кетди.

Машина жойидан силжиди.

Қўчқор Эрматович жилмайди. Бундан бир неча йил илгари биринчи марта уйига машина келганида жуда шошиб қолган эди. Машинанинг сигналини эшитиши билан нонуштани ҳам чала ташлаб, пастга югуриб тушган, балконлардан қараб турган қўни-қўшнилар олдида ўзини ноқулай сезиб, орқа ўриндиққа ийманиб омонатгина ўтирган эди.

Кейинчалик эса бошқа ҳис туғилди. У ўзини давлатга жуда керак, зарур одамдек сеза бошлади, юрагида аллақандай эркаланиш мавж уриб, салобат пайдо бўлди. Бора-бора бу ҳис ҳам йўқолди, уни машина келиб олиб кетиши табиий бир таомилга айланди. Энди у шошмасдан тушиб келади, бемалол ўтириб олиб ишига жўнайди.

Қўчқор Эрматович ўйланиб қолди: тағин шу мансаб, шу қулайликдан ажраб қоладиган ишларни қилиб қўймаётганмикан? Йўқдир... Рости, бу ҳақда бош қотиргиси келмади.

У кабинетига ўта туриб йўлакда Мирвалиев билан Аҳмадкабировни учратди. Улар алланечук таҳлика билан саломлашгандек бўлдилар. Тинчликмикан? Қабулхонага кираётиб орқасига ўгирилган эди, иккала ходим унинг орқасидан қараб турганини ва алланималар деб пичирлаётганини кўрди. Юраги ғаш тортиб қабулхонага кирди.

Назирахон дик этиб туриб саломлашди. Қўлидаги қоғозни унга узатди.

— Қўчқор Эрматович, соат ўн бирга етиб борармишсиз.

Қўчқор Эрматович қоғозга кўз югуртираркан ранги қув ўчиб, овози бўғилиб чиқди:

— Суддан-ку?!

Назирахон бош силкиди.

Расмларни А. ХОЛИҚОВ чизган.

— Мен судда нима қиларканман?!— Қўчқор Эрматович ўзини йўқотиб қўйди.

— Билмадим...— Назирахон ҳеч қачон уни бундай аҳволда кўрмаган эди.— Балки, гувоҳликка чақиришгандир...

— Э, мен ҳеч қачон бировнинг орасига тушмаганман!— деди зарда билан Қўчқор Эрматович. Қўчқор Эрматович ҳатто хонасига ҳам кирмади. Соатига қаради: ўн ярим. У шоша-пиша чиқиб кетди.

VIII

Муслим ака ўрнидан туриб, ўтирганларга мўлтиллаб назар ташлади. Йўтали қистамаса ҳам томоқ қирди. Кейин кўзларини жовдиратиб, гап бошлади:

— Ўртоқлар, Сожидахоннинг гапларини ҳаммаларингиз эшитдинглар, анча таъсирли гапирдилар. Гаплари умуман тўғри. Аммо, адолат юзасидан айтиш керакки, баъзи ноаниқликларга ҳам йўл қўйдилар. Хўш аввaламбор Сожидахоннинг кимлигини, қандай аёллигини биласизларми? Билмайсизлар! Гапларига қанчалик ишониш-ишонмасликдан олдин кимлигини билиб қўйган зиён қилмайди. Мен очиқ гапираман. Хўш, Сожидахон ўзи ким, қандай одам ва аслида воқеа қандай бўлган? Сожидахонни ёмон дегани тилим бормайди, чунки у порлоқ ҳаётимизда яккам-дуккам учраб турадиган ҳуснбузарлардан эмас. Ижтимоий келиб чиқиши ҳам жойида. Ҳозирги кунда жамиятимизда эгаллаб турган ўрни бинойидек. Кўп сонли бахтиёр аёлларимиз қатори фидокорона меҳнат қилади, ишлаб туриб, олий ўқув юртларимизнинг бирида сиртдан ўқийди. Сожидахоннинг оилавий аҳволига келсак, учта паҳлавондек ўғли, иккита ойдек қизчаси, сухсурдек эри бор. Бас, бундан чиқдики, Сожидахон жуда ҳам яхши аёл экан-да, дерсизлар? Ҳа, агар битта камчилиги бўлмаганда, Сожидахон дарҳақиқат жуда яхши аёл бўларди. Қандай камчилиги бор дейсизларми? Камчилиги шуки, Сожидахон эрининг қадрига етмайди. Исбот дейсизларми? Мана бир мисол. Бирор кун йўқки, Сожидахон эрини ранжитмаган, тинчини бузмаган бўлсин. Гапи нуқул: «Вой, безбе-е-е-ет! Яна ичиб келдингми?» Эр нима дейди? Индамайди. Хотин киши билан ади-бади айтишиб ўтириш эркак одамга ярашадими? Асло ярашмайди! Эркак деган оғир бўлиши керак. Шу боисдан эр индамайди. Ёки, тунов кунги бир воқеани олайлик: қайси куни эди, ҳа, маош берган куни. Ўзларингиз биласизлар, маош кунда бераверилмайди. Ярим ойда бир берилади. Ярим ой жонни жабборга бериб ишлагандан кейин бир кун ҳордиқ чиқариш учун қиттак отилса гуноҳми? Ҳамонки, шундоқ экан, ўша куни жиндак кайф қилган эрда нима айб бор? Эри унақа ресторанларда ўтириб олиб, босим ичадиган ашаддий пиянисталардан эмас. Шунчаки йўл-йўлакай бирор хилватроқ жойларда отиб кетадиган шинавандалардан. Ўша маош берган куни ҳам шундай қилади: панароқ битта жойда икки киши яримтагинани уриб олишади. Ҳалиги айтганимиздек, ресторанга кирмайди. Закусканинг мазаси бўлмагани учун, учиб қоладигандир. Битта-яримта ариқнинг бўйидами... Шунга ҳам ота гўри-қозихонами? Ароқдан кейин яхши овқат бўлмаганига эр айбдорми? Энди, одамларга ҳайронман! Дарров бориб хотинидан суюнчи олмаса нима қиларкан? Битта чақимчи Сожидахонга бориб: «Эринг фалон жойда, балчиқда думалаб ётибди», деб етказибди. Бу шум хабарни эшитган Сожидахон ҳаллослаганича югуриб келадию, эрининг тепасида юзларини тимдалаб йиғлайди. Шовқин-сурондан ўзига келган эр кўзини очиб, хотинига қарайди. «Туринг ўрнингиздан, каттa одам кўчада думалаб ётгани уялмайсизми, қачон сизга ақл киради, ахир бешта боланинг отасисиз. Туринг, деяпман сизга. Нега кўзингизни лўқ қилиб тикиласиз менга, сурбет?!» дейди Сожидахон. Эр нима дейди? Эр шўрлик индамайди. Кўча-кўйда жанжал кўтариб, тартибни бузиб, калака бўлиш эркак одамга ярашадими? Асло ярашмайди! Эркак деган босиқ бўлиши керак. Шу боисдан эр индамайди. Мана, тағин бир мисол: йўқ, олдин менга битта нарсани айтинг, эрнинг бошига кулфат тушганда, кунига ким яраши керак? Баракалла, хотин яраши керак! Иннайкейин, яхши гап ҳам бир оғиздан чиқади, ёмон гап ҳам. Эр ҳушёрхонага тушганда, Сожидахон: «Вой, айланай сиздан, ҳушёрхонага тушсангиз нима қилибди, шунга ҳам ота гўри қозихонами?» деб қўя қолса-ку олам — гулистон. Қаёқда! «Жонга тегди ҳушёрхонага тушаверишингиз, маҳалла-кўйда, қариндош-уруғнинг олдида иснодга ўлдирдингиз-ку одамни!»—деб айюҳаннос солади. Эр ўшанда нима дейди? Эр шўрлик индамайди. Ичига ютиб кетади. Оғир кунларда ярамга малҳам бўлмадинг деб, хотинининг юзига солмайди. Чунки, эркак одамга таъна-гинахонлик ярашмайди. Шу боисдан эр индамайди. Бу ҳам ҳолва. Бир куни эр яна... Ишдан сал ширакайфроқ қайтади. Уйга келса, оқ халат кийган битта давангидек йигит ўтирганмиш. У эрини кўриши билан ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, ўрнидан сапчиб турибди-да, ечинтира солиб, орқа-ўнгини пайпаслай кетибди. Ниҳоят, «Юракни ишдан чиқарибсиз, ака, ичишни ташламасангиз чатоқ бўлади» дебди. Шундан кейин доктор эрини машинага босиб, касалхонага олиб кетибди. Эр тихирлик қилиб ўтирмабди, кетаверибди. Чунки, эркак одамга майда гап ярашмайди, шу боисдан эр индамайди. Бир ой ўтиб, эр касалхонадан қайтибди. Эсон-омон қайтганини нишонлаб, эртасига яна ичиб келибди. Ўшанда Сожидахон эрини иззат-икром билан кутиб олишнинг ўрнига шундай уввос кўтарибдики, қарғишлари ҳали ҳам эрнинг қулоғида шанғиллармиш: «Вой, дод! Ўлдирдингиз-ку мени! Ҳушёрхона қолмаса сиздан, касалхонанинг давоси кор қилмаса сизга, нима қилиш керак энди сизни?! Дарди бедавонинг дастидан дод!» Дарди бедаво... Э, узр, эр шўрлик нима дейди? Шунда эр индамайди. Шунда ҳам чидайди эр шўрлик! Хотинининг қарғишларини ютиб, киприк ҳам қоқмай, кўзларини лўқ қилиб тураверади. Чунки эркак одамда сабр-тоқат бўлиши керак. Шу боисдан эр шўрлик индамайди. Шунақа, эр шўринг қурғур тош келса кемириб, сув келса симириб, Сожидахоннинг қийноқларига чидаш беряпти. Эрнинг сабри-тоқатини кўрган ҳар бандаи мўмин ёқасини ушлаб, «Э, сен одам эмас экансан! Олтин экансан!» деб юборади. Битта эр бўлса шунчалик бўлади-да! Сожидахон бўлса эрининг қадрига етмайди. Мана, бугун шу тош бағир аёл, шу Сожидахон ўз эрининг устидан, яъни менинг устимдан сизларга арз қилиб келибди. Мен бор гапни айтдим. Энди сизлар ким ҳақ, ким ноҳақ, ўзларингиз ҳал қилинглар. Шу билан гапим тамом, ўртоқ судья!

Муслим ака хомушгина жойига ўтирди. Залда ғовур-ғувир кўтарилди.

Судья осойишталик сақлашни илтимос қилди. Сўнг гувоҳ сифатида Муслим аканинг қўшниси таклиф этилди.

Қўчқор Эрматовичнинг баттар тоқати тоқ бўлди: қани энди, тезроқ шу иш ҳал бўла қолсаю нимаси биландир одамни эзаётган шу жойдан кўчага отилса.

Муслим ака ҳам қизиқ... битта одамга эътибор шунчалик бўлади-да. Ахир неча марта ўртага тушиб, ҳушёрхонадан, милициядан қутқазиб қолишди. Тузалишнинг ўрнига кундан кунга баттар бўлди. Ўзининг қораси ўзига юқса ҳам майли эди, ҳамкасбларига доғ туширди.

Қўчқор Эрматовичнинг хаёлини судьянинг овози бузди:

— Сўз, айбланувчи ишлаб турган муассаса коллективи номидан идора раҳбари, гувоҳ Қўчқор Эрматовга.

Қўчқор Эрматович шошмасдан, бошлиқларга хос салобат билан ўрнидан турди, аммо гапни қисқа қилди. У Муслим аканинг шу аҳволга тушиб қолишига маълум бир даражада ишлаб турган муассасасидаги ҳамкасблари ҳам айбдорлигини қайд қилди. Оилавий аҳволини назарда тутиб, унга нисбатан ташкилий чора кўрилмаслигини илтимос қилди.

Шундан сўнг танаффус эълон қилиниб, суд ҳайати маслаҳатга кириб кетди.

Танаффусдан кейин суднинг ҳукми эълон қилинди. Суд Муслим Бўтаевнинг ишини атрофлича ўрганиб, у ишлаб турган муассаса илтимосини қондиришга, яъни Муслим Бўтаевни охирги марта коллектив тарбиясига топширишга ҳукм чиқарганини эълон қилди.

Ёру дўстлар Муслим акани ўраб олиб кўнгил сўрашди. Қўчқор Эрматович ҳам қатордан қолмай, энсаси қотиброқ қўлини қисди:

— Бу ёғига эҳтиёт бўласиз энди, домла!..

— Албатта... Раҳмат...— деб ғулдиради Муслим ака.

— Қани, юринг бўлмаса.— Қўчқор Эрматович уни ўз машинасига тушириб олиб кетди.

Қаёқдандир хабар топган коллектив аъзолари уларни идора эшигида кутиб олишди. Булар орасида икки ҳафтадан бери қатнайвериб, Назирахон билан қадрдон бўлиб қолган мўйсафид ҳам бор эди.

— Бўлди!— кутиб олиш маросимига чек қўйди Қўчқор Эрматович.— Қани, ичкарига, гаплашиб оладиган масалалар бор.

Коллектив аъзолари бошлиқ кабинетига йўл олдилар. Қабулхонада ўтирган мўйсафидни Назирахонга кўрсатиб гайинлади:

— Отахонга чой қуйиб беринг. Бугун мажлис бор, эртага гаплашамиз.



ТОШ БИНОЛАР УСТАСИ

Ёшлигимда Нуротанинг тоғ қишлоқларида тош ва ёғочдан уй қурувчи уста Бозит тўғрисида кўп ривоятлар эшитиб юрардим. Вақти келиб, ўзим ҳам меъмор бўлиб етишдим ва халқимизнинг тоғли районларда уй-жой қуриш услуби тўғрисида илмий иш олиб бормоқдаман. Меъморчилик ёдгорликлари фақат қадимий шаҳарлардагина бўлмай, балки тоғлар бағрида яширинган қишлоқларда ҳам кўп. Булар асосан турар жой, мачит ва меҳмонхоналардан иборат бўлиб, оддий кишиларнинг қалб ҳарорати, пешана тери ва қадоқ қўллари билан бунёд этилгандир. Маиший бинолар қуриш услубига доир маълумот тўплаш мақсадида уста Бозитни излаб, Синтаб қишлоғига бордим. Афсуски, Бозит Авазмурод ўғли етмиш беш ёшида 1957 йили оламдан ўтган экан. Аммо унинг панжалари из қолдирган тош иншоотлар бинокорни ҳамон улуғлаб турибди.

Уста Бозитга бу касб отамерос бўлса ҳам, лекин меъморчиликнинг нозик сирларини у мустақил ўрганади. Чунки Авазмурод бобо ўғлига теша ушлашни энди ўргатаман деб юрганда қазо қилади.

Уста Бозит ижодининг ўзига хос жиҳатлари бор. Меъмор асосан турар жой ва бошқа маиший бинолар қурган. У бобокалонларимизнинг меросини синчиклаб ўрганаркан, ўзи янгилик яратишга ҳаракат қилади, иморатлар композициясининг мукаммал бўлишига, кабза усулида ишланган уйларнинг устун, дарча, дарвозаларида жимжима нақшлар ўйишга, мураккаб геометрик чизиқлар ҳосил қилишга эришади. Занжила ва сарбухори услубидаги кесмалар уста Бозит ижодининг энг кўркам намуналаридир. Уста уй қурганда бўлажак бино ўрнини ғоят пухталик билан ўрганганини аниқладик. У албатта тоғли районларда тез-тез бўлиб турадиган зилзила, жала, бўрон ва қор кўчкиларини доим ҳисобга олган.

Уста Бозит истиқомат уйларини тоғ ён бағирларига жойлаштиришда жуда моҳирлик кўрсатган. У жойнинг нотекислигидан фойдаланиб, уйларнинг орқа деворларини тоғ ҳисобига қуриш билан материал тежаган бўлса, ҳовлини эса пастроққа қурилган отхона, молхона, омбор каби биноларнинг томи ҳисобига кенгайтиради. Маълумки, ҳанузгача бундай бинокорлик Қрим ва Кавказга хос дейилган фикр илгари сурилган эди. Аммо Самарқанд ва Сирдарё областларининг Синтаб, Можор, Жўш, Фориш, Накрут, Гараша каби тоғли қишлоқлар меъморчилигини ўрганишнинг

Берунийнинг 1000 йиллигига

ДАРВИНДАН ТЎҚҚИЗ ЮЗ ЙИЛ АВВАЛ...

Абу Райҳон Берунийнинг ҳаёти оғир замонларда кечди. Олим иқтисодий жиҳатдан ҳам баъзан ғоят қийналарди. У «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» китобида Рай шаҳридаги бир мунажжим билан қилган мунозараси ҳақида: «Мазкур киши мени менсимай, такаббурлик қилди, асли ҳамма нарсада унинг билим даражаси мендан паст эди. У сўзимни ёлғонга чиқарди, мени ҳақорат қилди... Ваҳоланки, орамизда фақат бойлик ортиқчалиги ва мақтовларни ёмонликка, фахрни айбга айлантирувчи камбағаллик бор эди, холос. Чунки мен у вақтда ҳамма томондан қийинчиликка учраб, паришонҳол эдим», деб ёзади.

Беруний таъқиб, қувғин ва дарбадарликда ҳам, Маҳмуд Ғазнавий каби султонларнинг «фахрли асири» бўлиб яшаган пайтларида ҳам бутун куч-қуввати, ақл-заковатини халққа, илмга бағишлади. Ўзидан аввал ўтган ватандош олимларимиз, юнон, араб, ҳинд ва бошқа халқларнинг мутафаккирлари яратган илмий ва маданий бойликларни чуқур ўрганди. Ўзигача ижод қилган олимларнинг фикрларига илмий ва танқидий нуқтаи назардан ёндашиб, илм-фанни янада бойитди.

Унинг табиат ва табиат ҳодисалари ҳақидаги жуда кўп хулосалари материализм заминида эканини кўрамиз. Қомусчи олим «Ҳиндистон» асарида: «Материя аниқлик либосини кийиб, муайян нарса шаклида кўринади. Шундай қилиб, ўзидан аниқ нарсаларни вужудга келтириб туради. Вужудга келтириш, борлиқ ўзгаришда ва тараққиётдадир. Табиатнинг кучи ҳам шунда», дейди. Унинг қуйидаги сўзлари янада эътиборга лойиқдир: «Ҳамма ҳаракатлар материядан келиб чиқади. Нарсаларнинг шаклини материянинг ўзи ўзгартириб туради, демак, мана шу материя яратувчи (фоила)дир». Берунийнинг табиатга муносабати ҳақида атоқли шарқшунос М. Салье ҳаққоний фикр юритиб: «Чет элларда ёзилган кўп асарларда Абу Райҳон, аксинча, жуда диндор киши эди, деб даъво қилинади. Бу фикр ҳеч қандай асосга эга эмас. У олимизнинг дунёқарашига тамомила зиддир. Беруний асарларида кўп учрайдиган худо мадҳига бағишланган сатрлар ҳам фикримизни рад қила олмайди. Қотиб қолган анъана ана шундай мадҳияларни талаб этар эди. Бундан ташқари, Беруний фикр-хоҳишлари хилма-хил бўлган ҳомийларининг қарашлари билан ҳисоблашмай иложи йўқ эди», деб эслатиб ўтади.

Беруний «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида: «На инжиллар ва пайғамбарлар орасида биронта ҳам ишончлиси йўқ», деб ёзади. Бундай жасоратли сўзларни изоҳлашнинг ҳожати бўлмаса керак.

Қомусчининг табиат ҳодисаларини, шунингдек, жамият тарихини ўрганиш методи айниқса характерлидир. Бу борада академик В. Зоҳидовнинг «Ўрта аср фалсафасининг буюк паҳлавони» мақоласидаги қуйидаги мулоҳазаларини эслатиб ўтиш жоиздир: «Объектив нуқтаи назардан қараганда, қандай ва қайси шаклда бўлмасин, Берунийнинг айтган фикрлари дин, идеализм позициясини, уларнинг обрўларини кўп масалаларда таг-туби билан қўпориб ташлайди.

Берунийнинг катта хизматларидан бири шундан иборатки, у ўзигача шу соҳада бўлган кўпгина ютуқларни умумлаштириб, табиатни ўрганиш ва билиш методини ишлаб чиқди».

Ана шу принциплардан баъзиларига эътиборингизни жалб қиламиз: а) онгни турли бидъатлардан, ғаразли мақсадлардан, субъектив фикрлардан тозалаш; б) табиат ҳодисаларини тушунтирганда, табиатнинг ўзига асосланиш ва унинг ўзида бўлган қонуният, факт ва тажрибаларга асосланиш; в) предметни ўрганишни ана шу предметни ташкил этиб турган унсурларни ўрганишдан бошлаш; г) сезги аъзоларидан фойдаланган ҳолда дедукциядан қўлланма сифатида фойдаланиш; д) предметни ўрганган пайтда фикр юритиш; е) бир маълумотни, фикрни, афсонани иккинчилари билан чоғиштириш, таққослаш ва улардан энг ишончлисини, яъни табиатда мавжуд бўлган қонунлар ва тартиблар йўл қўядиганини қабул қилиш; ж) узоқ ўтмишга оид ҳодисалар тарихини ўрганиш...

Беруний меросини тарихий нуқтаи назардан ўрганиш ҳозирги пайтда ҳам ғоят катта аҳамиятга эга.

Маълумки, ирсия, муҳит ва ўзгарувчанлик ҳозирги замон фанининг актуал масалаларидан ҳисобланади. Бу хусусда Беруний айтган тубандаги сўзлар диққатга сазовордир: «Одамларнинг ранг, қиёфа, табиат ва ахлоқда турлича бўлиши фақат насабларнинг турличалигидан эмас, балки тупроқ, сув, ҳаво ва ернинг (одам яшайдиган жойларининг) турличалигидан ҳамдир. Тилларнинг турлича бўлишига сабаб, одамларнинг гуруҳларга ажралиб кетиши, бир-биридан узоқ туриши, уларнинг ҳар бирида турли хоҳишларни ифодалаш учун зарур бўлган сўзларга эҳтиёж туғилишидир».

Беруний ўсимлик ва ҳайвонларда камдан-кам учрайдиган ва «табиат хатоси», деб аталадиган ҳодисаларнинг сабабини миқдорий ўзгаришларнинг сифати орқали изоҳлайди. Унинг табиий танланиш ва кўпайиш ҳақидаги мулоҳазалари ҳам аҳамиятга моликдир. Олим «Ҳиндистон» асарида бундай ёзади: «Насл қолдириш билан дунё тўлиб бораверади... Агарда ўсимликлардан ёки жониворлардан бирор хилининг ўсишига шароит бўлмай, ўсишдан тўхтаса ҳам, бошқаларида бу ҳол бўлавермайди... Унинг ўзи йўқолса ҳам, у ўз ўхшашини қолдириб кетади... Агар Ер юзини бир хил дарахт ёки бир хил ҳайвон бутунлай қоплаб олса, бу ҳолда ҳайвоннинг кўпайишига ҳам, дарахтнинг ўсишига ҳам ўрин қолмасди. Шу сабабдан деҳқонлар экинларини ўтоқ қилиб, кераксизини юлиб ташлашади, боғбонлар ҳам дарахтларнинг яроқсизларини кесиб ташлайди. Асаларилар ҳам ўз жинсидан бўла туриб, ишламай қувадаги асални бекорга еб ётадиганларини ўлдириб юборади.

Табиат ҳам худди мана шундай иш қилади. Лекин табиат яхшини ёмондан айирмасдан, ҳаммасига бир хил таъсир қилиши орқасида дарахт баргларини тўкиб, мевасини бузиб, мева қилишдан қолдириб қуритади. Дунё ҳам шунга ўхшашдир...» Бу сўзларда олим ўсимликлар, ҳашаротлар ва ҳайвонларнинг яшаш ва насл қолдириш учун курашларини тўғри қайд қилади, ҳаракат ва қарши ҳаракат орасидаги интилиш, кураш, табиатга мослашиш масалалари тўғрисида муфассал фикр юритади. Бу нарса кейинчалик машҳур табиатшунос олим Чарльз Дарвиннинг табиий танланиш ҳақидаги таълимотида тамомила тасдиқланган маълумдир.

Улуғ донишманд Берунийнинг билим доираси ғоят кенг бўлиб, ушбу кичик мақолада унинг ирсият, муҳит, табиий танланиш ҳақидаги мулоҳазаларидан фақат айрим намуналарнигина келтирдик.

Беруний даври билан бизнинг замонамизни қарийб минг йиллик тарих ажратиб туришига қарамай, ғениал сиймонинг, айниқса, табиат, физика, математика, астрономия, география, геология, минералогия, геодезия, доришунослик каби кўплаб фанларга доир жуда кўп фикрлари ҳалигача ўз аҳамиятини йўқотмаганлигининг ўзи ҳам ҳар қанча мақтовлардан баланд туради. Академик С. Толстов: «Беруний, ўзидан олдин ўтган буюк ватандоши Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий сингари, ўзбек маданиятининг классиги, ўзбек фанининг яратувчиси, Ўзбекистонда етишган ўрта аср олимларининг энг буюкларидандир», деб фахр билан таъкидлайди. Бугунги кунда эса ғениал бобокалонимиз Абу Райҳон Берунийнинг дурдона асарлари фақат ўзбек халқининггина эмас, балки барча совет кишилари, бутун тараққийпарвар инсониятнинг бебаҳо мулки бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам жаҳоннинг барча соф ниятли кишилари буюк фан даҳосининг яқинлашиб келаётган минг йиллик тўйини зўр қаноат ва мамнуният билан нишонлайдилар.

Тошпўлат УСМОНОВ

ўзиёқ тоғ бинокорлигининг мураккаб намуналари Урта Осиёга ҳам хос эканлигини тасдиқлайди.

Тош уй устаси Бозит қурган бир турар жой комплексини ўрганиб, тасвирини суратга туширдик. Ҳовли саҳнининг тўрида орқаси тоғ ёнбағрига тақалган уй — ётоқхона, сўл томонида тандир ва ошхона, ўнг томонда дарвоза ва болохона, меҳмонхона, пасти эса омбор. Ўртада молхона, унинг томи ҳовли саҳни билан туташиб кетган. Молхонага тепадаги зинапоядан тушилади. Молхона дарвозаси кўча ёққа очилади, унинг чап томонида ем-хашак омбори бор. Уйларнинг бари тошдан қурилган, томлари ясси, шамол кўтариб кетишидан сақлашга мослашган. Ёз фаслида овқатланиш, ухлаш ва тоғ манзараларидан баҳра олиб ўтириш учун ҳам шу томдан фойдаланилади. Яна бир хил биноларни уста Бозит ярим доира шаклида тошдан қурган бўлиб, айвонни балкон сингари олд томонга жойлаштирган. Ҳар бир хонадондан назар ташласангиз, атроф манзарасини бемалол томоша қиласиз. Бу услуб хоналарнинг торлигини сира билинтирмайди. Айвондан узоқ-узоқларга қараган кишининг кўзига кенг олам кўриниб туради. Уста Синтаб кўрғонидаги иккита мачитни қадимги меъморчиликнинг намунаси қабилида таъмир қилган. Шифтларига рангдор безак берган, устунларига нақш ўйган. У Ғаллаорол, Фориш, Нурота ва Сирдарё районларида бир неча мактаб, колхоз ва совхоз идоралари биноларини қурган. «Социализм» совхозининг правление биноси уста меъморчилигининг энг сўнгги намунаси бўлиб қолган. У қариган чоғларида кўпинча Алишер Навоийнинг ушбу байтини хиргойи қилиб юрганини айтадилар:

Ҳунарни асрабон неткумдир охир,
Олиб тупроққаму кетгумдир охир.



Уста Бозит қурган тош бино реконструкцияси.

Уста Бозит қурган тош уйларни ўз кўзим билан кўрдим ва ўргандим, унинг тўғрисидаги маълумотларни эса акаси Мулло Оқим бобо ва ўғли уста Мирзоқулдан ҳамда шогирдлари уста Шер, уста Пирназар, уста Эрмаҳаммад, уста Фаридлардан сўраб билдим.

Тоғ меъморчилиги тажрибаларини ўрганиш архитектурамиз олдида турган вазифалардан биридир.

Д. НОЗИЛОВ,
Самарқанд Давлат меъморчилик ва қурилиш институтининг илмий ходими.

УЛКАН

Алишер Навоий танланган асарларининг рус тилида 10 жилдда нашр этилиши[1] мамлакатимиз адабий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Бу нашр гениал шоир, ўзбек адабиёти ҳамда адабий тилининг асосчиси — Навоий адабий меросининг биринчи марта рус тилида жиддий тартибга солинган гўзал намуналаридир. Жилдларга шоирнинг рус тилига илгари таржима қилинган, лекин кейинчалик ўша таржимонларнинг ўзлари томонидан қайта кўриб чиқилган асарлари билан бир қаторда, илк марта таржима қилинган асарлари ҳам киритилган.

«Танланган асарлар»нинг дастлабки икки жилдидан Навоий адабий меросининг деярли учдан бир қисмини ташкил этган лирикаси ўрин олган. Тўрт девонни ўзида жамлаган «Хазойин ул-маоний»—XV асрнинг лирик эпопеясидир. «Гаройиб ус-сиғар», «Наводир уш-шабоб», «Бадойи ул-васат», «Фавоийд ул-кибар» девонларида жамланган, мавзу жиҳатидан ғоят ранг-баранг, теран мазмунли лирик асарларда ахлоқ-одоб, социал-иқтисодий ҳамда фалсафий муаммолар қаламга олинади, инсон эркинлиги, дунёвий муҳаббат ва бахт куйланади, меҳнат ва тафаккур, дўстлик ва инсонпарварлик улуғланади.

Булар орасида сатирик мисралар ҳам учрайдики, улар буюк гуманистнинг ҳуқуқсизлик, зулм ва риёкорликка қарши билдирган норозиликларидир.

Навоий Шарқ классик шеъриятининг 17 жанрида қалам тебратган. Булар — ғазал, қасида, мусаддас, мусамман, қитъа, рубоий, соқийнома, таърих, фард, муаммо, таржеъбанд кабилардир.

Тузувчилар дастлабки икки жилдга бу жанрларнинг барчасидан намуналар киритганлар.

Дастлабки икки жилддан ўрин олган шеърларнинг таржимаси тўғрисида фикр юритиш жуда мушкул, аввало, шунинг учун мушкулки, Навоий лирикасининг таржимаси устида қобилияти, услуби ва ниҳоят, савияси хилма-хил бўлган 38 таржимон иш олиб борган. Таржимонларнинг бу қадар кўплиги кишини афсуслантиради. Чунки тажрибадан шу нарса маълумки, бирор асарнинг таржимони, ҳар қанча истеъдодли бўлса ҳам, таржима қилинаётган асарга ҳамма вақт ўз «улуши»ни қўшади. Бир шоирга 38 таржимоннинг қўшган «улуши» кўплик қилади, албатта. Булар орасида аслидан қилинган таржималар ҳам бор, лекин кўпчилик шеърлар сўзма-сўз таржима ёрдамида ағдарилган. Бизнингча, дастлабки икки жилдда уч таржимон: Н. Лебедев, С. Иванов ва Вс. Рождественскийларнинг таржималари анча жозибали чиққан.

Юқорида номлари зикр этилган таржимонлар мисолида шунга қаноат ҳосил қилиш мумкинки, оригинал тилини, ўзбек адабиёти тарихини, шоир яшаган даврни билиш ҳамда таржимонларнинг шоирлик қобилияти — Навоий лирикасининг теран мазмуни, гўзаллиги ва самимийлигини сақлаб қолишга ёрдам берган. Бошқа таржимонлар ҳам, хусусан, Вера Звягинцева, Лев Пеньковский кабилар ўз ишларига етарли масъулият билан қараганлар ва Навоий ғазалларини анча яхши таржима қила олганлар. Ҳар икки китобда ҳам Навоий лирикасидаги мислсиз мусиқийлик, романтика, эҳтирос, чуқур фалсафийлик яхши сақланган таржималар анча. Айниқса, Шарқ адабиёти, Навоий даври адабиёти, Навоий ижоди билимдонларининг таржималари ҳар жиҳатдан яхши чиққан. Улар тасвирланаётган воқеа-ҳолатнинг энг аниқ белгисини топа олганлар, сезилмас хусусиятларни илғаб, фикрнинг изчиллигини сақлаганлар — бадиий яхлитликка эришганлар.

«Танланган асарлар»га «Хамса»нинг барча достонлари киритилган. «Ҳайрат ул-аброр»да шоирнинг эстетик, гуманистик, фалсафий ва ижтимоий қарашлари акс этган. Бу қарашлар кейинги достонларда ривожлантирилади.

«Ҳайрат ул-аброр» Алишер Навоий даври ижтимоий ҳаётининг кўпчилик муҳим томонларини кенг акс эттиргани учун ҳам таржимонни жуда қийнаб қўяди, — у жуда кўп муаммоларни ҳисобга олиши лозим бўлади. Таржимондан ислом фалсафаси таъсиридан қутулмаган, лекин кишиларга ишонган Навоийнинг қарашларини ҳам, тафаккур ва тараққиёт куйчиси—шоирнинг фикрларини ҳам фаҳмлаб олиш талаб қилинади. Асарнинг ҳар бир боби кўпинча рамзли масал, шунингдек, халқ оғзаки ижодидан олинган афсоналар ва ҳикоятлар билан тугайди. Достонда ўткир сатирик ўринлар борки, улар асосида маълум даражада аниқ фактлар ётади.

Бизнингча, бу ерда таржимоннинг муваффақияти Навоий ижодини яхши билган мутахассисларнинг берган ёрдамига — Навоий даврини ҳам, унинг дунёқарашини ҳам, бадиий ижодини ҳам чуқур билган мутахассислар томонидан қилинган сўзма-сўз таржимага кўп жиҳатдан боғлиқ. Таржимада уларнинг ёрдами жуда қимматлидир.

Қадимги афсона асосида ёзилган, муҳаббат мавзуига бағишланган «Фарҳод ва Ширин» достони «Хамса»дагина эмас, балки бутун Навоий ижодида алоҳида ўрин тутади. Унда шоирнинг қадимги адабий анъанага муносабати, фақат шоирнинг эмас, шунингдек, адабиёт тарихчисининг Фарҳод ҳақидаги қадимги қиссаларга бўлган муносабати ҳам яққол кўзга ташланади. Таржибали ва истеъдодли таржимон Л. Пеньковский бу асарнинг таржимасига жуда катта масъулият билан ёндашган. У илгари ҳам «Фарҳод ва Ширин» достонини таржима қилган эди. Таржиманинг бу вариантида унинг янги изланишлари, Алишер Навоий фикрлари ва туйғуларини янада чуқурроқ ва шоирона беришга интилиши каби ҳодисалар қувончлидир.

Таниқли таржимон С. Липкиннинг «Лайли ва Мажнун» достони (V том) таржимаси ҳам диққатга сазовор. Навоий бу достонда ўзбек тилида ва умуман туркий тиллар тарихида биринчи бўлиб мураккаб эпик образлар яратди. Липкин — қобилиятли шоир. Лекин «Лайли ва Мажнун» достонининг рус тилида юксак поэтик асар эканлигини намоён этиш учун таржимоннинг бошқа хислатлари ҳам кўл келган. Муҳими шуки, бу ўринда Семён Липкин Навоий даври адабий жараёни моҳиятини яхши англаган, эстетик тенденция ва конкрет адабий муҳитни тўғри тушунган. Таржимон Навоий маҳоратининг мислсиз ва баркамоллигини ўқувчига сездираман, достон мазмунини аниқ, ўзига хос равишда бераман, деб гоҳо оригиналдан сал узоқлашган.

Дастлаб 1948 йилда рус тилига ағдарилган «Сабъаи сайёра» достонининг таржимаси ҳақида ҳам юқоридаги каби фикрларни айтиш мумкин.

[1] Алишер Навои. Сочинения в десяти томах, изд-во «Фан», Ташкент, 1968—1970 гг.

Тадқиқот, кашфиёт, ахборот

Бобир ғазалларининг ўзбекчалаштирилган нашрлари ҳақида

Рашиддин Ватвотнинг «Ҳадойиқ ус-сеҳр», Шамсиддин Муҳаммад ар-Розийнинг «Алмуъжам фи маойири ашъор ил-ажам», Хожа Насриддин Тусийнинг «Меъёр ул-ашъор» асарлари ўрта аср Шарқ адабиётидаги аруз назариясининг тараққиётида муҳим ўрин тутади. Уша даврга келиб, бизнинг адабиётимизда ҳам кўп асрлик ўзбек шеъриятини араб, форс арузи тажрибалари асосида чуқур ўрганиш, унинг қонун-қоидаларини ўзида мужассамлантирган мукаммал асар яратиш зарур эҳтиёжлардан бирига айланган эди. Чунки шеъриятимизга аруз кириб келгандан буён бир неча асрлар ўтган бўлсада, унинг тушунча, мафҳумлари ҳали системалаштирилмаган, миллий тусга эга эмас эди. Бу масъулиятли вазифани буюк Навоий ўз зиммасига олди. У биринчи бўлиб ўзбек арузи назариясига доир «Мезон ул-авзон» асарини яратди. Бу асар ўзбек миллий арузининг тараққиётида катта воқеа бўлди.

«Мезон ул-авзон»дан сўнг ўзбек арузи ҳақидаги иккинчи мукаммал асар —«Мухтасар» рисоласидир. Бу рисола ўзбек халқининг гениал фарзанди, гўзал лирик шеърлар, «Бобирнома», «Мусиқий илми», «Ҳарб иши» каби қатор қимматли асарлар ижодкори, шоир ва олим, саркарда ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобир қаламига мансубдир[1].

Профессор Н. Маллаевнинг «Ўзбек адабиёти тарихи» китобида бу асар «Муфассал» номи билан эслатилади. Рисоланинг номи аслида «Мухтасар» эканлиги тўғрисида қўлёзманинг икки жойида сўз юритилган: «Шеър аҳли орасида шойиъ вазнларда устоддин оз ашъор келтурулгай, то бу «Мухтасар» бу васила била фусаҳо назарига манзур ва шуъаро тилига мазкур бўлғай...», «...Чун бу «Мухтасар» сафарда баёзга борди, ул муносиб била мусофир масойилини битилди». Асарнинг ёзилган йили ҳақида ҳеч бир манбада маълумот учрамайди. Асарнинг ўзида келтирилган тарихий парчалар унинг яратилган йилини аниқлашга имкон беради: «Аруз итмомидин икки-уч йил сўнг, Ҳиндистон фатҳининг сўнгғи йили, Санбал сариға борур фурсатта бир мутаталвал байт ўн олти рукн била айтилиб эрди».

Юқорида келтирилган парча «Бобирнома»нинг 1525—1526 йиллар воқеаларида эслатилган. Демак, Бобир «Мухтасар»ни 1521—1522 йилларда ёзиб тугатган, деб тахмин қилиш мумкин. Қўлёзманинг хотимасида келтирилган парча ҳам тахминимизни тасдиқлайди: «Таърих тўққуз юз йигирма саккизда мен даги имом Абу Ҳанифа мазҳабида тенгри тавфиқи била бир фиққе назм қилдим. Мубайинға мавсум». Асарда Бобирнинг 1521—1522 йиллардан сўнг яратган шеърларининг учраши эса, муаллиф томонидан китобга кейинчалик ҳам қўшимча ва тўлдиришлар киритилганлигидан далолат беради.

«Мухтасар»нинг Париж қўлёзмасини котиб Муҳаммад Самарқандий 1561 йилнинг июнь ойида Самарқанд шаҳрида кўчирган. Йирик настаълик хатида кўчирилган бу қўлёзма яхши сақланган. 172 варақдан иборат.

Бобирда ёшлигиданоқ шеърга ҳавас уйғонган эди. Узоқ давом этган самарали ижод ва изланишлар нати-

[1] 1968 йили профессор Ҳамид Сулаймон Англия ва Францияга қилган илмий сафари пайтида Париж Миллий кутубхонасида сақланаётган «Мухтасар» қўлёзмасининг ягона нусхаси билан танишди ва унинг микрофильмини Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи фондига олиб келди.— С. Ҳ.

ВОҚЕА

Навоий гулшани

Ҳозирги таҳрирда таржиманинг кам-кўстлари анча тузатилган. Лекин достоннинг кириш қисми — Оллоҳ ва Муҳаммад пайғамбар шаънига айтилган ҳамд ва наътларнинг қисқартирилгани таассуфлидир. Ахир, биз Навоий дунёқараши, гарчи ортодоксаль ислом қарашларидан фарқ қилса ҳам, ўз моҳияти билан диний эканини инкор эта олмаймиз-ку! Бизнингча, анъанавий муқаддима шоирга ва унинг асарига нисбатан муносабатимизни ёмонлаштирмас, аксинча, аслидаги каби, анъанавий халқ ривоятларига мансуб, ўзига хос тусни берган бўлур эди. Тузувчилар ва муҳаррирлар ўзларининг қандайдир мулоҳазаларига амал қилган бўлишлари мумкин, албатта. Навоий достонидаги боблар сарлавҳалари орқали (достонда етти боб — етти бўлим, ўзига хос етти ҳикоя бор) мазкур боблар моҳиятини кенг очади, ҳар бир бобда гап нималар ҳақида кетишини тушунтиради. Бу, фикримизча, муҳим аҳамиятга эга. Таржимада эса бобларнинг қисқача сарлавҳаларигина берилган.

Алишер Навоийнинг биринчи марта ўзбек тилидан рус тилига С. Иванов ағдарган «Лисон ут-тайр» достони таржимасида (VIII том) бобларнинг бундай узун сарлавҳалари сақлаб қолинган. Бу билан таржимон бизга асар мазмунини, шоир фикрларини яхшироқ англатади, оригиналнинг тасвир усулларини айнан беришга ҳаракат қилади ва муваффақият қозонади. Таржимоннинг шеърий нутқ устаси бўлишигина эмас, шунингдек, унинг оригиналда тасвирланган барча воқеаларни яхши идрок этиши ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. «Лисон ут-тайр» таржимасида таржимоннинг матнни теран тушунгани ва таҳлил қила олгани яққол сезилиб туради. Иванов оригинални китобхонга рус тилида етказиш учун зарур воситаларни, эквивалентларни, сўзларни қидириб топади. Бу борада ҳам таржимонга, аввало, унинг Алишер Навоий дунёқараши, тили ва услубининг ўзига хос хусусиятларини чуқур билиши ёрдам берган.

Маълумки, «Мажолис ун-нафоис»— Навоий давридаги маданий ҳаёт, адабий йўналишлар ва шеърий тафаккур тараққиёти обидасидир. Бу асар Навоийнинг адабий-танқидий ва эстетик қарашлари, бадиий ижодга муносабати ҳақида кенг маълумот берувчи ўзбек тилидаги биринчи тазкирадир. Ундаги Навоийга замондош ва аввал ўтган шоирлар, ўша даврдаги асосий адабий доиралар ҳақидаги маълумотлар диққатга лойиқдир. Тазкирада Навоийга замондош бўлган ва ундан сал олдин ўтган 459 шоир ҳақида маълумот берилади. Бу асар ўша давр илмий прозасининг намунаси бўлиши билан бирга, айни вақтда у гўзал бадиий проза, ўзига хос мемуар тазкирадир. «Мажолис ун-нафоис» форс тилига уч марта (икки марта Навоийнинг ҳаётлигида) таржима қилинган. Бу нашр эса унинг рус тилидаги илк таржимасидир.

Жаҳон адабиёти ёдгорликларини таржима қилишнинг турли шакл ва усуллари мавжуд. Биз бу таржимага ҳам илмий, ҳам адабий таржима деб баҳо беришимиз мумкин. Мураккаб иборалар, жумлалар тузилиши, бирикмалар — барчаси оригиналдаги каби аниқ ва образли чиққан. Суйима Ғаниева, энг муҳими ўзига хос услубий яхлитликка эга бўлган ҳар бир воқеанинг руҳини айнан беришга, оригиналнинг образлилигини, услубини сақлаб қолишга интилган.

Ниҳоят, «Танланган асарлар»нинг X жилдига Алишер Навоийнинг иккита асари: «Махбуб ул-қулуб» (А. Рўстамов таржимасида) ва (Мухокамат ул-луғатайн» (Малехова таржимасида) киритилган. Ҳар иккала асарни шарқшунос мутахассислар аслидан биринчи марта таржима қилганлар.

Фалсафий-дидактик асар—«Маҳбуб ул-қулуб» муаллифнинг фикрича, социал-сиёсий масалаларда, шунингдек, ахлоқ масалаларида дастурдир. Навоий унда аҳолининг турли табақаларини таърифлайди, ўзининг ахлоқий-эстетик қарашларини баён этади ва насиҳатомуз маслаҳатлар беради. Бироқ у фақат ахлоқий-фалсафий асаргина эмас, унда фан, санъат, маориф, адабиёт масалаларига ҳам кенг ўрин берилган. Навоий «Маҳбуб ул-қулуб»да портретлар ва характерлар яратади, сатира ва юмор воситаларидан, контраст таққослашлардан истифода этади.

Алишер Навоий бу асарида ўзбек халқ эртаклари ва достонларининг насрий қисмига хос бўлган саж — қофияли насрдан фойдаланган.

А. Рустамов—тарих ва адабиётнинг билимдони ҳамда истеъдодли таржимондир. Бироқ қофияли насрдаги оригинални рус тилига ҳам қофияли насрда — ғоят қийин ва мураккаб шаклда таржима қилиш натижасида рус тили жумла тузилиши қонунларига мувофиқ бўлмаган сўз бирикмалари ҳам тез-тез кўзга ташланади. Таржимон матндаги баъзи жумлаларни қофиялашдан воз кечган ёки қофиялай олмаган жойларда матн анча қизиқарли ва оригинал руҳига мос чиққан.

«Муҳокамат ул-луғатайн» ҳам ўнинчи жилдга киритилган. Бу асар ўзбек адабий тили грамматик тузилишининг такомилига, луғат хазинасининг бойишига беқиёс таъсир кўрсатган илмий адабиёт намунасидир. Алишер Навоий бу асарида ўзининг улкан адабиётшунос ва юксак илмий-бадиий фикрларни ўзбек тилида ифодалаш имконияти мавжудлигини исбот қилган буюк тилшунос олим эканлигини намойиш этган. Асарни, юқорида айтганимиздек, қобилиятли туркшунос Малехова оригиналдан виждонан, гениал шоир ижодига катта меҳр-муҳаббат билан таржима қилган.

«Танланган асарлар»нинг ҳар бир жилдида бирор адабиётшунос олимнинг асарни мароқли шарҳлаган, таҳлил этган ва тушунтирган, шунингдек, асар яратилган даврни кенг таърифлаган сўнгги сўзи берилган.

Алишер Навоий «Танланган асарлари» 10 жилдлигининг рус тилида нашр этилиши гениал ўзбек шоирининг ўлмас асарлари билан Совет Иттифоқининг кенг китобхонлари оммасини таништиришда жуда улкан тарихий аҳамиятга моликдир.

Н. ВЛАДИМИРОВА,
филология фанлари кандидати

жасида унинг аруз назариясига оид мулоҳаза ва фикрлари камолга етди. Бобир адабиёт назарияси борасида чуқур илмий-тадқиқот олиб бориб, араб ва форс арузларини ўзбек арузи билан қиёсий ўрганди. Алишер Навоийнинг «Мезон ул-авзон», Насриддин Тусийнинг «Меъёр ул-ашъор», Мир Атоулло Машҳадийнинг «Бадойиъ ус-санойиъ», Сайфий Бухорийнинг «Аруз рисоласи» ва аруз илми ҳақидаги бошқа рисолалар билан атрофлича танишди. Уларга Бобирнинг танқидий ёндашуви ва берган баҳолари бизга «Бобирнома»дан маълум.

Бобир ўзининг ана шу изланиш ва тадқиқотлари натижаси бўлмиш «Мухтасар» рисоласида арузнинг янги 248 вазнини аниқлади. Шунингдек, жузв ҳақида янги фикрни илгари сурди: фосилаи суғро — бир сабаби сақийл ва бир сабаби хафифдан, фосилаи кубро — бир сабаби сақийл ва бир ватади мажмуъдан, фосилаи узмо — икки сабаби сақийл ва бир хафифдан таркиб топган экан, фосила жузвининг рукнлар ясашда ҳожати йўқдир, демак, жузвларни иккига, уларнинг ҳар бирини эса уч навга ажратиш керак, деган илмий хулосага келди.

Бобирнинг бу фикри туфайли фосила бошқа жузвлар таркибидан иборат эканлиги, унинг аруз учун хизмати йўқлиги маълум бўлди. Натижада, аруз назариясида жузв иккига: сабаб ва ватадга, уларнинг ҳар бири эса уч навга: биринчиси — хафиф, сақийл, мутавасатга; иккинчиси — мажмуъ, мафруқ, касратга бўлиниши ҳақидаги янги қонуният юзага келди.

Бобир аруз илмида ҳали номаълум бўлган зиҳофларни излаб топди ва аруз системасидаги зиҳофлар сонини қирқ тўртга етказди. У тақтиъ бобида ўзбек тили фонетик қонун-қоидалари асосида «Мезон ул-авзон»да ишлаб чиқилган ўзбек арузи қонуниятларини системага солиб, мукаммал баён этган бўлса, доиралар борасида баъзи баҳрлар орасидаги ўхшашликларни топди, «мужталибаи музоҳафа» ва «мужталибаи мухтариъа» деб номланган икки янги доирани кашф қилди.

Бобирнинг «Мухтасар» асари йирик антология ҳамдир. Асарда XIV—XVI асрда яшаган 60 дан ортиқ шоирнинг номи эслатилади ва уларнинг асарларидан парчалар келтирилади. Чунончи, Абдуллоҳ Ҳотифий, Абулбарака Фироқий, Аҳмад Ҳожибек, Бойсунғур Мирзо, Мавлоно Абдул Ҳайдар Хоразмий, Носир Бухорий, Орифий, Ориф Фарқатий, Осафий, Риёзий Самарқандий, Сайфий Бухорий, Султон Ҳусайн Мирзо, Улуғбек Мирзо, Ҳилолий, Шоҳрух, Юсуф Андижонийлар шулар жумласидандир. «Мухтасар» бошқа туркий халқларнинг шеърият назарияси тарихини ўрганишда ҳам муҳим манба ва қўлланма бўлиб хизмат қилади.

«Мухтасар»даги вазнлар масаласига келганда шуни айтиш керакки, Бобир бу борада ҳам изчиллик ва мукаммалликка эришган. Муаллиф баҳрлар тартибини рукнларнинг мавқеига нисбатан белгилаб, икки гуруҳга ажратади ва ҳар бир баҳр устида батафсил тўхталади. Аввал бир байтнинг тақтиъини бериб, сўнгра баҳрларни саккиз, олти ва тўрт рукнли байтлар мисолида келтиради. Ҳамма вазнларга мисоллар форс ва туркий шеърлардан олинган ва улар рўпарасида муаллифнинг номи зикр этилган. Муаллифи кўрсатилмаган шеърларнинг эса Бобирга мансублиги асарда таъкидлаб ўтилган.

Аруз назариясига бағишланган рисолалар ичида вазнлар сонининг кўплиги жиҳатидан ҳеч бир асар «Мухтасар» билан тенглаша олмайди. Унда келтирилган жамъи вазнлар сони ҳақида Бобир қуйидагиларни ёзади:

«Билгилки, бу йигирма бир баҳрда беш юз ўттуз етти вазн келтурулди. Бу жумладан мустаъмал вазн — икки юз саккиз, мустаъмалу мухтараъдин матбуъ вазн — юз олтмиш икки, мустаъмали матбуъ — юз тўрт, мухтараъи матбуъ — эллик саккиз».

«Бобирнома»нинг 1505—1506 йиллар воқеаларига бағишланган бобида йигирма тўрт рубоий вазнининг тўрт вазнида Навоийнинг янглишганлиги таъкидланган: «Яна «Мезон ул-авзон» отлиқ аруз битибтур, бисёр мадхулдур: йигирма тўрт рубоий вазнида тўрт вазнда ғалат қилибтур. Баъзи буҳурнинг авзонида ҳам янгилибтур, арузға мутаважжиҳ бўлғон кишига маълум бўлғусидур». Лекин бу тўғрида «Мухтасар»да ҳеч қандай гап йўқ. Фикримизча, Бобир қўлига аввал «Мезон ул-авзон»нинг хаттот томонидан янглиш кўчирилган нусхаси тушган бўлса керак. Кейинчалик мазкур вазнларда нуқсонлар йўқлиги аниқлангач, Бобир бу ҳақда тўхталишни лозим кўрмаган.

Рисолада туюқ ҳақида гап борар экан, Бобир уни мўғул хонлари билан турк султонлари йиғилишларида кўпроқ айтилишини таъкидлаб ўтади ва туюқнинг мавжуд бўлган турларидан ташқари янги уч турини келтиради.

Маълумки, классик адабиётшунослигимизда халқ қўшиқлари ва уларнинг вазнига доир маълумотлар жуда кам. Фақат Алишер Навоийнинг «Мезон ул-авзон» асаридагина халқ қўшиқларининг мунсариҳи мавқуф баҳрида айтиладиган чанги деб номланувчи тури ҳақида фикр юритилган.

Бобир бу борада ҳам мукаммалликка интилди. У «Мухтасар»да халқ қўшиқлари тўғрисида атрофлича маълумот беради, уларнинг туркий, тархоний, ўланг, шунингдек, туюқ турлари вазнларини аниқлайди. Рисоланинг мунсариҳ баҳрига бағишланган бобида муаллиф бу қўшиқларнинг ўланг тури ҳақида тўхталиб, шундай дейди:

«Нечукким, ажам шъуароси рубоий вазниға ҳадди муайян муқаррар қилибтурлар, турк фусаҳоси ҳам бу вазнға ҳадди муайян муқаррар қилиб, икки байт айтибтурлар. Андоқким, мазкур бўлди турк аросида бир оҳанги борким, «ўланг» дерлар. Бу вазн анга маҳсустур, ул оҳангға тақсим қилурда ҳар мисраъдин сўнг «ёр-ёр» лафзин келтурурлар».

Шундай қилиб, Заҳириддин Муҳаммад Бобир «Мухтасар» рисоласида классик адабиётшунослигимизнинг йирик намояндаси, аруз илмининг улкан билимдони сифатида майдонга чиқади. У биринчи бўлиб аруз назариясини умумий миқёсда қиёсий ўрганди, ўзбек классик шеъриятида қўллаб келинган 289 вазн ва уларнинг шакллари таърифини берди, умум аруз илмини ўзи кашф этган 248 вазн билан бойитди. Шунингдек, Бобир ўзининг назарий ва амалий тажрибаларига суяниб, аруз баҳрларига таъриф бериш ҳамда уларни системалаштириш борасида янги метод яратди: ҳар баҳрга алоҳида тўхталиб, унинг ўзбек шеъриятида тутган ўрнига баҳо берди.

«Мухтасар» рисоласининг топилиши ўзбек адабиётшунослигида муҳим воқеадир.

Саидбек ҲАСАН,
Алишер Навоий номидаги
Адабиёт музейининг илмий
ходими

Фото усталари «Гулистон»да

Нурмуҳаммад БЕРДИЕВ

Ҳаётдаги ҳар бир нарса-ҳодисадан гўзаллик, нафосат қидириш — инсоннинг азалий одати. Гўзалликка ошифталик ҳозирги замон кишисининг ҳам эзгу матлаби. Туркманистонлик Нурмуҳаммад Бердиев ана шундай санъаткор-фотографлардан биридир.

Истеъдодли ёш график-рассом Н. Бердиев бадиий фотография билан 1959 йилдан шуғуллана бошлади. Ушанда дастлабки асари матбуотда эълон қилинган эди. Унинг фотолари шоирона руҳи, композицион соддалиги, мавзуга ёндашишдаги оригиналлиги ва журъати билан ўқувчилар ҳурматини қозонган. Санъаткорнинг графика жанрида яратган асарлари ҳам томошабинда гўзал туйғулар уйғотади.

Нурмуҳаммад Бердиев монтаж усулидан моҳирона фойдалана биладиган санъаткор ҳамдир. Унинг бу усулда яратган асарлари табиийлиги билан диққатни ўзига жалб этади.

Истеъдодли фото устаси Нурмуҳаммад Бердиевнинг асарлари кишиларимиз қалбига завқ бағишлаб, яратишга, ҳаётни, гўзалликни севишга даъват этади.



Қишлоқ йўлида.

Ғаройиб чавандозлар.

Богбон.

Ололмайсан!



Тонгни қаршилаб...



ПАҲЛАВОН

Рингда ўрта вазнли совет ва поляк боксчилари...

Учрашув дастлабки дақиқаларданоқ шиддатли тус олди. Спортчилар чаққон ҳаракат қилишар, кутилмаганда ўқдек ҳужумга ташланишарди. Чиройли комбинациялар, абжирлик, шиддатли олишув юз минглаб томошабинга завқ берар эди.

Кураш бошланганига бир минут ҳам бўлгани йўқ. Тўсатдан Польша чемпиони рақибининг даҳанига зарб билан мушт туширди. Чарм қўлқопларнинг тап-тупигина эшитилиб турган зал бирдан гувиллаб кетди. Қийқириқ бошланди.

Ҳамшаҳарларининг олқишларидан руҳи кўтарилган поляк спортчиси ҳозиргина қўллаган усулини такрорлади: дастлаб чап қўли билан мушт туширди, кейин ўнг қўли билан мўлжал олди. Руфат Рисқиев рақибнинг ўқталган муштига чап берди-да, шу лаҳзадаёқ ҳар иккала қўли билан қақшатғич икки зарб берди. Поляк боксёри йиқилди. Бир, икки, уч... тўққиз. Нокаут!

Социалистик мамлакатлар бўйича Европа биринчилиги учун 1969 йили Варшавада ўтказилган бокс мусобақасида юз берган бу воқеа ҳаммани ҳайратга солди. Баъзилар буни 1968 йили Ленинградда бўлиб ўтган «Олимпия умиди» халқаро учрашуви биринчи мукофотининг совриндори Руфат Рисқиевнинг навбатдаги ажойиб ғалабаси деб таърифласа, айримлар тасодифга йўйишди.

Руфат барча рақибларини таслим қилавергач, дастлабки шубҳалардан из ҳам қолмади. У финалда Урбан деган немис йигити билан рингга чиқди. Урбан баланд бўйли, мушаклари ўйнаб чиққан, бутун танасидан куч ёғилиб турарди. У устма-уст мушт туширib, рақибини ҳолдан тойдиришга уста спортчи. Шу сабабли «уришқоқ» деб ном чиқарган. Бироқ Руфат билан «жанг»га киришганида немис боксчиси севимли услубидан воз кечди. Чунки совет боксчиси бундай спортчиларга ўз қуроли билан панд едирарди. Озгина хато ҳам жуда қимматга тушиши мумкинлигини сезган Урбан фақат эҳтиёткорлик, маҳорат, тезкорликкина мақсадга эриштиришини ҳис этди.

Руфат Рисқиев шу пайтгача ўн етти халқаро учрашувда иштирок этиб, 14 марта биринчи ўринни эгаллади. Неча бор бокс турнирларининг энг кучли боксчиси деган номга сазовор бўлди.

Руфат 1963 йилдан бери бокс билан шуғулланиб келади. У 1966 йили I разряд нормасини бажарди, ўсмирлар ўртасида республика чемпиони унвонини қўлга киритди. 1967 йилда Бутуниттифоқ «Динамо» жамияти ғолиби бўлди, СССР биринчилигида иккинчи ўринни эгаллади. 1968, 1969 йилларда эса Руфат — ёшлар ўртасида СССР чемпиони.

Тақдирнинг тақозосини қарангки, дастлаб жаҳоннинг энг кучли боксчиларидан бири билан беллашишга тўғри келди. Рақиби Европа чемпиони, спорт мастери В. Тарасенков эканини билганида юраги орқага тортиб кетгандек бўлди. Ахир, Владимир Иттифоқимизнинггина эмас, жаҳоннинг ҳам энг донғи кетган спорт юлдузларидан-да! Маҳорат чўққисига кўтарилган бу йигит шундай мураккаб усуллар қўллаб, шиддатли зарбалар берардики, унча-мунча боксчи чидай олмасди...

Рингга Европа чемпиони Владимир Тарасенков ва спорт мастери Руфат Рисқиев чиқади, деб эълон қилинганда, зал бир кўтарилиб тушгандай бўлди. Тарасенковнинг мухлислари, тўғрироғи, бутун зал унинг рингга чиқишини орзиқиб кутмоқда эди.

Руфат рингга чиқиш олдидан синовчан назар билан тренери Борис Андреевич Гранаткинга қараб қўйди. Тренер хотиржам кўринарди. Шунча йиллар ғалаба шодлигини ҳам, ютқизиқ ўкинчини ҳам баб-баравар баҳам кўрадиган устози шу тобда унинг кўзига бегонадек кўриниб кетди.

Шу пайт Борис Андреевич иккала қўлини ҳам шогирдининг елкасига қўйиб, жилмайди.

— Сен ютасан, Руфат,— деди тренер бамайлихотир,— бунга шубҳам йўқ...

Руфатнинг дили равшанлашди, қалбини илиқ ҳаяжон қамраб олди.

Гонг! Чемпион кўп йиллардан бери муносиб рақибга дуч келмаганди. Илк дақиқаларданоқ Владимир Тарасенковнинг гурзидек оғир муштлари Руфат устига ёпирила бошлади. Руфат чап қўли билан ўзини ҳимоя қилиб, ўнг мушти билан рақибининг бурнига туширди.

Европа чемпионининг мақсади жангни тезроқ тугатиш эди. Шунинг учун у ҳар томондан кетмакет ҳужум қиларди. Лекин Руфат зарбаларга чаққонлик билан жавоб берар, кутилмаганда рақибининг юзи-кўзи аралаш мушт тушириб қоларди. Бу тахлитда тарозининг палласи ўз томонига босмаслигини сезган Тарасенков астойдил енг шимарди. Руфат гоҳ эгилар, гоҳ чап берар, рақибининг муштига муштини «қалқон» қилиб, зарб туширарди. Орадан бир минут ўтар-ўтмас Руфат рингда ўз «ҳукм»ини ўтказа бошлади.

Зал дам жим қолар, дам гувилларди. Одамлар ҳудди: «Қани машҳур Тарасенков? Қани унинг мислсиз маҳорати?» деяётгандай эди. Тарасенковнинг муштлари мўлжалга тегмас, қақшатғич зарбалари рақибига кор қилмаётгандек эди. Руфатнинг зарбалари чемпионнинг барча уринишларини чиппакка чиқарди. Навбатдаги шиддатли ва оғир зарбадан чемпион бор бўйи билан бир кўтарилдию, ағанаб тушди. Нокдаун!

Руфат иккинчи раундда ҳам уч минут давомида чемпионни «терлатди». Учинчи раунд тугагач, судья Руфат Рисқиевнинг қўлини баланд кўтарди!

Бутун зал уни олқишларди. Тренерлар ҳавас билан қарашарди. Ҳаҳрамонни фотомухбирлар суратга туширишарди. Руфат қаттиқ чарчаган бўлса-да, қувончи чексиз эди...

СССР халқларининг V спартакиадаси... Руфат рингга грузиялик Юмукян билан чиқди. У тинимсиз тайёргарликларининг натижасини шу ерда кўрсатди. Гоҳ рақибини рўпарадан кетмакет зарбалар билан қарши олар, гоҳ қанотдан ўқтин-ўқтин мушт тушириб очко тўпларди. Юмукян икки нокдаундан кейин рингда ўзини зўрға тутиб турди. Иккинчи раунд тугамасданоқ яққол устунлиги учун судья Руфатнинг қўлини баланд кўтарди. Иккинчи учрашувда Руфат Қирғизистон вакили — спорт мастери Батуринни биринчи раунддаёқ нокаут қилди. Учинчи рақиб — москвалик халқаро спорт мастери Лемешчев эди. Бу йигит ёшлар ўртасида Европа чемпиони бўлиб, кучли давраларда ҳам унча-мунчага «тил» бермайдиганлардан эди. Ўзбекистонлик боксчи яна яққол устунлик билан ғалабага эришди.

Руфат Рисқиев СССР халқларининг V спартакиадасида тўрт марта рингга чиқиб, 36 минут курашиши лозим бўлгани ҳолда, у бор-йўғи 6 минут сарфлади. Бирорта рақиби учрашувнинг ярмигача ҳам бардош бера олмади.

Турнир тугагач, анъана бўйича ғолибларни ўтмишда энг кучли бўлган боксчилар табрикладилар. Жаҳон боксчилар уюшмасининг раиси Э. Расселнинг шахсан ўзи Руфат Рисқиевнинг қўлини сиқиб, уни «прима боксёр»— биринчи боксчи, деб атади.

Ҳозиргача 129 марта рингга чиқиб, 121 марта ғалаба қозонган Тошкент Давлат физкультура институтининг қуйи курс студенти Руфат Рисқиев 1972 йили Мюнхенда ўтадиган жаҳон олимпиадасига борадиган СССР терма командаси рўйхатида биринчи номзоддир. У ҳозир терма команда составида катта синов олдидан қизғин тайёргарлик кўрмоқда.

Яқинда Руфат Рисқиевнинг ҳаётида яна икки қувончли воқеа юз берди: у ўзбек бокс спорти тарихида илк марта халқаро спорт мастери унвонини олишга муяссар бўлди; Польшанинг Вроцлав шаҳрида ўтган социалистик мамлакатлар «Динамо» жамиятлари биринчилигида жаҳоннинг энг кучли боксчиларидан бири эканини исбот этди. Биллур кубок унга топширилди. Польша терма командасининг устози Штамм жаҳоннинг машҳур тренерларидан ҳисобланади. Шу сабабдан ҳам уни «отахон Штамм» деб атайдилар. У Руфат Рисқиевни рингда кўриб: «Мен бу йигитдан олимпия чемпиони чиқишига аминман», деди. Ўзбек боксчиси ҳар бир қобилиятли спортчининг орзу-умиди бўлган ана шу юксак спорт шарафи — жаҳон олимпия чемпиони, деган номни қўлга киритишни астойдил ният қилган.

Б. ПЎЛАТОВ

СЕҲРЛИ САДОЛАР

«Орган куйларидан концерт». «Баҳор» концерт зали ёнидан ўтиб кетаётиб, афишада шу эълонни ўқиб қолдим. Пойтахтимизга яна қайси мамлакатдан санъаткорлар меҳмон бўлиб келган экан, деб эълонга яна бир разм солдим. Ажабо, бу концертда органни ҳамшаҳримиз Роза Каримова чалар экан! Биринчи ўзбек органчиси! Ғурур ва қувонч ҳис этдим. Созандаларимиз орасида энг мураккаб, маҳобатли ва ажойиб музика асбоби—органни чала оладиган, тантанавор садоли қадимий асбобда концерт ҳам берадиган санъаткор аёл борлиги, очиғини айтсам, мени ҳовлиқтирди.

Музика маданиятимизга файзу кўрк бахш этиб келаётган рояль, виолончель, чанг, ғижжак, най, арфа каби чолғу асбоблари қаторидан «оркестрларнинг подшоси» (органни музикашунослар шундай деб аташади) ҳам ўрин олиши ғоятда қувончлидир.

Орган кечасида одам кўп эди. Концерт улуғвор сукут билан бошланди. Антиқа сознинг сеҳрли садолари узоқлардан аста тарала бошлади. Орган клавиатураси Розанинг сеҳрли бармоқларига бутунлай тобеъ эди. Муҳташам зални тўлдирган майин оҳанг, дилбар мусиқа қалбларни банд этди...

Георгий Мушелнинг «Навоий хотираси» композицияси ижро этиларди. Орган учун ёзилган дастлабки ўзбек музика асари. Буюк шоирнинг гўзал орзулари, унинг нафис туйғулари, ғазалларида мадҳ этилган севги сирлари, ҳаёт ишқи — ҳамма-ҳаммаси оҳангларда мужассам эди. Гоҳ оҳиста, нафис, гоҳ жарангли, улуғвор садолар юрак торларига урилиб, оламолам завқ бағишлар, ўйлар ҳадя қиларди. Улуғ шоирга мусиқий тилда айтилган таҳсинлар нақадар гўзал!

Концерт давом этади. Моҳир органчи мухлисларни оҳангларнинг сирли дунёсига етаклайди. Бахнинг «Деҳқон кантатаси»дан парчалар, Бетховен, Шуберт, Гендельнинг ўлмас тароналари, вокал-хор асарлари орган концертига чуқур мазмун, кўтаринки руҳ бахш этади.

Музика шинавандалари Роза Каримова концертларидан жуда мамнун. Бу камёб касб эгаси, истеъдодли органчимиз ижоди музика маданиятимизда катта воқеадир.

Розахон санъаткор оиласида ўсди. Ёшлигидан мусиқага ихлос қўйди. Ҳамза номидаги музика билим юртида Алиса Геде қўлида фортепьянодан таълим олди. Сўнгра консерваторияда Ариадна Бирмак бошчилигида янада катта маҳорат орттирди.

1948 йил эди. Консерваториянинг катта залида Ўзбекистонда дастлабки орган қурилди. Бу мураккаб асбобга журъат билан яқинлашган ёшлардан бири Роза Каримова эди. Арсений Николаевич Котляревский ҳамда Вера Николаевна Бакеева унга бу асбобни ўргатишда ташаббус кўрсатишди. Розахон ана шу санъат фидойилари қўлида сеҳрли асбоб «сир»ларини ўрганди, севимли ижрочи бўлиб танилди.

Органнинг ватани қадимий Юнонистон бўлиб, у духовой (нафас, ҳаво босими билан чалинадиган клавишли музика асбобидир. Пианино сингари чалинса ҳам, аслида ундан мураккаб, бештагача клавиатураси, бир юз элликтагача регистри бор. Уни ижрочи бир-икки ёрдамчи билан чалади.

Органнинг яна бир хусусияти — унда якка куйлардан ташқари оркестр ва хор билан ҳамда ашулачиларга жўр бўлиб куй ижро этиш мумкин.

Ажойиб санъаткор, Тошкент Давлат консерваториясининг собиқ талабаси, ҳозир эса доценти Роза Каримовага орган санъатини янада оммалаштириш, янги-янги асарлар ижроси билан мухлисларни янада хушнуд этишда, муносиб ўринбосарлар тарбиялаб етиштиришда катта муваффақиятлар тилаймиз.

Анвар ЮСУПОВ

Нодир касб эгалари

Мен ёнмасам,
сен ёнмасанг,
биз ёнмасак,
Қандай
чиқар
мазлумлар
ойдинликка...

Нақадар дардли бу сатрлар... Дардли, оловли. Бу сатрлар — ватан тақдири учун, халқининг озодлиги учун жон фидо қилишга ҳамиша тайёр турган шоирнинг юрагидан отилиб чиққан ёнар тоғ ҳароратидай. Бу ҳарорат унинг умрининг охиригача ўчмади. «Мамлакатим!..» деб яшади шоир. У билан замондош бўлганимдан бахтиёрман. Устоз билан бир неча бор кўришиб, озмоз суҳбатда бўлдим. Бу ўринда шуларни эсламоқчиман.

Биласиз, шоир «Мамлакатим!..» дегани учун ўн етти йил қамоқхонада жабрланди. Бундан йигирма йиллар аввалги халқаро вазият ёдимизда. Жаҳон халқлари тинчлик истаб, Стокгольм мурожаатига имзо чекаётган пайт. Ўшанда Нозим Ҳикмат қамоқ касалхонасида эди. У очлик эълон қилганди. Жаҳон халқлари, хусусан, совет халқи, совет ёзувчилари шоирнинг тезда озод этилишини талаб қилдилар. Бу талаб ва кураш амалга ошди. Шоир озод этилди. У ўзининг иккинчи ватани — Совет Иттифоқига келиб, мустаҳкам бошпана топди. Бироқ умрининг охиригача жонажон Туркиясини соғинib яшади. Ватанининг бахтли келажаги деб яшади.

Шоир ҳақида ўйлар эканман, назаримда у ҳамон тиригдай. Рўпарамда ҳамон ўша ўзига хос жиддийликни бир оз йўқотиб, билинар-билинмас табассум билан «Салом, жоним!» деб, бақувват қўлини кўришиш учун чўзиб тургандай. У шундай саломлашар эди: «Салом, жоним!», «Салом, чўжуқлар!». Биринчи бор эшитганим бу таниш овоз қулоғимдан кетмайди.

1955 йил 19 июль. Мен ўқишим керак бўлган Адабиёт институтининг ётоқхонаси шаҳардан ўттиз чақирим наридаги Переделкино қишлоғида экан. Бундан кўнглим ғаш эди. Чунки у ердан қатнаб ўқиш учун ҳар куни деярли тўрт соат вақт йўлга сарфланади. Аммо бир нарса кўнглимга тасалли берди: ётоқхонамиз жойлашган қишлоқ «Ёзувчилар шаҳарчаси» деб аталар экан.

— Кўпгина катта ёзувчиларнинг боғлари ўша ерда,— деди кимдир.

Демак, баъзан улар билан учрашиш, суҳбатлашиб маслаҳат олиш мумкин.

Переделкинога бориб, ҳайрон қолдим. Ҳақиқатан ҳам бу ер шоирларнинг кўнглидаги жой экан. Бутун атроф ўрмон. Сокинлик. Биз яшайдиган ётоқхонанинг рўпарасида, кўчанинг нариги бетида Нозим Ҳикматнинг боғи.

— Нозим муаллим ҳозир чет элда, келганида бир зиёрат қиламиз,— деди озарбойжонлик студент Рамз Мамадов.

Нозим муаллим чет элдан сентябрнинг охирларида келди. Ётоқхонадаги дўстлар маслаҳатлашиб, уни якшанба куни зиёрат қиладиган бўлдик. Ниҳоят ўша кунга амаллаб етиб олдик. Янглишмасам, бу — 1955 йил, 30 сентябрь эди. Кўчага чиқиб, панжара девордан боққа қарадим. Сариғиш костюм, сариқ туфли кийган, сариқ сочларига бир оз оқ оралаган девқомат одамга кўзим тушди. Уни дарров танидим. Дарҳол ётоқхонага кириб:

— Муаллим уйида экан,— дедим.

Озарбойжонлик йигитлар — Рамз Мамадов,

Ёзувчининг кўнгил дафтаридан

НОЗИМ МУАЛЛИМ

Ҳусайн Ҳусайнов, бошқирд йигити — Шокир Ёнбоев ва мен — улфати чор бўлиб Нозим Ҳикматнинг боғига кириб бордик. Икки қаватли уйнинг зинапоясида, шоирнинг шахсий доктори — ҳамиша жилмайиб турадиган ёқимтой чеҳрали Галина Григорьевна бизларни кутиб олди.

— Кираверинглар, Нозим шу ерда, телефонда бир дўсти билан гаплашяпти,—деди у. Сўнг бизни ичкарига бошлади.

Остонадан киришимиз билан Нозим Ҳикматнинг гапи тамом бўлиб, телефон трубкасининг шарақлагани эшитилди. Қаршимиздаги очиқ эшикдан уй эгаси биз томонга шахдам юриб чиқди. Тўғрироғи, ишга кечикиб жўнаётган одамдай отилиб чиқди. Биз салом бериб улгурмасимизданоқ:

— О, салом, салом, чўжуқлар!— деди қучоғини очиб.— Марҳабо, марҳабо, хуш келдиниз!— Биз билан эски қадрдонлардай кўришди.

Шу топда у менга ҳар бир ишни ҳам тез бажарадиган ҳаракатчан, ғайрати ичига сиғмайдиган одам бўлиб кўринди. Уйлаганим кейинчалик кўп учрашувларда тўғри чиқди.

Йўл-йўлакай шоирнинг Лев Толстой ҳақидаги фикрларини тинглаб бордик. Унинг бу ҳақдаги фикрлари бошқа кўпгина катта ёзувчиларнинг фикридан деярли фарқ қилмасди. Аммо қизиғи шундаки, у ниҳоятда қизишиб гапирарди. Овози ҳам момақалдироқдай. Ўрмон ўртасидаги жимжит қишлоқ кўчасида унинг овози қандай жаранглаб чиқишини тасаввур қилиб кўринг. Унинг гапларини тинглар эканман, бу одам оғир қамоқ азобларини, хасталик азобларини, ватан соғинчидек зил-замбил дардни бошидан кечирганига ишонгим келмасди. Ҳар бир сўзида, ҳаракатида, юз ифодасида катта шижоат, ишонч бор эди.

Ўрмон ўртасидан ўтган узун йўлнинг бошида Нозим Ҳикматнинг меҳмонлари билан учрашдик. Уларнинг исмлари ҳозир эсимда йўқ. Нозим Ҳикмат ҳам уларни бизга таништирганида бирон-тасининг исмини айтмади...

— Мана бу йигит менинг польшалик шоир дўстим,— деди бир қорача йигит ҳақида. Кейин ўрта ёшлик орияққина аёлни таништирди:— Бу хоним белоруссиялик журналист. Мана бу гўзал қиз — озарбойжонлик ёш ҳайкалтарош.

Ёш ҳайкалтарош — Москвада таҳсил кўраётган бокулик қиз ўша кунлари Нозим Ҳикматнинг ҳайкалини ишлаётган экан.

Бизларни меҳмонларга бирма-бир таништириб, навбат менга етганида:

— Мана бу дўппилик ўртоқ — ўзбек,— деди.

Суҳбат давомида Нозим Ҳикмат жуда кўп халқларнинг урф-одатларини яхши биладиган киши экани маълум бўлди. Бунинг битта далили шуки, у бошқирд ва озарбайжонлар билан, польшалик шоир ва белорусиялик журналист билан гаплашганида «сен» деб мурожаат қилса, мени сизлаб гапирди.

Ўрмон йўли билан орқага қайтдик. Суҳбат ўша вақтдаги совет романчилиги ҳақида борар эди. Бу суҳбатни ҳам Нозим Ҳикмат ўзи бошлади:

— Бир саволга жавоб беринглар-чи,— деди у,— нега кўпчилик совет ёзувчилари ижобий қаҳрамонни ўта жиддий қилиб яратишади? Масалан, кўпгина романларда ижобий қаҳрамон ниҳоятда жиддий. У фақат заводдаги ишни билади. Дам олмайди, маишат қилмайди, хотинларга эркак кўзи билан қарамайди. Ахир у ҳам одам-ку!

Галина Григорьевна ўзига хос назокат билан кулди:

— Нима деяпсан, Нозим? Нима, сенингча ижобий қаҳрамон хотинбоз бўлиши керакми?

— Йўқ, сен тушунмадинг!— деди Нозим Ҳикмат.— Мен ундай демоқчимасман. Бутун асар давомида лоақал бир марта ўзининг хотинини қучоқлаб ўпсин демоқчиман. Мана, мен роман ёзяпман. Ҳилватдаги инсоний муҳаббатни ўшанда кўрасизлар.

Гап шу ерга етгунича бир оз ҳайратда эдим. Мени тааажжубга солган нарса шоирнинг зўр бериб проза ҳақида гапириши эди. Энди масала ойдинлашди. Домламиз роман ёзаётган экан. Демак, у ҳозир бутунлай проза оламида. Бу проза «Сурур» асари экан. Уни мен Нозим Ҳикматнинг вафотидан кейин ўқидим. Ҳақиқатан ҳам унда «хилватдаги инсоний муҳаббат» дадиллик билан, бачканаликдан холи тасвирланган. Аммо бу — албатта асосий масала эмас. Китоб мамлакат тақдири ҳақида.

Гап айланиб, яна Толстойга тақалди. Бу вақтда меҳмонлар биздан анча орқада қолиб, ўзаро гаплашиб келишаётган эди. Уларга бизнинг гапларимиз эшитилмасди. Нозим Ҳикмат тобора қизишиб гапираётганида Шокир Ёнбоев сўз қистирди:

— Доҳийлар адабиёт билан шуғулланса яхши бўлар экан,— деди у. Ленин Толстой ҳақида мақола ёзган эди. Толстойнинг моҳияти ошиб кетди.

Нозим Ҳикмат юришдан тўхтаб, Шокирга бир нафас тикилиб қолди.

— Биласанми,— деди Нозим Ҳикмат,— адабиёт билан доим шуғулланишга, доим шу ҳақда гапиришга доҳийларнинг вақти етмаган. Буюк одамлар адабиёт ҳақида ҳамма гапни айтиб улгурмаган. Улар айтолмаган гапни ёш авлодлар айтиши керак!

Галина Григорьевна Нозим Ҳикматнинг тирсагидан аста ушлаб тўхтатди:

— Бас, Нозим. Бугун мен сенга бундан ортиқ гапиришга рухсат этмайман. Сен бемор одамсан.

Докторнинг бу гапидан сескандим. Ҳаммамиз ҳушёр тортдик. Доктор бизга маъноли қараб қўйди. Бу — «домлангизни холи қўйинглар», деган ишора эди. Биз устоздан узр сўраб, хайрлашдик.

Азиз АБДУРАЗЗОҚ

Йил — ўн икки ой

Йилимизнинг тўртинчи ойи энг улуғвор, табаррук саналардан биридир. Апрелнинг йигирма иккинчи куни бутун дунё меҳнаткашларининг улуғ доҳийси Владимир Ильич Ленин дунёга келган.

Апрель — табиат гуркираб уйғонган, авжи баҳор, гўзал ой, ер илиқ, офтоб ёқимли, новдалар шарбат йиғади. Деҳқоннинг димоғи чоғ, меҳнат роҳат бағишлайди.

Баҳорнинг бу ўрта ойини, Абу Райҳон Берунийнинг кўрсатишича, румликлар афлирюс деб аташган, қадимги мисрликлар, мағрибликлар, қибтийлар эса абрир деб юритишган.

Апрелда қуйидаги сайёраларни кўриш мумкин: оқшомда — Венера, Марс, Сатурн; тонготарда — Юпитер, Уран ва Нептун — тун бўйи.

Беруний бу каби сайёраларнинг ҳамда Меркурий, Қуёш ва Ойнинг ҳар хил халқларда турлича номланганлигини келтиради: Венера, Марс, Сатурн, Юпитер, Меркурий, Қуёш, Ойни арабча Зуҳро, Миррих, Зуҳал, Муштарий, Аторуд, Шамс, Қамар деб юритилган. Румоча Афрудита, Орас, Крунас, Зовус, Хормус, Илюс, Селенас деб аталган.

Ўрта Осиёда қадим замонларда баъзи кишилар астрология деган сохта таълимотга ишонганлар. Чунончи, Муштарий ва Зуҳро — бахт юлдузлари, Зуҳал ва Миррих эса — нахс юлдузлари деб ҳисобланган. Ой ва Аторуд ўз ҳаракати йўлида Ҳазиб юлдузи билан учрашганида соғлиқ тилаб ўқилган дуо умидли бўлармиш, маълум вақтда, ҳатто дуо ҳам акс таъсир этармиш. Бундай уйдирма гапларнинг юлдузлар илмига ҳеч қандай алоқаси йўқлиги тараққийпарвар мутафаккирлар томонидан кўп таъкидлаб ўтилган. Одамнинг тақдири сайёралар ва юлдузларнинг ҳаракат йўлларидаги ўзаро муносабатларга боғлиқ бўлишига ҳеч қандай илмий асос йўқ.

Совет космонавтикасининг биринчи тарихий қадами — Юрий Гагарин парвози шу ойда содир бўлган. Кейинги вақтларда Ойни ўрганиш ва текшириш мақсадида «Луна» типидаги бир қанча ракеталар учирилди. Жумладан, Ердан учирилган «Луна-20» автоматик станция Ой атрофида, селеноцентрик орбита бўйлаб ҳаракат қилди ва Ойга тушиб, ундан фан учун қимматли «селено — тупроқ» олиб келди. «Селеноцентрик», «Селенография» сўзлари — ўша Беруний кўрсатиб ўтган «Селенас» сўзидан келиб чиққан.

Ой боши — 14 апрелда, тўлин ой — 29 апрелда бўлади.

О. ФАЙЗУЛЛАЕВ

Халқ ижоди дурдоналари

НЕМИС МАҚОЛЛАРИ

Одамнинг ўз номига иснод келтиргани — ўлгани.
Икки қулоқдан кўра бир кўзга кўпроқ ишонадилар.
Кўз ўзига, қулоқ бошқаларга ишонади.
Ҳар ким билан дўст тутинган ҳеч кимга дўст бўлолмайди.
Аёллар чақани сўм қилса, эркаклар сўмни чақа қилади.
Уч киши билган сирни юз киши билар.
Ёлғон — дунёнинг нариги чеккасига олиб бориши мумкин, бироқ қайтариб келтирмайди.
Душманинг учта бўлса, иккитаси билан тил топ.
Балиқ нафсидан, одам тилидан илинади.
Эшакнинг қулоғига олтин ҳалқа тақсанг ҳам — барибир — эшак.
Йўлдоши борнинг қўлдоши бор.
Қарз берсанг — дўст кўпаяр, талаб қилсанг — душман.
Совға баъзан оқилни ҳам кўр қилур.
Ҳақиқатни яширган дўст эмас.
Эрталабки вақт — нақдина бахт.
Кераксиз нарсани текинга олсанг ҳам—барибир—қиммат.
Этик оёғингни қисганда, бош кийимингдан гапирма.
Вовуллаган ит қопмайди, хаппакисидан қўрқ.
Калом — кумуш, сукут — олтин.
Оз кўрган — кўп таажжубланар.
Қоринни тўйғизиш осон, бироқ кўзни тўйғизиш маҳол.
Сигир ўзининг бузоқ бўлганини эсламайди.
Яхши денгизчи бўрон пайтида синалади.
Сабр — шодлик калити.
Қора сигирнинг ҳам сути оқ бўлади.
Кўп сўзлаган — оз ўрганар.
Ғолибнинг яраси тез битар.
Анжом — уй, сўз — инсон зийнати.
Занг темирни, ғам одамни кемирар.
Башара сирни очар.
Сабр таги — самара.

Немисчадан Сано САИДОВ таржимаси

СССР спорт мастери
М. МУҲИДДИНОВ
таҳрири остида

Спасскийми, Фишер?

Тўққизинчи ўйин ниҳоясига етди, кенг саҳнага ўрнатилган каттакон намойиш тахтасида «оқлар ютди» деган ёзув пайдо бўлди. Ғолиб сал кам беш минг киши ларзага келтирган залга бир назар ташлади-да, шу заҳоти ғойиб бўлди. У «Сан-Мартин» театридан қандай чиқиб кетганини, у ердан тўғри қаерга бориб, ким билан дардлашганини ҳеч ким билмайди. Лекин шуниси аниқки, Роберт Фишер бахтиёр эди. У кўп йиллардан буён кўзлаган мақсадига эришди. Энди у ҳақиқий тож даъвогари! Минглаб мухлисларининг олқишини кабул қилиш ўрнига бу ердан тезда ғойиб бўлиб, ёлғиз ширин хаёллар оғушига берилиши унинг феъл-атворидаги ўзига хос хислат, албатта.

Ўтган йили сентябрь ойининг охирларида жаҳон чемпиони Борис Спасский бир неча кун одессаликларнинг меҳмони бўлиб турди. Турли учрашувлар ўтказилди. Журналистлар, касбдошлари Спасскийни роса «ҳибс»га олишди...

— Шахмат классификациясида мусобақаларнинг янги тури — жуфтжуфт бўлиб ўйнаш пайдо бўлди, деб бир дақиқа тасаввур қилайлик. Сиз кимни шерик қилиб олардингиз?

— Фишерни! У фаол классик услубдаги зўр спортчидир. Унинг бир меъёрда ўйнаши, шахматга бўлган чексиз меҳр-муҳаббати менга ёқади. У ёғини гапирмасликни маъқул кўраман. Фишерга ҳар тарафлама баҳо бериш эса, бу — менинг сиримдир.

Бу гаплар айтилганда Петросян — Фишер матчи ҳали бошланмаган эди.

Ботвинник: «Шахмат Фишернинг ягона, шу билан бирга ҳурматга лойиқ ихтисосидир. Унинг кучи нимада? Мураккаб ҳисобларни тез ва аниқ бажариши ёш Тални эслатади. Лекин Фишер буни маълум эҳтиёткорлик, юксак маҳорат, вазиятни нафис чамалаш йўли билан амалга оширадики, бу жиҳатдан у ёш Смисловга ўхшаб кетади... Икки забардаст даъвогарни 12:0 ҳисобида енгиб, шахмат тарихида рекорд қўйди. Хўш, бу — Фишернинг шахмат санъати чўққилари сари дадил кўтарилаётганими ёки мўъжизами? Агар биринчиси бўлса, хурсанд бўлишимиз керак — шахмат маданияти бойиди. Борди-ю, иккинчиси бўлса-чи? Унда, яъни мўъжизалар умри тугаб, қаттиқ зарбага учраса, Фишер нима қилади?.. Бу — шахмат учун, шубҳасиз, кони зарар. Қани, яна кўрамиз-да...»

Тан бериш шунчалик бўлади-да! Шахмат оламининг энг обрўли ва холис вакили сифатида Ботвинник Фишер истеъдодининг сўниб қолишини сира истамаслигини айтди.

— Петросян,— дейди Фишер Буэнос-Айресдаги финал матчининг ёпилиш маросимида,— дастлабки партияларда жуда яхши ўйнади, мен уларнинг ҳаммасида бой беришим мумкин эди. Лекин жангнинг узлуксиз кучайиб боргани ҳамда чарчаганлиги туфайли у мувозанатни сақлаб тура олмади ва мен енгилроқ нафас ола бошладим... Петросян шахмат назариясини жуда пухта эгаллаган, аммо Спасскийнинг 34 ёшда экани ва зўр истеъдоди унинг хавфли рақиблигидан далолатдир. Мен уни сира ютган эмасман. Лекин эслатиб ўтмоқчиманки, 1927 йили Буэнос-Айресда ўтказилган ҳал қилувчи матчгача Алёхин ҳам Капабланкани ҳеч енга олмаган эди...

Биз ҳам мухлисларга қисқача изоҳ бериб қўяйлик. 1927 йилдаги машҳур матчда Алёхин олти марта, Капабланка эса уч бор ғалабага эришиб, 25 партияни дуранг қилган эдилар. Шартга кўра тож биринчи марта рус гроссмейстерига ўтган эди.

Роберт Фишер шунга шама қиляпти. «Спасскийни ҳам ютаман», деяпти.

Кейинги тўрт йил ичида Фишер жами 119 партия ўйнаб, шундан 89 тасини ютибди, 26 тасини дуранг қилиб, фақат тўрттасини бой бериби ди. Бу ҳам муҳим статистик маълумот. Югославиялик журналист Д. Белица шундай ҳикоя қилади: «Мен ҳеч қачон Фишерни шахмат китобисиз кўрган эмасман. Шунинг учун ҳам унга ўхшаган яна бирор бошқа шахмат ошиғини билмайман, дея оламан. Бутун умрини шахматга бағишлаган Фишер бўлғуси рақибларига қарши жуда пухта тайёрланади».

Яна бир мисол. 1971 йили Ванкувер шаҳрида ўтказилган Фишер — Тайманов матчининг тантанали ёпилиш маросимида ҳамма ғолибга келгусида ҳам ютуқлар тилаб қадаҳ кўтараётган бир пайтда, у чеккага бориб олиб, жажжигина ён шахматини очиб қандайдир ситуацияни берилиб мутолаа қилиб ўтиргандими...

Мураккаб ҳисобни тез ва аниқ бажариш борасида ҳозир Фишерга тараф топилмаса керак. Аммо жаҳон чемпиони Борис Спасскийнинг ҳам ўзига яраша ажиб фазилатлари бор, бу фазилатлар Фишерда ҳам учраяик камол топмаган. Спасский шундай вазиятлар барпо қила оладики, унда рақиблари истеъдодининг кучли томонлари намоён бўлишга имкон топмайди.

Хулоса қилиб айтганда, асримизнинг 70-йиллари асосан Спасский билан Фишернинг ўзаро рақобати шиори остида ўтадиганга ўхшайди. М. Ботвинниикнинг бу фикрига Халқаро Федерация президенти, собиқ жаҳон чемпиони, профессор Макс Эйве ҳам қўшилди, шекилли, 80-йиларни қаромат қилишга ўтиб олди... Шахмат шоҳи — Спасский ҳақида кўпроқ гапиришнинг ўрнига унинг ижодидан битта намуна келтиришни маъқул деб топдик.



Бу вазият Спасский — Фишер учрашувининг (XIX жаҳон олимпиадаси, ГФР, 1970 йил, сентябрь) 32-юришидан кейин вужудга келган эди. Телеграф агентликлари шу куни Зиген шаҳри шахмат шайдоларига тўлиб кетганини хабар қилган эдигар. Америкалик гроссмейстернинг ғалабасига бағишлаб, ҳатто катта зиёфат тайёрлаб қўйишган экан...

СССРнинг ГФРдаги элчиси С. Царапкин ва бир гуруҳ совет дипломатлари ҳам учрашувни кузатиш учун Зигенга етиб келишди. Ўйиннинг иккинчи ярмида ташаббусни ўз қўлига олган жаҳон чемпиони олишувни бундай якунлади:

33.Лf2: d2! Кс4:d2. 34.Фе—d4. Лf8—d8 (34...К:f1 бўлса, 35. Ке8+дан сўнг оқлар ютади) 35. Кf6—d5+ Крh 8—g8 36. Лf1—f2 (36... Ф:d2 бўлса, 36...Фс5+ ва қоралар отни қайтариб олади) 36... Кd2 —c4 37. Лf2—e2 Лd8—d6 38. Ле2—e8+ Крg8—f7 39. Ле8—f8+ Қоралар таслим бўлди, чунки уларнинг фарзини бой бер ғалаётир ёки мот бўлаётир... Бу икки зўр шахматчининг сўнгги баҳси ана шундай якунланган эди.

Энди бу сафар улар қарийб икки ой яккама-якка «жанг» қиладилар. Мухлислар буни интизорлик билан кутмоқдалар.

НАЪМАТАК

МИСЛСИЗ ВОҚЕА

Қорамурт маҳалласида яшовчи Ш. Хандоннинг уйида водопровод жўмраги бузилиб, хонани сув боса бошлади. Уй эгаси ЖЭКнинг телефон номерини топиб, дарров уста чақирди. Водопроводчи уста тезда етиб келиб, жўмракни ўн минутда тузатиб бериб кетди. Ҳозир жўмрак яхши ишлаяпти.

АТТАНГ

Уни ҳаммамиз жуда оқил ва камтарин, билимдон ва талантли ёзувчи деб юрар эдик. Аттанг, бу таассуротимизни унинг ўзи бузиб қўйди: ўзи ҳам шундай деб ҳисоблар экан.

М. БАХТИЁРОВ

ЯНА...

Шеърият кечасин бошлади, мана,
Ўрмон радиоси;
муҳаррир — чумчуқ.
Даврага чорланган тўтилар яна,
Қаторда булбуллар, афсус, яна йўқ.
Чумчуқнинг фикрича, улар ғўр эмиш,
Қайтариқ ёзса ҳам, тўти зўр эмиш!

Ҳабиб РАҲМАТ

ЭРОН ЛАТИФАЛАРИ

— Эсингдами, Шоҳинани енгилтак, сатанг қиз дейишарди. Ёлғон экан. Тўрт ойдан бери банк директори билан биноийдек турмуш кечираётган эмиш.

— Тўғри, бироқ шу тўрт ой ичида банк директори беш марта алмашганидан хабаринг борми!

* * *

Ўта хасис эридан безор бўлгач ёшгина гўзал жувон осмонга қараб нола қилибди:

— Эй худо! Мен бирор миллионернинг хотини бўлиб қолсам бўлмасмиди!

Буни эшитиб турган онаси дебди:

— Оҳ, қизгинам, худога қайта илтижо қил. Ҳеч бўлмаса, бирор миллионернинг беваси бўлиб қолсанг ҳам майли!..

М. ВАЛИХОНОВ таржимаси

МУҚОВАЛАРДА

Биринчи бет: Ёшлик, жўшқинлик. **Б. МИЗРОХИН** фотоси

Иккинчи бет: Москвадаги «Космос» монументи. **А. СТЕПАНЕНКО** фотоси

Учинчи бет: Яйловда. **Р. ЖУМАНИЁЗОВ** фотоси

Тўртинчи бет: Баҳор. **С. БЕЗНОСОВ** фотоси



АДАБИЙ КРОССВОРД

Бўйига: 1. Д. Фурманов асари. 2. «Ўтган кунлар» романидаги бош қаҳрамон. 4. А. Ориповнинг лирик тўплами. 5. «Темир оқим» романидаги эпизодик образ. 6. Рус сатирик ёзувчиси. 7. Адабий оқим. 8. Машҳур турк адиби. 9. Мирмуҳсин асари. 11. Араб адиби Маҳмуд Таймурнинг ҳикоясидаги қаҳрамон. 12. «Муқанна» драмасидаги эпизодик образ. 13. «Қилич ва қалқон» асаридаги персонаж. 16. «Қутлуғ қон» романидаги ижобий образлардан бири. 18. И. Султоннинг «Бургутнинг парвози» драмасидаги қаҳрамон. 19. Н. Думбадзенинг «Қуёшни кўряпман» китобидаги персонаж. 22. Шекспир трагедияси. 23. «Онажон» тўпламининг муаллифи.

Энига: 3. «Оқлар ва қоралар» асаридаги персонажлардан бири. 6. Шевердин асари. 8. «Қорақалпоқ қизи» асаридаги эпизодик образ. 10. А. Котов асаридаги ижобий образлардан бири. 12. Абдулла Қаҳҳорнинг романи. 14. Проза жанрларидан бири. 15. Ҳамид Олимжон драмаси. 17. В. Лациснинг «Ватанни қўмсаб» романидаги персонаж. 20. Ўзбек классик шоираси. 21. «Қора кўзлар» асаридаги персонаж. 24. Турк халқининг революцион шоири. 25. В. Кожевниковнинг машҳур асаридаги бош қаҳрамон прототипи.

Тузувчи **А. ИБРОҲИМОВ**

Ангрен шаҳри

3-СОНДА БОСИЛГАН ЧАЙНВОРДНИНГ ЖАВОБИ

1. Нон. 2. Нарзан. 3. Наманган. 4. Норсмен. 5. Нуъмон. 6. Нормандия-Неман. 7. Никотин. 8. Нодон. 9. Низомжон. 10. Нейлон. 11. Нордон. 12. Нарвон. 13. Нишон. 14. Новакаин. 15. Нарман. 16. Нурхон. 17. Наньнин. 18. Нанкин. 19. Норин. 20. Нафталин. 21. Наримон. 22. Найлайин. 23. Нарбон. 24. Наньчан. 25. Нейтрон. 26. Невон. 27. Нуриддин. 28. Нормен. 29. Нептун. 30. Низомжон. 31. Нуржон-қағаи. 32. Насриддин. 33. Ногаҳон. 34. Ньютон. 35. Неймахаан. 36. Немичан. 37. Наяхон. 38. Нун.

ТУЗАТИШ

Журналимизнинг 3-сонида редакция айби билан муқованинг биринчи бетидаги суратнинг: «Тошкент Электрон техникаси заводининг ишчиси Мунира Хўжаева» деган ёзуви тушиб қолган. Редакция журналхонларимиздан кечирим сўрайди.

Бош редактор — Асқад МУХТОР.

Редколлегия: Раҳим АҲМЕДОВ, Абдулла БОБОҲОНОВ, Воҳид ЗОҲИДОВ, Искандар ИКРОМОВ, Собир МУҲАМЕДОВ, Иброҳим МЎМИНОВ, Ўктам ОРИПОВ, Эмиль РЎЗИБОЕВ (бош рассом), Ваҳоб РЎЗИМАТОВ (бош редактор ўринбосари), Обид СОДИҚОВ, Олим ХЎЖАЕВ, Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ, ЯШИН.

«Гулистон»—общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Корректор Т. БАҲРОМОВ. Техредактор М. ЕФИМОВА.

Адресимиз: Тошкент, 47. Карл Маркс кўчаси, 30-уй, индекс 700047. Редакция телефонлари: Бош редактор — 33-35-20; бош редактор ўринбосари — 33-35-90; масъул секретарь — 33-35-90; ижтимоий сиёсий бўлим — 33-36-02; адабиёт ва санъат бўлими — 33-35-19; фан ва маданият бўлими — 33-35-19; рассомлар бўлими — 33-36-59.

Босмахонага туширилди 13/III-72. Босишга рухсат этилди 17/IV-72. Қоғоз 70×108¹/₁₆. Ҳажми 4 босма тобоқ Р—10450 Буюртма 193. Тиражи 183156. Баҳоси 30 т. Нашр. Б-3462.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент.

Баҳоси 30 тийин.

Индекс 75233.